

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ СТАТИСТИКА АГЕНТЛИГИ**

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ВА СТАТИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

(Бошқарма бошлиқлари ва ўринбосарлари учун)



ТОШКЕНТ-2023

Муаллифлар:

Б. Ғойибназаров, О. Мамадалиев, Д. Закиров, Ш. Одилов,
А. Мамаджанов, С. Жўраев, Ш. Ғуломов, Б. Иргашев,
Д. Қирғизов, М. Жамолов, М. Сатимов, Қ. Бердиқулов,
М. Умаров, А. Мирзахидов, У. Мадаминов, З. Юлдошев

**МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА
ТИЗИМИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

(Бошқарма бошлиқлари ва ўринбосарлари учун)

МУНДАРИЖА

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СТАТИСТИКА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ” ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗА МАТНИ

1-мавзу.	“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да белгиланган асосий йўналишлар.....	5
2-мавзу.	“Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари дастури”да белгиланган чора-тадбирлари, “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантирининг миллий стратегияси”.....	15
3-мавзу.	“Расмий статистика тўғрисида”ги қонунининг мазмуни ва аҳамияти.....	23

“СТАТИСТИКАДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ” ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗА МАТНИ

1-мавзу.	Рақамли технологиялар ҳақида умумий тушунчалар. Статистика фаолиятидаги ахборот ресурслари.....	32
2-мавзу.	“Статистика” интеграллашган ахборот тизими.....	39

“УМУМИЙ СТАТИСТИКА АМАЛИЁТИ” ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗА МАТНИ

1-мавзу.	Ўзбекистонда аҳолини ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар.....	48
2-мавзу.	“МҲТ-2008” Халқаро услубиёти: ўзгаришлар, тавсиялар ва уларни жорий этиш.....	67
3-мавзу.	ЯИМ (ЯҲМ) ва тармоқлар бўйича қўшилган қиймат шаклланишининг хусусиятлари.....	76
4-мавзу.	Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш дастурлари ва уларнинг натижаларини статистик кўрсаткичларда ифодалаш.	84
5-мавзу.	Тармоқлар ва ҳудудлар статистикаси: статистик кўрсаткичлар тизими, уларнинг шаклланиши ва таҳлили.....	93
6-мавзу.	Мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасининг статистик кўрсаткичлари шакллантириш.....	123
7-мавзу.	Товарлар ва хизматлар нархларини танланма статистик кузатиш асосида инфляция даражасини аниқлаш.....	129
8-мавзу.	Минимал истеъмол харажатлари. минимал истеъмол саватчаси.....	137
9-мавзу.	Статистика соҳасига сифатни бошқаришнинг халқаро тизимларини жорий этиш йўллари.....	144
10-мавзу.	Танланма кузатув, унинг моҳияти ва турлари. Танланма кузатувларни ўтказиш усуллари.....	153
11-мавзу.	Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни мониторинг қилишда расмий статистиканинг ўрни.....	161
12-мавзу.	Ўзбекистонда гендер статистикасини юритиш ҳолати.....	169
13-мавзу.	Миллий статистика тизимининг халқаро статистика ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги.....	175

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СТАТИСТИКА
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НОРМАТИВ-
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ”
ФАНИ БЎЙИЧА**

МАЪРУЗА МАТНИ

1-МАВЗУ: “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ”ДА БЕЛГИЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”нинг мазмун ва моҳияти

Бугунги кунда **Янги Ўзбекистон** “Инсон қадрлари устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган муҳим ғоя негизида барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган бу улуғвор мақсад асосида халқимиз янгидан-янги ислохотларнинг ҳақиқий муаллифига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган **300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинган**. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиклигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Шу ислохотларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” билан тасдиқланди.

Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда **“Инсон қадрлари учун” тамойили асосида** халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан** ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга

мўлжалланган **“Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси” қабул қилинди.**

Замон жуда тез, мислсиз шиддат билан ўзгараётган, жаҳонда глобал инқироз, нотинчлик, озиқ-овқат танқислиги ва бошқа бухронлар давом этаётган ҳозирги мураккаб даврда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бардавом бўлишини таъминлаш, ислоҳотлар пойдеворини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга масаладир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқимиз энг ривожланган мамлакатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, янги жамият қуришдек улуғвор мақсадлар билан яшамокда. Ушбу мақсадга етиш борасидаги серқирра фаолиятнинг тизимли ва самарали ташкил этилиши, ишларимизнинг самарадорлигига эришиш ислоҳотларимизнинг мазмун моҳияти ва устувор йўналишларини белгилайди.

2022 йилда стратегияни амалга оширишга оид Давлат дастури доирасидаги тадбирларга **55 трлн. сўм ва 11,7 млрд. доллар** ажратилди. Кенг маънода ушбу Стратегияда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг келгуси 5 йилликка мўлжалланган улкан режаларни ва уни ҳаётга тадбиқ этишнинг реал механизмлари белгилаб берилган. Натижада эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларимиз янги поғонага кўтарилади.

Бу борада, миллати, тили ва динидан қатъий назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган **“Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу асосда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтирамиз. Бунинг учун келгусида давлат функцияларининг катта қисми марказдан ҳудудларга ўтказилади.

Шу муносабат билан **“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”**, деган даъватга қўшимча қилиб айтиш мумкинки: **“Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”**. Шунинг учун ҳар бир мутасадди маҳалла ва туман ҳаётини ипидан игнасигача билиши шарт.

Лекин, ҳаммамиз яхши тушунамизки, коррупция балосига қарши фақат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онгида бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Халқпарвар давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва амал қилиш ҳиссини

шакллантириш – боғча ва мактабдан тортиб олийгоҳгача, барча таълим муассасаларининг, ҳар бир оиланинг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши керак.

2030 йилга бориб, Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, “хомашёдан – тайёр маҳсулотгача” деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизими ривожлантирилади.

Иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиш учун, аввало, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш чоралари амалга оширилади. Шунингдек, бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилади.

Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайитириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислохотлар қатъий давом эттирилади. Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади. Эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлар энергия ресурслари билан кафолатли таъминланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизими ислоҳ қилиниб, ижтимоий хизматларнинг сифати яхшиланади ва кўлами кенгайтирилади.


Уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш энг муҳим масалалардан биридир. Ушбу йўналишда қабул қилган дастурлардан, арзон уй-жойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, деганидир. Ана шундай ишлар кўламини янада кенгайтириб, келгусида ҳудудларимизда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилади. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари изчил давом эттирилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Биз учун стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳимдир.

Қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш ислохотларимизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шу мақсадда фермер ва деҳқонлар даромадини 2 баробар кўпайтириш учун зарур шароитлар яратилади, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръати камида 5 фоизга етказилади.



1-расм. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг устувор йўналишлари

Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитларни яратиш устувор йўналишининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари:

- Аҳолининг **ўртача умр давомийлигини 78 ёшга** етказиш;
- Тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг **70 фоиз мурожаатларини** бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этиш;
- Мактабгача таълим билан қамров даражасини **100 фоизга етказиш**, “**Топ-500**”га кирадиган чет эл олийгоҳлари билан **50 та таълим** дастурлари ва “**икки дипломли тизим**”ни жорий этиш.

- 2026 йилга қадар **камбағалликни 2 баробарга камайтириш**;

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун муносиб шароитларни яратиш устувор йўналишининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари:

- Ялпи ички маҳсулот ҳажмини **160 миллиард долларга** ва унинг аҳоли жон бошига кўрсаткичини **4 минг долларга** етказиш;
- Саноатда чуқур қайта ишланган саноат маҳсулотлари улушини **2,5 баробарга** ошириш ва технологик маҳсулотлар улушини **32 фоизга** етказиш;
- **1 миллиондан** ортиқ арзон уй-жойларни қуриш;
- Иқтисодиётда хусусий сектор улушини **85 фоизга** етказиш;
- Меҳнат унумдорлигини саноатда **2 баробар** ошириш;
- Экспорт ҳажмини **45 миллиард долларга** етказиш.

Сув ресурсларини тежаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш устувор йўналишининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари:

- Сувни ишлатиш самарадорлигини **25 фоизга** ошириш;
- Республика ҳудудининг яшиллик даражасини **30 фоизга** етказиш;
- Иқтисодиётда қайта тикланувчи энергиянинг улушини **40 фоизга** етказиш;
- Мамлакатимизда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини **65 фоизга** етказиш.

Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш устувор йўналишининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари:

- “**Хабеас корпус**” институтини тўлақонли жорий қилиш;
- Ҳар бир маҳаллада барча масалаларни “**бир қадам**”да ҳал этадиган тизимни йўлга қўйиш;
- Маҳалла бюджети тизимини **тўлиқ ишга** тушириш;
- Давлат хизматларини **тўлиқ электрон шаклга** ўтказиш;
- Иқтисодиётда тартибга солиш юкини **30 фоизга** қисқартириш;
- “Transparency International” ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индексида мамлакатимиз кўрсаткичини **50 поғона** кўтариш.

Мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш ишларини давом эттириш устувор йўналишининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари:

- Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда **очик, прагматик ва фаол** ташқи сиёсатни олиб боришни давом эттириш;
- Марказий Осиёда **яхши қўшничилик ва стратегик шериклик** муносабатларини ривожлантириш;
- Хориждаги **ватандош ва юртдошларимиз** билан доимий алоқаларни йўлга қўйиш;
- Мамлакатнинг **мудофаа қобилиятини** юқори даражада таъминлаш;
- **Жаҳон савдо ташкилотига** аъзо бўлиш.

“Янги Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилади. Бу комиссия стратегиянинг сифатли бажарилишини ташкил этади, уни амалга ошириш бўйича тегишли йиллик дастурлар тайёрланишини ва уларнинг ижросини мувофиқлаштиради.

Олий Мажлис палаталарида парламент комиссияси ташкил этилади. Стратегиядаги вазифаларнинг ижроси таъминланиши ҳолатини, бунинг доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан парламент назоратини амалга оширади. Вазирлар ахборотини эшитади ва танқидий муҳокама қилиб боради.

Маҳаллий Кенгашлар ўз ҳудудларида Стратегияни йиллар кесимида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва ҳар ойда муҳокама қилиб боради.

Ҳукумат ҳар чоракда Стратегия амалга оширилишини танқидий муҳокама қилиб боради, ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан вазирларга нисбатан тегишли чоралар кўради.

Стратегик ислохотлар агентлиги ҳар ойда Стратегия бажарилишини мониторинг қилиб, уни амалга ошириш бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқади, ижроси таъминланмаган бандлар бўйича мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масалаларига оид таклифларни киритади.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, муайян жамият тараққиёт жараёнида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва сиёсатда бўлгани каби, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиш зарурати пайдо бўлади. Чунки, ўзига хос янги давр, шароит, вазият анъанага айланиб қолган ғоялар, қарашлар, муносабатларни ўзгартирмасдан, маълум мафкурага асосланмасдан янги мақсадлар сари қадам ташлай олмайди. Бу эса, янги ғоя, янги қараш, муносабат, мафкурани ишлаб чиқишни талаб этади. Шу билан бирга, ҳар бир жамият тарихида шундай бурилиш давлари бўладики, унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун ниҳоятда муҳим стратегик мақсадлар ва муайян ривожланиш босқичига хос устувор тамойилларни аниқлаш ҳаётий эҳтиёжга айланади.

Тажриба айнан ана шундай давларда ушбу эҳтиёжни зукколик билан англайдиган, воқеалар ривожини олдиндан кўриб, замон талабларига муносиб жавоб бера оладиган ва ўз тараққиёт стратегиясини амалга ошириш йўлидан собитқадамлик билан бора оладиган халқларгина кўзлаган мақсадларига етиши мумкинлигидан далолат беради.

“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”даги асосий йўналишлар

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишдан асосий мақсад маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этишдан иборат.

2. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришдан асосий мақсад қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборат.

3. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашдан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан

ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” каторига кириш учун замин яратишдан иборат (1-жадвал).

1-жадвал

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш	Иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суратларини таъминлаш орқали келгуси 5 йилда аҳоли жон бошига ЯИМни – 1,6 барабар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” каторига кириш учун замин яратиш.
	Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси 5 йилда 120 млрд. АҚШ доллари , жумладан, 70 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш.
	Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн. АҚШ долларидан 7 млрд. АҚШ долларига етказиш.
	Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 млрд. АҚШ долларига етказиш.
	Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.
	2030 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш.
	Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.
	Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ЯИМдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.
Йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдорини 4,5 млрд. АҚШ доллардан ошиб кетмаслигини таъминлаш.	

4. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришдан асосий мақсад ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш, мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш, Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш, пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришдан иборат (2-жадвал).

**Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини
ривожлантириш**

Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлан- тириш	Хар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиш кўламини 2 барабар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-ҳунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш.
	Малакали ўқитувчиларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш.
	Мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш.
	Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида кўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш.
	Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш.
	2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли Олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш.
	Қарийб 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш.
	2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш.
	Глобал инновацион индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар топ-50 мамлакатлари қаторига кириш.
	Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш.
2026 йилгача нодавлат Олий таълим ташкилотлари сонини камида 50 тага етказиш.	

5. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқишдан асосий мақсад эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни янада ривожлантириш, китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш ҳамда миллий кино санъатини ривожлантиришдан иборат.

6. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашишдан асосий мақсад аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдан иборат.

7. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва муҳофизат салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб боришдан асосий мақсад давлатнинг муҳофизат қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистоннинг чет эллардаги фуқароларига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Мамлакатимизда адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия ислоҳотлари давом эттирилади. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодий бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодий ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавийга таянилади. Шу мақсадда **“Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият”** концепцияси амалга оширилади.

Миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш билан боғлиқ вазифалар доимий кун тартибда турибди.

Муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, **“жаҳолатга қарши – маърифат”** тамойили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларимизни соғлом эътиқод руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Миллий ривожланиш йўлида орттирган тажрибамиздан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида барча соҳа ва тармоқлар, минтақа ва ҳудудлар, хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича тизимли ислоҳотлар давом эттирилади.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. “Янги Ўзбекистон” тушунчаси нимани англатади?
2. Тараққиётнинг янги босқичи қандай хусусиятларга эга?
3. “Жамиятнинг янги қиёфаси” деганда нималар назарда тутилмоқда?
4. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш тамойиллари қандай?
5. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга нималар тўғаноқ бўлмоқда?
6. Яқин ва ўрта истикболда Янги Ўзбекистон стратегияси қандай бўлиши керак?

7. Ушбу стратегиянинг бугунги замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий шакл-шамойили қандай бўлиши лозим?

8. Унда шакл ва мазмун бирлиги, имконият ва воқелик уйғунлигига доир муҳим назариялар қай тарзда ўз ифодасини топиши зарур?

9. Кейинги ўн йилликлардаги фаолиятимизни белгилайдиган тараққиёт тамойиллари ва вазифаларнинг қайси бирлари энг устувор ва долзарб бўлиб ҳисобланади?

10. Тараққиёт стратегиясида жамият ҳаётининг барча жабҳалари ва йўналишларини тўла-тўқис акс эттириш учун нималарга асосий эътибор қаратишимиз даркор?

11. Кейинги йилларда қабул қилинган концепция ва ҳаракат дастурларида белгиланган маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларнинг самарасини ошириш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади?

12. Стратегияда назарда тутилаётган асосий устувор вазифалар нималардан иборат?

13. Мактаб битирувчиларининг Олий таълим билан қамров даражасини неча фоизга етказиш мўлжалланган?

14. 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни қанчага етказиш назарда тутилган?

15. Коррупцияга қарши курашишнинг қандай чора-тадбирлари белгиланган?

2-МАВЗУ: “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ ДАСТУРИ”ДА БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ, “2020-2025 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТАТИСТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ”

“Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастури” нинг амалга оширилиши

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг қўламли **маъмурий ислохотлар** амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги сон “Янги ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги тўғрисида ПФ-269-сон Фармони билан давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди.

Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш ҳисобидан бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 30 га яқин турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан 60 дан ортиқ ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди.

“**Электрон ҳукумат**” тизимининг фойдаланувчилари сони 4 миллиондан ошиб, у орқали давлат идораларининг 130 дан ортиқ ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қарийб 350 турдаги хизматлар онлайн шаклда кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Янги Ўзбекистон шароитида замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, қарор қабул қилиш ва масалани кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш орқали давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш мақсадида **самарали маъмурий ислохотлар** давом этмоқда.

2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг таркибий тузилмаларидан мустақил равишда Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлаш тизими жорий этилди.

Мазкур Фармон асосида қуйидаги атамаларга расмий изоҳ берилди:

- **вазирлик** – тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни **яккабошчилик** асосида ташкил этадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

- **қўмита** – тегишли **соҳа ичидаги тармоқ** фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни **коллегиал** асосда ташкил этадиган, шунингдек, вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

- **агентлик** – асосий вазифаси сифатида тегишли соҳада **давлат хизматларини кўрсатиш** ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқни қўллаш функцияларини амалга оширувчи, шунингдек, вазирлик ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Бугунги кунда ижро этувчи ҳокимият органлари штат бирликлари, шу жумладан, раҳбар лавозимларини **30 фоизгача** мақбуллаштириш ва **адолатли меҳнатга ҳақ тўлаш** тизимини жорий этиш, маъмурий ислохотлар доирасида трансформация қилинаётган ижро этувчи ҳокимият органларининг **мазкур Фармонда белгиланган янги талаблардан келиб чиққан ҳолда самарали фаолиятини йўлга қўйиш**, раҳбарларнинг **молиявий ва институционал мустақиллигини ошириш** орқали ҳудудлар билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функцияларини тартибга солиш орқали уларни камида **10 фоизга қисқартириш**, хусусий секторга ўтказиладиган давлат функциялари сонини камида **3 баробарга ошириш**, давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг механизмларини кенг жорий этиш, ижро этувчи ҳокимият органларининг тизимида **раҳбар ва ижрочи ходимларнинг муносиб нисбатига эришиш**, раҳбарларнинг аҳоли таклифлари асосида фаолиятини йўлга қўйиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини кучайтириш мақсадида тизимли ислохотлар давом этмоқда.

Ўзбекистонда маъмурий ислохотларнинг янги босқичи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниши билан боғлиқ. Унга кўра, давлат бошқарув тизимини ислох қилиш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим кадам бўлди ва моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида янги саҳифани очиб берди. Мазкур концепцияда давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилишнинг олтита асосий йўналиши белгилаб берилди.

Концепцияда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари ҳамда жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Жумладан, давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ҳамда уларнинг фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали мазкур органлар тузилмаси ўртача 15 фоизга

мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди.

Бироқ маъмурий ислоҳотларни изчил давом эттириш йўлида ўз ечимини кутаётган масалаларни тўлиқ ҳал этишга ҳамон эҳтиёж мавжуд эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва “мобиль бошқарув аппарати”ни яратиш мақсадида Президентимизнинг “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди.

Мазкур фармойишга мувофиқ 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси ва тегишли ишчи гуруҳлар томонидан маъмурий ислоҳотларни амалга оширишда давлат бошқаруви органларининг фаолияти ўзаро келишилган тарзда, самарали олиб борилишини, сусткашликлар ва масъулиятсизликка йўл қўймаслигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, барча республика ижро этувчи ҳокимият органларининг қарийб 5 минг функциялари хатловдан ўтказилиб, 500 га яқин такрорланадиган, ўз аҳамиятини йўқотган ҳамда амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган функциялар аниқланди.

Давлат бошқарувининг марказлашиб кетиши вазирлик ва идоралар ваколатларининг бир-бирини такрорлаши, агентликларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши, ортиқча бюрократиянинг кучайишига сабаб бўлди.

Президентимизнинг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу муаммоларга ўзига хос ҳуқуқий ечим бўлди, дейиш мумкин. Хусусан, мазкур фармонга кўра, 2023 йил 1 январдан бошлаб мустақил фаолият юритувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини 61 тадан 28 тагача, шу жумладан, вазирликлар сонини 25 тадан 21 тагача қисқартириш белгиланди.

Бошқача қилиб айтганда, республика давлат бошқаруви органлари куйидаги тартибда ислоҳ қилинмоқда: қайта ташкил этиш, вазифа ва функцияларни тегишли вазирлик ва идораларга ўтказган ҳолда тугатиш ҳамда ташкилий бўйсунувни ўзгартириш. Мазкур чора-тадбирлар натижасида 1,5 триллион сўмдан ортиқ бюджет маблағлари иқтисод қилинишига эришилади ва штат бирликларини мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган маблағлар ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади.

Давлат бошқаруви аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг мақбуллаштирилиши коррупциявий омилларни бартараф этиш ҳамда бюджет маблағларининг сарфланиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмаси ислоҳ қилиниб, Бош вазирнинг 4 нафаргача ўринбосарлари лавозими ҳамда Бош вазир котибияти ташкил этилмоқда. Бу, ўз навбатида, замонавий талабларга

жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, қарор қабул қилиш ва масалани кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам маъмурий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида қабул қилинган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди.

Мазкур қарор билан Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида амалга ошириладиган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, унда бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланди.


Умуман олганда, республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти янгиланган талаблар ва тамойиллар асосида ташкил этилаётганлиги маъмурий ислоҳотлар доирасида мамлакатимизда натижадорликка йўналтирилган ихчам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилаётганлигини билдиради.

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси

Ўзбекистон Республикасида давлат статистикаси тизимини яратиш борасида чора-тадбирлари изчил амалга оширилиши натижасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда расмий статистик маълумотларни йиғиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва нашр этишнинг яхлит тизими шакллантирилди. Маълумки, статистик маълумотлар – XXI аср, рақамлаштириш асрининг “ёқилғиси” ҳисобланади. Маълумотлар дунёдаги энг қимматбаҳо манба бўлиб, ривожланиш ва тараққиёт асосидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатда бошқарув тизимини такомиллаштириш ва давлат бошқарувини модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар статистика соҳасида ҳам ўз аксини топди, бу ўз ўрнида мамлакат ичидаги фойдаланувчилар ҳамда халқаро статистика ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан стратегик қарорлар қабул қилишда статистик маълумотларнинг долзарблиги ва аҳамиятлилигини таъминлашнинг зарурлиги ва узлуксиз такомиллаштириб борилиши тўғрисида мустақам тушунча ҳосил бўлди. 2020-2025 йилларда ўзбекистон республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясининг устувор йўналишлари (2-расм):



1-расм. Стратегиянинг устувор йўналишлари


Шу билан бирга, Жаҳон банки кўмагида миллий статистика тизимини янада ривожлантиришнинг яхлит модели ишлаб чиқилди. Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқилган Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг ташаббуси бўлиб, фойдаланувчилар эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган, статистиканинг долзарблигини оширишга, статистика тизимларини бошқариш ва мувофиқлаштиришни такомиллаштиришга ҳамда мамлакат миллий статистикасининг барқарорлиги ва бардавомлигини таъминлашга қаратилган мақсадлар ва комплекс тадбирлар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ва статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчи бошқа вазирлик ва идоралар томонидан профессионалик, мустақиллик, холислик, сифат, ишончлилик, очиқлик ва шаффофлик каби қадриятларни таъминлаш, аввало барча манфаатдор ҳамкорлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларига асосланади. СРМСни амалга оширилиши натижасида ушбу қадриятлар тизими ҳаётда ўз аксини топади ва расмий статистиканинг асосий халқаро тамойилларига мувофиқ институционаллашади.

Албатта, юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши умумэтироф этилган стандартларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимини модернизация қилиш ва такомиллаштириш ҳамда унинг халқаро статистика ҳамжамиятига тўлиқ интеграциялашувига мустаҳкам замин яратади.

СРМСни иккита асосий мақсади мавжуд. Биринчидан, у Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимининг жорий ҳолатини баҳолаб беради, иккинчидан эса, тегишли режаси ва бюджети билан мамлакат миллий статистика тизимини келгуси беш йилликда ривожланиш стратегияси бўлиб хизмат қилади.

2020-2025 йилларда СРМСни амалиётга жорий қилиш орқали қуйидаги стратегик натижаларга эришилади (3-расм):



2-расм. СРМСдан кутилаётган натижалар

Статистика агентлиги статистик маълумотларни холис, ошқора ва мустақил равишда тўплайди ҳамда уларни кенг жамоатчилик, ҳукумат, бизнес ва илмий ҳамжамиятга етказиш учун холис равишда тарқатади. Ушбу маълумотлар аниқ далиллар асосида қарор қабул қилиш учун жуда муҳимдир.

Статистика агентлиги томонидан ишлаб чиқиладиган статистик маълумотлар фойдаланувчиларга турли хил тарқатиш воситалари, шу жумладан, медиа каналлар, Интернет ва босма ОАВ орқали тарқатилади. Ҳозирги пайтда статистика агентлиги маълумотларни онлайн маълумотлар базаси ёрдамида тарқатиш устида шуғулланмоқда. Интернетда кенг жамоатчиликка йўналтирилган асосий макроиктисодий ва тармоқ кўрсаткичлари бўйича жамланган статистик маълумотлар мавжуд. Шунингдек, статистик маълумотларни турли форматларда осонгина юклаб олиш мумкин.

Расмий статистик маълумотларни веб-сайтда бепул олиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, фойдаланувчилар махсус тайёрланадиган маълумотларни буюртма бериб, уларни тайёрлаш билан боғлиқ хизматлар учун тўловни амалга ошириш орқали олишлари мумкин. Бироқ, нарх сиёсати аниқ кўрсатилмаган ва жамоатчилик учун очиқ эмас.

Ўзбекистон 2018 йил май ойидан бошлаб ХВФнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимида (к-МТУТ) иштирок этмоқда, ҳозирда ваколатли органлар Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига (ССРД) ўтиш борасида ишларни олиб бормоқдалар.

Статистик маълумотларни эълон қилиш кунлари ва вақти аввалдан эълон қилиб борилади. Маълумотларни эълон қилиш бўйича 12 ойлик дастлабки тақвим фойдаланувчиларга тақдим этилади. Маълумотлар тақвимга мувофиқ белгиланган кунда эълон қилиб борилади. Маълумотларни тарқатишда юзага келган ҳар қандай оғишлар олдиндан эълон қилинмайди

ёки тушунтирилмайди. Ўз вақтида нашр этилишини назорат қилиш тартибини тавсифловчи аниқ шаклланган ёзма ҳужжат мавжуд эмас.

Маълумотлар ва статистик ахборотни тарқатишнинг ягона сиёсати мавжуд эмаслиги сабабли, эълон қилинган статистик маълумотлардаги хатоликлар тузатилмайди ёки тузатилганлиги ҳақида эълон қилинмайди. Амалдаги усуллар ва тартиб-таомиллар тўғрисида барча маълумотлар очиқ эмас.

Микромаълумотлар учун очиқ маълумотлар сиёсати мавжуд эмас. Тадқиқот мақсадида фойдаланувчиларга микромаълумотларни тарқатиш сиёсати ҳали ишлаб чиқилмаган, Шу ўринда, статистика агентлиги йиғилган ва/ёки анонимлаштирилган микромаълумотларни Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрацияси буйруқлари ва баённомалари асосида, шунингдек тижорат асосида органлар/муассасаларнинг талабларига биноан бепул шаклда тарқатиши мумкин.

2017 йилдан буён барча соҳага оид статистика маълумотлар изоҳлар ва таҳлилий материаллар билан бирга эълон қилиниши йўлга қўйилган. Усуллар ва тартиб-таомиллар тўғрисидаги маълумотлар веб-сайтда кутубхона бўлимида маълумотлардан алоҳида жойлаштирилган, бу маълумотлар доимий равишда янгиланиб туради. к-МТУТ тизимида талаб асосида статистик маълумотлар ва метамаълумотлар эълон қилинади. Фойдаланувчиларга маълумотларни олиш ва индивидуал жадваллар ва диаграммаларни яратишга имкон берадиган тарқатиш созламалари учун маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Пресс-релизларни ёзиш ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича махсус тренингларни ўтказиш ходимлар учун маълумотларни тарқатишда муҳим восита бўлади.

Давлат статистика кўмитаси маълумотлар тарқатиш сиёсатини яхшилаш учун статистик маълумотларни визуаллаштириш ва таҳлил қилиш учун замонавий дастурий таъминотларни («R», «Stata», «SPSS» ва бошқалар) жорий этиш, веб-сайтида онлайн маълумотлар базасини яратиш, маълумотларни филтрлаш ва ҳар хил форматларда юклаб олиш, шунингдек маълумотларни тарқатиш ва визуализация қилиш учун ходимлар малакасини ошириш зарурлигини англаб етади.

Ўзбекистонда маълумот етказиб берувчилар (респондентлар) билан тизимли алоқа мавжуд эмас. Сўровномалар экспериментал ёки ҳақиқий кузатувларни ўтказишдан аввал потенциал респондентлар билан камдан-кам муҳокама қилинади. Шунингдек, респондентларга ҳисобот юкини камайтириш бўйича расмий сиёсат мавжуд эмас. статистика агентлиги маълумот етказиб берувчилар учун халқаро амалиётга мувофиқ респондентларнинг ҳисобот юкламаси кўрсаткичларини белгилайдиган сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак. Ушбу сиёсат респондентларга етказилиши керак.

Турли соҳаларда фойдаланувчиларни идентификация қилиш ва категорияларга бўлган ҳолда рўйхатини тузиш учун статистик ахборот ва маълумотларни тарқатиш бўйича сиёсат ёки тартиб мавжуд эмас. статистика

агентлиги вақти-вақти билан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари ва қониқиш даражасини аниқлаш учун тадқиқотлар ўтказди. Тадқиқотлар ҳисобот ва саволномаларни ҳамда уларни тўлдириш бўйича йўриқномалар сифатини ва аниқлигини оширишга қаратилган доимий такомиллаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Фойдаланувчилар билан мувофиқлаштириш талаби “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилганига қарамай, амалда у тўлиқ бажарилмаяпти.

Расмий статистиканинг объективлиги оммавий ахборот воситалари, фойдаланувчилар ва жамоатчилик томонидан танқид қилинмоқда. Ўз навбатида, статистика агентлиги томонидан статистик усулларнинг ошқоралигини таъминлаш (статистика агентлиги расмий веб-сайтида ҳисобот ва пресс-релизларни нашр этиш), манфаатдор томонлар иштирокида даврий семинарлар ўтказиш, уларда асосий фойдаланувчилар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва илмий доираларнинг иштирокини кенгайтириш орқали расмий статистикага бўлган ишончни ошириш учун жиддий ҳаракатлар қилинмоқда. Шу билан бирга, статистика соҳасидаги хабардорлик даражаси пастлигича қолмоқда, бунинг учун соҳада ахборот тарқатишни янада фаоллаштириш зарур.

Статистика органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга, обрў-эътиборини оширишга, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондирилишини таъминлашга, аҳолининг статистика бўйича саводхонлигини оширишга, статистика соҳасида ахборот тарқатишни фаоллаштиришга, веб-сайт ва очиқ маълумотлар портални доимий равишда такомиллаштиришга ҳуқуқий замин яратадиган "Расмий статистика тўғрисида"ги янги Қонуннинг қабул қилиниши статистика агентлиги касбий мустақиллигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Маъмурий ислохотлар деганида нимани тушунасиз?
2. “Электрон ҳукумат ” нинг мазмуни нима?
3. Вазирлик атамасига таъриф беринг.
4. Қўмита атамасига тариф беринг.
5. Агентлик атамасига тариф беринг.
6. Молиявий мустақиллик нима?
7. Тактиканинг мазмуни нима?
8. Стратегиянинг мазмуни?
9. Модел деганида нимани тушунасиз?
10. Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясининг асосий мақсадлари нималардан иборат?
11. Мотивация деганида нимани тушунасиз?
12. Сифат ва миқдорнинг фарқи нимада?
13. Шаффофлик деганида нимани тушунасиз?
14. Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясидан қандай натижалар кутиляпти?
15. Модернизациянинг мазмуни нима?

3-МАВЗУ: “РАСМИЙ СТАТИСТИКА ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИНГ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

“Расмий статистика тўғрисида”ги қонуни бўйича халқаро тажриба ва тавсиялар

Бугунги кунда мамлакатимизда статистика маълумотларининг сифати ва ишончлилигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, бўлиб ўтаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, жумладан, халқаро ташкилотларнинг махсус нашрлари ва маълумотлар базаларида холис ва ишончли акс эттиришни таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ҳар бир давлат ташкилотининг асосий фаолияти қонун орқали тартибга солинади ҳамда бошқарилади. Миллий статистика тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 11 август “Расмий статистика тўғрисида”ги ЎРҚ-707-сон Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 7 май куни қабул қилинди ҳамда Сенат томонидан 2021 йил 26 июнда маъқулланди.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳасини шакллантиришда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва 2016 йилда халқаро даражада амалиётга жорий этиш учун тавсия этилган модель қонунига таянилган.

Қонунда қуйидаги муҳим нормалар белгиланган. Биринчидан, статистикани юритиш соҳасидаги халқаро тажрибадан келиб чиқиб, «Расмий статистика» тушунчаси ва статистика соҳасида қўлланиладиган асосий тушунчалар киритилмоқда. Яъни, статистика соҳасидаги халқаро амалиёт ва умум эътироф этилган стандартларга мувофиқ «расмий статистика» тушунчаси мамлакатдаги расмий статистикани шакллантирувчи барча ташкилотлар фаолиятини қамраб олади.

Иккинчидан, миллий статистика тизими таркибига статистика органлари билан бир қаторда расмий статистика масалалари доирасида расмий статистикани бошқа ишлаб чиқувчилари ва тарқатувчиси бўлган давлат органлари ҳам киритилган.

Учинчидан, қонун лойиҳасида расмий статистикани ишлаб чиқувчилар, уларнинг вазифа ва мажбуриятлари, шунингдек расмий статистика маълумотларини ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчи давлат органлари, респондентлар, маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар ҳамда статистик маълумотлардан фойдаланувчиларнинг ҳам вазифа ва мажбуриятлари, хусусан бирламчи маълумотлар билан ишлаш, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли индивидуал маълумотлар махфийлигини таъминлаш бўйича ягона талаблар белгиланган.

Тўртинчидан, статистика дастурлари ва кузатувлари, уларни тузиш ва тасдиқлаш тартиби ўрнатилмоқда. Амалдаги қонунда статистика ишлари дастурининг тавсифи, уни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби батафсил ёритилмаган, узоқ йиллик ва йиллик статистик дастурларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва молиялаштириш тартиби, статистик кузатувлар

хамда рўйхатга олишларнинг турлари ва уларни амалга оширишга оид қоидалар назарда тутилмаган.

Бешинчидан, расмий статистик маълумотларнинг сифати ва уларни баҳолаш бўйича талаблар белгиланган Қонунда статистиканинг сифатини таъминлаш мақсадида расмий статистикани ишлаб чиқувчилар маълумотларни баҳолашнинг статистик усулларида фойдаланиши, фойдаланиладиган манбалар ва усулларни хужжатлаштириб бориши, респондентларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, илмий жамоатчилик билан статистик услубиётни баҳолаш ва уни такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик қилиш каби механизмлар киритилган.

Олтинчидан, статистик маълумотлар билан ишлашга оид қоидалар аниқлаштирилган. Ҳозирда статистик маълумотларни ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш, эълон қилиш ва тарқатиш, шунингдек, қайта ишлаш ва сақлашда ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида талаблар белгиланмаган. Қонун лойиҳасида маъмурий, индивидуал ва махфий маълумотлардан фойдаланиш қоидалари ва мақсадлари белгиланган. Шунингдек, расмий статистикани ишлаб чиқувчилар томонидан статистик маълумотларни барчага баравар фойдаланиш имконини яратиш, уларни фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун изоҳлар билан бирга белгиланган муддатларда нашр қилиниши ҳамда расмий сайтлар ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши таъминланиши назарда тутилган.

Еттинчидан, расмий статистикани барча ишлаб чиқувчилари томонидан статистик услубиётларни, бошқарув принциплари ва тавсияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хорижий давлатларнинг статистика идоралари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширишга оид нормалар назарда тутилган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши аввало, миллий статистика тизими халқаро стандартларга мос равишда ислоҳ қилиниши, Шунингдек, мамлакатдаги расмий статистик маълумотларни ишлаб чиқувчи барча давлат органларининг фаолияти тартибга солмоқда. Расмий статистика соҳасини мувофиқлаштирувчи ваколатли органнинг профессионал мустақиллиги ҳамда расмий статистик маълумотларнинг халқаро даражада тан олинishi таъминланди. Фойдаланувчиларнинг шаффоф, ишончли, сифатли ва долзарб расмий статистик маълумотларга эга бўлмоқда.

Шунингдек, “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонунни тайёрлашда бир қатор ривожланган мамлакатлар қонунлари ўрганилган. Қолаверса, Германиянинг - Статистика тўғрисидаги федерал қонуни (07.09.2007 й. 28-модда), Япониянинг - Статистика тўғрисидаги қонуни (23.05.2007 й. 62-модда), Хитойнинг - Статистика тўғрисидаги қонуни (27.06.2009 й. 50-модда), Молдованинг - Расмий статистика тўғрисидаги қонуни (26.05.2017 й. 33-модда), Арманистоннинг - Расмий статистика тўғрисидаги қонуни (21.03.2018 й. 36-модда), Қирғизистоннинг - Расмий статистика тўғрисидаги қонун (08.07.2019 й. 37-модда), Россия Федерациясининг - Расмий статистика ҳисоби ва давлат статистика тизими тўғрисидаги қонун(18.04.2018 й. 9-модда)лари ўрганилган.

“Расмий статистика” тарихи	Модель қонунга кўра, “расмий статистика” асосий мезонлари:
<p>“Расмий статистика” тушунчаси БМТнинг Бош ассамблеяси томонидан 2014 йилда Расмий статистиканинг асосий принциплари маъқулланиши билан халқаро статистика амалиётида кенг қўлланила бошланган.</p> <p>Унга асосан, БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан “Расмий статистика тўғрисидаги модель қонуни” ишлаб чиқилди ва 2016 йил 29 апрелда маъқулланган.</p> <p>Шу вақтдан бошлаб, статистика қонунларини халқаро амалиётга мослаш жараёнлари бошланди. Жумладан, МДХ давлатларидан Молдова (2017й.), Арманистон (2018й.) ва Қирғизистон (2019й.) давлатларида “Расмий статистика тўғрисида” қонунлар қабул қилинган.</p> <p>Ҳозирда Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбайжон Республикаларида ҳам Модель Қонунга ўтиш бўйича ишлар бошланган.</p>	<p>Расмий статистика:</p> <ul style="list-style-type: none"> - нафақат статистика органлари, балки расмий статистикани тайёрловчи бошқа маъмурий органлар томонидан ишлаб чиқиладиган ва тарқатиладиган статистик маълумотларни ҳам ифодалайди; - айнан ушбу Қонуннинг қоидаларига, расмий статистиканинг асосий принципларига, статистик методологияларга ва статистика дастурларига мувофиқ тайёрланади ва тарқатилади; - статистика дастурлари доирасида барча расмий статистикани тайёрловчилар томонидан шакллантирилган маълумотлар расмий статистик маълумотлар сифатида эълон қилинишини назарда тутади.

Расмий статистика тўғрисида”ги Қонун (11.08.2021 й.) 7 та боб ва 44 та моддадан иборат. Яъни, умумий қоидалар (6 та модда), расмий статистика соҳасини тартибга солиш (5 та модда), расмий статистикани тайёрловчиларнинг, респондентларнинг, маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (7 та модда), статистика дастурлари, кузатувлари ва регистрлари, рўйхатга олишлар, уларни тузиш ва тасдиқлаш тартиби (7 та модда), статистика маълумотлари, улардан фойдаланиш тартиби ва махфийликни таъминлаш (7 та модда), Расмий статистиканинг сифатини таъминлаш, уни тарқатиш ва эълон қилиш (5 та модда), яқунловчи қоидалар (7 та модда) Қонуннинг тузилмаси ҳисобланади.

Очиқ иқтисодиёт шароитида давлат бошқарувининг энг муҳим воситаларидан бири турли хил ва тезкор ахборотларнинг мавжудлиги, ягона ахборот маконининг энг муҳим элементи эса ишончли ва долзарб давлат статистикасидир.

Халқаро статистика амалиётида “сифат” атамаси кенг маънода талқин қилинади ҳамда статистик жараёнлар ва статистик натижалар фойдаланувчилар ва манфаатдор томонларнинг талабларига қанчалик яхши жавоб беришининг барча аспектларини қамраб олади.

Дунёда энг кенг фойдаланилувчи сифат стандарти ИСО 9001 сифатни бошқариш тизимлари серияси ҳисобланади, шу билан бирга баъзи халқаро экспертларнинг фикрича статистика органлари фойдаланиши учун ИСО “ISO 20252:2006 market, opinion, social research, vocabulary and service requirements” (бозор, фикр, ижтимоий тадқиқотлар, луғатлар ва хизмат кўрсатиш бўйича

талаблар) серияси ёки Европа сифат менежменти фондининг “EFQMни такомиллаштириш модели”, Умумий сифатни бошқариш бўйича стандартлар (TQM), Кўрсаткичларнинг мувозанатлаштирилган тизими (ССП), Бошқариш воситаси (BSC) каби махсус сифат воситалари кўпроқ мос келади.

1994 йилда БМТнинг Статистика комиссияси “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий статистикасининг асосий тамойиллари”ни нашр қилди. Мазкур ҳужжатда кўрсатилган 10 та тамойиллар БМТ томонидан статистикада сифатни бошқариш тизимига нисбатан энг асосий деб тан олинган. Бундан ташқари, Статистика фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кўмита томонидан 2005 йилда “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро статистика фаолиятини тартибга солиш тамойиллари” эълон қилинди.

Европа статистика тизими доирасида, шунингдек “Европа статистика тизимининг сифат бўйича декларацияси” (“ESS Quality Declaration”) ишлаб чиқилган ва 2001 йилда Статистика дастури бўйича кўмита томонидан қабул қилинган, унинг асосида Европа статистика амалиёти кодекси қабул қилинди ва 2005 йилда нашр қилинди.

Кодекс Евростат ва Европа Ҳамжамиятига аъзо мамлакатларнинг миллий статистика бошқармаларига юқори сифатли статистикани ишлаб чиқаришда умумий ва кенг қамровли ёндашувга риоя қилиш мажбуриятини юклайди. У “статистиканинг сифати” тушунчасининг таърифини ва 15 та асосий тамойилларни ўз ичига олади. Кодекс ҳар бир тамойил учун илғор амалиётни акс эттирувчи кўрсаткичларнинг тўпламини белгилайди.

“Расмий статистика тўғрисида”ги қонуннинг мақсади ва мазмуни

Ушбу Қонуннинг мақсади – расмий статистика соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. **Расмий статистика** – ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ давлат статистика органлари ва расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан тайёрланадиган ҳамда тарқатиладиган статистика маълумотларидан иборатдир. “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуни расмий статистик рақамларни тайёрлаш услублари ҳамда барча учун очиқ статистик маълумотлар тўғрисидаги қоидаларни белгилаб беради.

2002 йилда қабул қилинган “**Давлат статистикаси тўғрисида**”ги Қонун, халқаро тажрибани ўрганиш натижасида унинг ҳозирги шароитга ва халқаро тавсияларга тўлиқ мос келмаслигини, унда бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. **Масалан**, қонунда фақатгина давлат статистика органлари фаолияти тартибга солиниб, статистик маълумотларнинг бошқа ишлаб чиқувчилари фаолияти **инобатга олинмаган**. Статистика маълумотларини ишлаб чиқувчи бошқа давлат органларининг вазифа ва **функциялари акс эттирилмаган**. Статистик маълумотларни ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш ва эълон қилиш бўйича барча ишлаб чиқувчилар учун **умумий тартиб-қоидалар ўрнатилмаган**. Статистика соҳасида кўп қўлланиладиган расмий статистика, расмий статистикани

ишлаб чиқувчи, респондент, фойдаланувчи, статистик маълумотлар, маъмурий маълумотлар, индивидуал маълумотлар, статистик кузатув ва бошқа тушунчаларга изоҳ берилмаган.

Янги қонун билан **“расмий статистика” тушунчаси** киритилди, у давлат статистика органлари ва расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан тайёрланадиган ҳамда тарқатиладиган статистика маълумотлардан иборат эканлиги белгиланди. Шунингдек, Қонун билан **идентификатор, индивидуал ва маъмурий маълумотлар, метамаълумотлар, миллий статистика тизими, расмий статистикани тайёрловчи, статистика маълумотлари, статистика маълумотларини тайёрлаш, статистик бирлик** каби асосий тушунчалар киритилди.

Қонунга кўра, давлат статистика органлари **расмий статистиканинг асосий тайёрловчилари бўлиб**, расмий статистикани тайёрлашни, тарқатишни ҳамда мувофиқлаштиришни амалга оширади. Статистика дастурларига расмий статистикани тайёрловчилар сифатида киритилган давлат бошқаруви органлари **расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари** ҳисобланади.

Расмий статистикани тайёрловчиларга индивидуал ва бошқа маълумотларни статистика мақсадларида тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс **респондент** ҳисобланади.

Маъмурий маълумотларни расмий статистикани тайёрловчиларга тақдим этувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари **маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар** ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари **расмий статистикадан фойдаланувчилар** бўлиши мумкин.

2-жадвал

Қонун билан расмий статистика соҳасида қуйидагилар белгиланди:	
1.	Давлат сиёсатининг асосий йўналишлари
2.	Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда Статистика агентлигининг расмий статистика соҳасидаги ваколатлари
3.	Расмий статистикани тайёрловчиларнинг, респондентларнинг, маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
4.	Статистика дастурларини ишлаб чиқиш, статистик кузатувни ва рўйхатга олишни ўтказиш, статистика регистрларини юритиш тартиби
5.	Маъмурий ва индивидуал маълумотлардан фойдаланиш, шунингдек статистика маълумотларининг махфийлигини таъминлаш тартиби ва бошқалар.

Қонун билан расмий статистика соҳасидаги давлат сиёсатининг **асосий йўналишлари, яъни** миллий статистика тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, миллий статистика тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш белгиланган.

Расмий статистика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилар белгиланди:

- миллий статистика тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш;

- миллий статистика тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Давлат статистика органлари мустақиллиги қонунда белгилаб қўйилди: Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг статистика бошқармалари, туманларнинг (шаҳарларнинг) статистика бўлимлари давлат статистика органларидир.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари давлат статистика органларининг ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг статистика бошқармалари, туманларнинг (шаҳарларнинг) статистика бўлимлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил бўлиб, бевосита ваколатли давлат органига бўйсунди.

Расмий статистикадан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқлари белгилаб қўйилди.

Жисмоний ва юридик шахслар (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари) расмий статистикадан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

Расмий статистикадан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- расмий статистикани тайёрловчиларнинг расмий веб-сайтларида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган статистика маълумотларидан эркин фойдаланиш;

- расмий веб-сайтларда ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмаган очиқ статистика маълумотларини олиш мақсадида расмий статистикани тайёрловчиларга сўров билан ёки уларни эълон қилиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиш.

Расмий статистикадан фойдаланувчилар ўз маҳсулотларида (ишларида ва хизматларида) ўзи фойдаланган статистика маълумотларининг манбаларини кўрсатиши шарт.

Ваколатли давлат органи расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари, расмий статистикадан фойдаланувчилар, респондентлар ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар билан ҳамкорликда статистика дастурларининг тайёрланишини таъминлайди.

Статистика дастурлари кўриб чиқиш учун Статистика кенгашига киритилади. Ваколатли давлат органи миллий статистика тизимига кирувчи расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан биргаликда статистика дастурларининг бажарилишини таъминлайди. Статистика дастурлари кўп йиллик ва бир йиллик бўлиши мумкин.

Расмий статистика мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек жамоатчиликни хабардор қилиш, расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун эълон қилинади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда статистик маълумотларнинг ишончлилиги, долзарблиги ва очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва уларга эришишнинг аниқ механизмлари яратилди. Хусусан, “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши юртимизда расмий статистика соҳаси фаолиятини тартибга солиш бўйича ишларнинг самарали ва тизимли амалга оширилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлаётир.

Статистика агентлиги ўз ваколатлари доирасида статистика услубиятлари ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика кузатувларининг шаклларини ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ҳамда жорий этиши юзасидан 2022 йил учун 110 та статистика ҳисоботи, 33 та танланма кузатув шакллари асосида статистика кузатувларини ташкил этган. Шунингдек, 2023 йил учун респондентларга ҳисобот юкламасини қисқартириш мақсадида 12 та статистика ҳисобот шаклларини қисқартиришга эришган.

Шунингдек, 15 та вазирлик ва идоралар билан ўзаро маълумотлар алмашинуви бўйича ахборот тизимлари уйғунлашуви ташкил этилган бўлса, 2023 йилда 17 та ахборот тури бўйича 13 та вазирлик ва идораларнинг маълумотларини уйғунлаштириш режалаштирилган.

Агар эски қонунда статистик маълумотлар деганда фақатгина бу борада ваколатли орган ҳисобланган Давлат статистика қўмитаси томонидан тайёрланган маълумотлар англашилган бўлса, янги қонунда миллий статистика тизимининг бир қисми бўлган, статистика маълумотларини расмий статистика соҳасидаги статистика дастурларига мувофиқ тайёрлайдиган давлат бошқаруви органи ва (ёки) унинг бўлинмалари бўлган расмий статистикани тайёрловчилар ҳам назарда тутилган. Бугунги кунда миллий статистика тизими субъектлари сифатида расмий статистика маълумотларини тайёрлашда бевосита иштирок этувчи 30 дан зиёд давлат бошқаруви органлари мавжуд бўлиб, мазкур тизим фаолиятини самарали мувофиқлаштириб бориш мақсадида Давлат статистика қўмитаси ваколатли орган сифатида белгиланган.

НАЗОРAT BA MYXOKAMA UЧУН САВОЛЛАР:

1. “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
2. “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун нечта боб ва нечта моддадан иборат?
3. “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуннинг мақсади нимадан иборат?
4. Расмий статистика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
5. Расмий статистика деганда нимани тушунасиз?
6. Расмий статистиканинг асосий принциплари нималардан иборат?
7. “Расмий статистика тўғрисида”ги қонунининг кенг амалиётга жорий этилишидан кутилаётган натижалар?
8. “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуни таркиби ва тузилмасини санаб беринг?
9. “Расмий статистика” тушунчаси келиб чиқиш тарихини тушунтириб беринг?
10. Қонун лойиҳасини тайёрлашда ўрганилган халқаро тажриба?
11. Қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этган хорижий экспертлар?
12. Расмий статистикадан фойдаланувчилар кимлар?
13. Маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар?
14. Давлат статистика органлари?
15. Респондентлар кимлар?

**“СТАТИСТИКАДА РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ”
ФАНИ БЎЙИЧА
МАЪРУЗА МАТНИ**

1-МАВЗУ. РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР. СТАТИСТИКА ФАОЛИЯТИДАГИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ

Дунё ижтимоий-иқтисодий ривожланишида рақамли технологияларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда рақамли технологиялар нафақат иқтисодиётнинг барча соҳаларида, балки ижтимоий муносабатлар ва гуманитар соҳаларга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Рақамли технологиялар – бу электрон тарзда маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, маълумотларни излаш, уларни узатиш ва тақдим этиш билан боғлиқ бўлган технологиялар.

Юртимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПҚ–6079-сон Фармони доирасида:

- статистик маълумотларни сақлаш;
- қайта ишлаш ва тақдим этиш бўйича ахборот тизимлари такомиллаштирилди;
- корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри платформаси такомиллаштирилди;
- аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини автоматлаштириш бўйича ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Рақамли технологиялар бир неча турларга бўлинади. Буларга мисол тарзида ҳозирда кенг кўламда фойдаланиладиган технологиялар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- интеграциялашган ахборот тизимлари;
- катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш технологиялари (BigData);
- булутли технологиялар;
- ГИС технологиялар;
- сунъий интеллект;
- бошқалар.

Интеграциялашган ахборот тизимлари – бу бир нечта ахборот тизимларининг ўзаро маълумотларни бирлаштириш, яхлитлигини таъминлаш мақсадида ҳосил қилинган яхлит тизим. Интеграциялашган ахборот тизимлари тизимлар орасида маълумотларнинг бирлашуви ёки алмашинуви асосида янги ахборот тизимини яратади. Бу турдаги ахборот ресурсларига siat.stat.uz, hisobot.stat.uz, data.gov.uz каби ахборот тизимларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 ноябрдаги ПҚ-419-сон қарори асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, ҳамда Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа вазирлик ва ташкилотлар билан ахборот тизимлари ўртасида интеграция ишлари амалга оширилган.

Статистика фаолиятидаги ахборот ресурслари

Статистика агентлиги расмий веб-сайти (stat.uz). Статистик маълумотлардан фойдаланувчиларга қулайликлар яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий веб-сайти алоҳида аҳамият касб этиб, у 2007 йилдан буён ишлаб келмоқда ва 2020 йилда Осиё тараққиёт банки мутахассислари билан биргаликда расмий веб-сайт янги форматда ишлаб чиқилди ва ишга туширилди (1- расм).



1-расм. Статистика агентлиги расмий веб-сайти


Ҳозирги кунда мазкур веб-сайтда Республиканинг ижтимоий-иқтисодий статистик маълумотлари, жумладан, ЯИМ, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизматлар, қурилиш ва инвестиция, ташқи ва ички савдо, корхона ва ташкилотлар фаолиятини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш жараёнини янада тўлиқроқ тавсифлайдиган, тезкор ва аниқ статистик маълумотлар кенг тарқалган 5 та электрон форматда (*csv*, *.json*, *.xml*, *.xls* ва *pdf*) статистик маълумотлардан фойдаланувчиларга эълон қилинмоқда.

Шунингдек, расмий веб-сайтда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик маълумотларни визуал кўринишида тақдим этувчи платформа ишлаб чиқилди. Натижада маҳаллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун статистик маълумотларнинг максимал ошқоралиги ва очиклиги таъминланди.

Статистика интеграллашган ахборот тизими (siat.stat.uz). “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ ҳамда давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ижроси доирасида,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан Статистика интеграллашган ахборот тизими яратилди ҳамда унинг негизида siat.stat.uz Ўзбекистон Республикаси статистика портали ишга туширилди (2- расм).

Мазкур портални ишлаб чиқишда Россия, Озарбайжон, Туркия, Япония, Ҳиндистон, Беларус Республикаси, Қозоғистон ва бошқа ривожланган давлатларнинг ушбу йўналишдаги илғор тажрибаси ўрганилган.



2-расм. Статистика интеграллашган ахборот тизими веб-сайти

Асосий ижтимоий-иқтисодий маълумотлар тўплами ўзида фойдаланувчилар томонидан талаб юқори бўлган кўрсаткичлар бўлган ялпи ички маҳсулот, асосий демографик рақамлар, тармоқларнинг умумий хажмлари каби маълумотларни қамраб олган.

Навбатдаги учта тўпланда SDMX стандартига мувофиқ демографик ва ижтимоий статистика, иқтисодий статистика ҳамда атроф муҳит ва кўп соҳали статистика бўйича кўрсаткичларни имкон даражасида қисмларга ажратган ҳолда тўлиқ хажмдаги маълумотлар жамланган.

Шу билан бирга, бешинчи тўпланда сўнгги 30 йиллик даврни ёритиб берувчи динамик қаторлар асосида жойлаштирилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар эълон қилиб борилган.

Ҳозирги кунда, “Статистика” интеграллашган ахборот тизимида 19 та йўналиш бўйича жами 1 800 дан ортиқ расмий статистик кўрсаткичлар, 10 йиллик динамик қаторларда, шунингдек, 30 йиллик асосий макроқўрсаткичлар 5 йиллик кесимда фойдаланувчиларга қулай ва бепул шаклда юклаб олиш учун 3 хил (Excel, PDF ва JPG) форматда ҳамда мустақил равишда интеграция қилиш учун ҳам 3 хил (CSV, JSON ва XML) форматда жойлаштирилди ва доимий равишда янгилаб борилмоқда.

Миллий “Барқарор ривожланиш мақсадлари” портали (nsdg.stat.uz). Миллий Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)нинг бажарилишини мониторинг қилиш мақсадида Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти (БМТ)нинг Тараққиёт дастури кўмагида Миллий Барқарор ривожланиш мақсадлари веб-сайти ишга туширилди (3-расм).



BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI




3-расм. Барқарор ривожланиш мақсадлари расмий веб-сайти.

Барқарор ривожланиш мақсадлари – камбағал, бой ва ўртача ривожланган барча мамлакатлар томонидан ҳаракатга чорловчи ўзига хос даъватдир. Улар бизнинг сайёрамизнинг фаровонлиги ва ҳимоясини яхшилашга қаратилган. Дунё мамлакатлари қашшоқликни бартараф этиш чораларини иқтисодий ўсишни кучайтириш ва таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бандликни таъминлаш, шунингдек, иқлим ўзгариши ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар билан биргаликда қабул қилиниши зарурлигини тан оладилар.

Маълумот учун: Тасдиқланган 190 та миллий БРМ индикаторларининг 152 таси глобал БРМ индикаторлари билан тўлиқ мос келади, 28 таси прокси индикатор ва 10 таси миллий индикатор ҳисобланади. Статистика агентлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 128 та Миллий БРМ индикаторлари бўйича маълумотлар шакллантирилиб мазкур веб-сайтга жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали (data.gov.uz).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффоқлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон қарорида Давлат статистика кўмитаси давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида жойлаштиришни мувофиқлаштириши белгиланган.



4-расм. Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар портали.

Дунёдаги 2600 дан ортиқ очиқ маълумотлар порталларининг тўлик рўйхатини қамраб олган “Open data Inception”нинг 2022 йилги таҳлилига кўра, дунёнинг 201 та мамлакатлари орасида очиқ маълумотлар манбалари ва улар сони бўйича Ўзбекистон 4-ўринни эгаллади. Биринчи ўрин АКШ – 641 та манба, иккинчи ўрин Франция – 381 та, учинчи ўрин Испания – 307 та ва Ўзбекистон 124 та манба билан тўртликни якунлади. 2021 йилда мазкур кўрсаткичда республикамиз 99 та манба билан 5-поғонадан жой олган эди.

Аҳолини рўхатга олиш тадбирларини ёритиб борувчи расмий веб-сайт (aholi.stat.uz).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолини рўхатга олиш жараёнлари ва натижалари бўйича жамоатчиликни хабардор қилиб бориш мақсадида махсус расмий веб-сайтни ишлаб чиқиш топшириғига мувофиқ ЮНФПА билан ҳамкорликда аҳолини рўхатга олиш тадбирларини ёритиб бориш бўйича веб-сайт (aholi.stat.uz) яратилди ва ишга туширилди.

Гендер статистикаси кўрсаткичларини ўз ичига олган расмий веб-сайт (gender.stat.uz).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги қатор вазирликлар ва идоралари билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлари ва бошқа маълумотларнинг gender.stat.uz веб-сайтига жойлаштириш ва маълумотларни доимий равишда янгилаб бориш топшириғи доирасида гендер статистикаси кўрсаткичларини ўз ичига олган веб-сайт (gender.stat.uz) ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

Веб-сайтнинг барча бўлимларида бугунги кунда жами 180 дан зиёд гендер статистикасига оид кўрсаткичлар 3 та тилда, 5 хил форматда жойлаштирилган.

БМТнинг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлар тўплами 5 та йўналишга ажратилган бўлиб, уларда кўрсаткичлар сони 54 та, шундан, 17 таси вазирлик ва идоралар томонидан, қолган 37 таси статистика идоралари томонидан шакллантирилади.

Шунингдек, расмий веб-сайтда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик маълумотларни визуал кўринишида тақдим этувчи платформа ва статистик тўпламларни on-line сотиб олиш имконини берувчи электрон дўкон ишлаб чиқилди. Натижада маҳаллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун статистик маълумотларнинг максимал ошқоралиги ва очиқлиги таъминланди.

“e-stat Library” услубий материаллар электрон кутубхонаси (lib.stat.uz).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг услубий низомлар ва йўриқномаларнинг тизимлаштирилган рўйхати, статистик кузатувлар ўтказиш ва ташкиллаштириш масалаларини регламентлари билан танишиш имконини берувчи услубий материаллар веб-сайти (lib.stat.uz) ишга туширилди.

Статистика соҳасида шу каби ахборот ресурсларидан фойдаланиш, статистик кўрсаткичларни илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда шакллантириш ва фойдаланувчига етказиб бериш Статистика агентлигининг энг катта мақсадларидан бири бўлиб, ушбу ахборот ресурслари хорижий экспертларнинг тавсиялари ва фойдаланувчиларнинг таклифлари асосида доимий такомиллаштирилади.

НАЗОРAT ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигида қандай ахборот ресурслари мавжуд?
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигида қандай давлат хизматлари тақдим этилади?
3. Корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотларни ўзида мужассам қилган веб-сайтнинг электрон манзили қандай номланади?
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий веб-сайтида жойлаштирилган статистик маълумотлар қандай электрон форматларда юклаб олиш имконияти мавжуд?
5. “Статистика” интеграллашган ахборот тизимида жойлаштирилган статистик кўрсаткичлар қандай кўринишларда тақдим этилади?
6. Миллий Барқарор ривожланиш мақсадлари расмий веб-сайти нечта йўналиш бўйича маълумотларни ўз ичига олади?
7. Миллий Барқарор ривожланиш мақсадлари расмий веб-сайтида маълумотлар банки бўлимининг вазифаси нималардан иборат?
8. Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар порталида жойлаштирилган маълумотлар қандай усуллар ёрдамида бошқа тизимларга интеграция қилинади?
9. Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишнинг расмий веб-сайти манзилени айтинг.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги электрон портали (my.stat.uz)да кўрсатиладиган интерактив хизматлар нечта бўлимдан иборат?
11. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари ва натижалари бўйича жамоатчиликни хабардор қилиб бориш мақсадида, махсус расмий веб-сайтни ишлаб чиқишни мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
12. “e-stat Library” услубий материаллар электрон кутубхонасида қандай бўлимлар мавжуд?
13. gender.stat.uz веб-сайти қандай мақсадда ташкил этилган?
14. Корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотларни ўзида мужассам қилган веб-сайтда ташкилотнинг қайси реквизитлари чиқади?
15. Статистик тўпламларни on-line сотиб олиш имконини берувчи электрон дўконига кириш кетма - кетлигини айтинг?

2-МАВЗУ: “СТАТИСТИКА” ИНТЕГРАЛЛАШГАН АХБОРОТ ТИЗИМИ

Статистика агентлиги томонидан шакллантирилган статистик кўрсаткичларни доимо фойдаланувчига тез, содда ва қулай тарзда етказиб бериш долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани мукамал ечими сифатида бугунги кунда “Статистика” интеграллашган ахборот тизмидан фойдаланган ҳолда ушбу маълумотлар тўпламини фойдаланувчига янада қулай етказиб бериш имкониятини яратилган.

Тизим – бир мақсад йўлидаги тартибли объектлар мажмуаси.

Индикатор - статистик кўрсаткич.

Метамаълумот - статистик кўрсаткич тўғрисида маълумот.

Ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш ва чиқаришда фойдаланиладиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг ўзаро боғлиқ мажмуи.

СИАТ – маъмурий статистик маълумотларни интеграция йўли билан тўплаш ва статистик маълумотларни SDMX стандарти асосида фойдаланувчиларга тақдим этиш ахборот тизими (кейинги ўринларда “тизим”).

Тизим ҳаволаси: <https://siat.stat.uz>

“Статистика” интеграллашган ахборот тизимида 19 та йўналиш бўйича жами 1 800 дан ортиқ расмий статистик кўрсаткичлар, 10 йиллик динамик қаторларда, шунингдек, 30 йиллик асосий макроқўрсаткичлар 5 йиллик даврийликда фойдаланувчиларга қулай ва бепул шаклда юклаб олиш учун 3 хил (Excel, PDF ва JPG) форматда ҳамда мустақил равишда интеграция қилиш учун ҳам 3 хил (CSV, JSON ва XML) форматда жойлаштирилди ва доимий равишда янгилаб борилмоқда (1-расм).

Тизим қуйидаги модуллардан ташкил топган:

- “Интеграция” модули – маъмурий статистик маълумотларни интеграция йўли билан тўплаш учун мўлжалланган;

- “Портал” модули – статистик маълумотларни SDMX стандарти асосида фойдаланувчиларга тақдим этиш интерфейси.

СИАТ ахборот тизимининг функционал имкониятлари:

- статистика ягона маълумотлар базасини бевосита бошқариш (ёзувларни киритиш ёки ўзгартириш) ҳамда маълумотларни замонавий электрон форматларда электрон ахборот алмашилишни таъминлайди;

- статистика ягона маълумотлар базаси асосида маълум бир сана бўйича маълумотларни олиш (стандарт ёки таҳлилий жадваллар ва рўйхатлар);

- асосий устунлар бўйича ёзувларни қидириш ва кўриш;

- фойдаланувчилар учун ролини белгилаш;

- лог(амаллар тарихи) кўриш;

- API интерфейслар мониторингини юритиш;

- статистика ягона маълумотлар базасига керакли маълумотлар техник топшириқда кўрсатилган манбалардан юклаб олиш.

- бошқа ташкилотлар билан интеграцияни амалга ошириш имконияти;

Тизимдан 3 хил турдаги фойдаланувчилар фойдаланади:

- Агентлик ходимлари – маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва йиғма ҳисоботлар олиш ҳуқуқига эга рол ҳисобланади;
- Администратор – тизимдан рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар ва уларни рухсатларини, бирламчи маълумотларни бошқариш ва тизим фаолиятини мониторинг қилиш ҳуқуқига эга рол ҳисобланади;
- Оддий фойдаланувчи – барча турдаги очик ҳисобот ва маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга рол ҳисобланади.

Тизим архитектураси



1-расм. СИАТ тизими архитектураси

СИАТ ахборот тизими python дастурлаш тилида тузилган бўлиб, Django framework асосида ишлаб чиқилган.

“Интеграция” модули тўғрисида қисқача маълумот

“Статистика” интеграллашган ахборот тизими расмий статистиканинг ягона маълумотлар базаси сифатида шаклланрилган бўлиб, фойдаланувчилар томонидан жорий этиладиган ахборот тизимлари учун зарур бўлган статистик маълумотларни электрон интеграция қилиш орқали олиш, қисқа қилиб айтганда статистик кўрсаткичларни олишнинг ягона бирламчи нуқтаси сифатида фаолият юритади.

“Интеграция” модулида маъмурий статистик маълумотларни интеграция йўли билан тўплаш учун API (Application Programming Interface) модули ишлаб чиқилади.

Статистика агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар ўртасида ўзаро электрон маълумотлар алмашилиш бўйича 30 дан ортиқ интеграция тизимлари ишга туширилди:


- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ажратилган ер майдонлари, фермер хўжаликларига тегишли ерлар ва ҳудудлар кесимида ер майдонига экилган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар;

- Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – юридик шахсларнинг [одимларига оид маълумотлар;

- Божхона қўмитаси – Экспорт-импорт ва транзит юк айланмалари тўғрисидаги маълумотлар;

- Маҳаллабай ишлаш агентлиги – маҳаллалар кесимида етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари;

- бошқалар (Олий суд, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари маркази, Солиқ қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат персоналлаштириш маркази, Электрон ҳукумат маркази).



2-расм. СИАТ тизимининг администратор қисми асосий ойнаси

Ушбу ойнада тизимда генерация бўлган API интеграция модулларидаги сўровлар сони ва ҳолати бўйича маълумот олиш имконияти яратилган.

СИАТ тизимининг администратор қисмида 4 турдаги интеграцияларни генерация қилиш имконияти яратилган:

- СИАТ from External - ушбу турдаги интеграция бошқа ташкилотдан маълумотларни олиб келиш учун ишлатилади;

- External to СИАТ - ушбу турдаги интеграцияда Бошқа интеграция турларидан келган сигнал орқали маълумотларни олиб келиш учун ишлатилади;

- External From СИАТ - ушбу турдаги интеграция яратилгандан кейин юқоридаги 2 та турдаги интеграциядан келган маълумотлар орқали янги маълумотлар тайёрланади. Тайёрланган маълумотни /integrations/data/“url”идан турли параметрлар билан сўров жўнатиб олиш мумкин.

- СИАТ to External - ушбу турдаги интеграция яратилгандан кейин юқоридаги 2 та турдаги интеграциядан келган маълумотлар орқали янги маълумотлар тайёрланади ва тайёрланган маълумот request actionлар орқали берилган ташкилотга юборилади.

“Портал” модули тўғрисида қисқача маълумот

Портал модули қуйидаги турдаги фойдаланувчилар учун ишлаб чиқилган:

- илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчилар;
- тадбиркорлар;
- давлат ташкилотлари ходимлари;
- халқаро фойданувчилар.

Илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчилар учун статистик маълумотларни 10 ва 30 йиллик динамик қаторларда жойлаштириш ҳамда уларни реал вақт режимида график, гистограмма ва диаграммалар кўринишида тасвирлаш шунингдек, уларни ўзаро солиштириш, рейтинг шакллантириш ва кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларни белгилаш модуллари жорий этилди.

Халқаро фойданувчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида порталдан нафақат ўзбек тилида балки рус ва инглиз тилларида фойдаланиш имконияти яратилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, портал модулини яратишда халқаро SDMX стандартидан фойдаланган ҳолда ҳар бир статистик кўрсаткич бўйича тўлиқ метамаълумотларнинг (маълумотлар паспортининг) тизимга жойлаштирилганлиги, фойдаланувчиларга кўрсаткич биринчи бор эълон қилинган ва янгиланган сана, унинг бирламчи манбаси, ҳисоблаган орган ва услубиёти, масъул бўлинма ва ходим тўғрисида ҳамда шу каби бошқа маълумотларни олиш имкони яратилди.

SDMX (Statistical Data and Metadata eXchange) статистик маълумотлар ва метамаълумотларни эълон қилиш ва электрон шаклда ўзаро алмашиш стандарти ҳисобланиб, уни БМТ статистика бўлими, Евростат, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа ташкилотлар қўллаб-қувватламоқда.


Илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчилар учун статистик маълумотларни 10 ва 30 йиллик динамик қаторларда жойлаштириш ҳамда уларни реал вақт режимда график, гистограмма ва диаграммалар кўринишида тасвирлаш шунингдек, уларни ўзаро солиштириш, рейтинг шакллантириш ва кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларни белгилаш модуллари жорий этилди.

Асосий саҳифанинг тепа қисм соҳаларнинг учта қатламли менюсидан иборат. Биринчи қатламдаги йўналишлар танланишига қараб иккинчи ва учинчи қатлам йўналишлари рўйхати шаклланади (3-расм).

СИАТ ахборот тизими 2 хил (Excel ва PDF) форматда ҳамда мустақил равишда интеграция қилиш учун ҳам 3 хил (SSV, JSON ва XML) форматда жойлаштирилди ва доимий равишда янгиланган борилмоқда.

Ушбу ойнада керакли маълумотлар шаклланиши учун даврни танлаб, плай тугмаси орқали даврларни кетма-кетликда ўзгартириш ҳамда худудларни танлаш орқали маълумотни шакллантириш мумкин (4-расм).

Маълумотларни график кўринишда юклаб олиш учун (JPG) тугмаси босилади. Масштабни ўзгартириш учун катталаштириш ва кичиклаштириш тугмаларидан фойдаланишингиз мумкин.




3-расм. Асосий саҳифада қидирув тизими

Статистик индикаторларни 7-хил функция орқали визуализация қилиш йўлга қўйилган:

- жадвал;
- рейтинг;
- картограмма;
- график;

- солиштириш;
- муносабат;
- ҳисоблаш.



4-расм. Рейтинг диаграммасидан фойдаланиш ойнаси

Уч хил йўналишдан бирини танлаб кўрсаткичларни солиштириш имкони мавжуд:


- ҳудудлар бўйича;
- йиллар бўйича;
- йиллар ва ҳудудлар бўйича.

Муносабат функциясидан фойдаланишда икки йўналишдан бирини ишлатиш мумкин ҳудуд ёки даврни танлаш орқали.

Ҳисоблаш функциясидан фойдаланишда керакли соҳа танлангандан кейин бажариладиган операциялардан биринчисини танлаш керак: Бўлиш, кўпайтириш, айириш, кўшиш. Ундан кейин эса иккинчи соҳани пастки қисмидаги майдончага киритилади. Фоизни касрга, касрни фоизга ихтиёрий ўзгартириш мумкин. Натижалар пастки қисмида, жадвал кўринишида кўрсатилади (6-расм).

Эришилган натижалар билан бир қаторда, фойдаланувчилар таклифлари асосида келгусида тизимни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилади, жумладан:

- статистика маълумотларидан фойдаланувчилар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мавжуд статистика маълумотлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш орқали фойдаланувчиларнинг статистика ахборотларига бўлган ишончини ошириш ҳамда статистик маълумотлар кесими ва сонини доимий равишда кенгайтириб бориш;



5-расм. Танланган ҳудуд бўйича иккита давр кўрсаткичини солиштириш ойнаси.

- статистик маълумотлар қамровини кенгайтириш ва уларни тўплаш самарадорлигини ошириш мақсадида, қатор вазирлик идораларнинг маълумотлар базалари билан интеграция қилиш;

- мавзуга оид алоҳида статистик маълумотларни эълон қилишни жорий этиш, масалан ҳудудлар бўйича статистик маълумотлар шакллантириш, маълумотларни иқтисодийнинг барча соҳа ва тармоқлари кесимига ажратган ҳолда тақдим этиш;

- маълумотларни қайта ишлашнинг замонавий усулларидадан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш модулларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда иш олиб бориш режалаштирилган.

СИАТ ахборот тизими юқорида келтириб ўтилган барча имкониятларни ўз ичига олган ҳолда, статистик кўрсаткичларни фойдаланувчига содда ва қулай тарзда етказиб бериш имконини беради. Шунингдек, ушбу тизимда барча маълумотларни сақлаб олиш ва бошқа ахборот тизимларига замонавий форматлар асосида интеграция қилиш ва фойдаланиш имкониятларини беради. СИАТ ахборот тизими статистик маълумотларнинг ишончли манбаи ҳисобланади.

НАЗОРAT BA MUҲOKAMA UЧУН САВОЛЛАР:

1. Ахборот тизими деганда нимани тушунасиз?
2. SDMX технологияси ҳақида айтинг?
3. СИАТ тизимига кириш ҳаволасини айтинг?
4. Тизимдан исталган вақтда ва исталган жойда фойдаланиш мумкинми?
5. “Интеграция” модулининг “Асосий” бўлимида қандай маълумот шакллантирилади?
6. СИАТ тизимида кўрсаткичларни солиштиришнинг неча хил тури бор?
7. Статистик индикаторларни неча хил функция орқали визуализация қилиш йўлга қўйилган?
8. Муносабатдан функциясидан неча хил йўналишда фойдаланиш мумкин?
9. СИАТ тизимидаги интеграция турларига таъриф беринг.
10. СИАТ тизимидаги External to СИАТ интеграция тури ҳақида айтинг.
11. СИАТ тизими неча асосий модуллардан иборат?
12. Метамаълумот тушунчасига изоҳ беринг.
13. СИАТ тизимида статистик кўрсаткичлар неча йўналишга бўлинган?
14. СИАТ тизимида статистик кўрсаткичлар интеграция қилиш учун неча хил форматда жойлаштирилади ва қайсилар?
15. API (Application Programming Interface) нима?

**“УМУМИЙ СТАТИСТИКА АМАЛИЁТИ”
ФАНИ БЎЙИЧА
МАЪРУЗА МАТНИ**

1-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР

Аҳолини рўйхатга олишнинг тарихи

Одамлар ҳисобини юритиш амалиёти илк бор милоддан аввалги уч минг йилликдан бошланган. Бу жараён дастлаб Осиё ва Африка давлатлари, Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой ва Японияни қамраб олган. Бу ислохотдан кўзланган мақсад **солиқ тўловчилар ва аскарликка яроқли аҳоли сонини аниқлаш** бўлган.

Илк ўрта асрларда мазкур тартибот бирмунча такомиллашган. Аҳолини ҳисобга олиш элементлари хўжаликларнинг ёзма китоблар, кадастрлардаги тавсифлари билан уйғунлашган. Уларда одамлар ёки оилалар эмас, балки уй-жой каби солиққа тортиш birlikлари биринчи ўринга қўйилган.

Финляндияда XVI асрнинг ўзиданоқ аҳоли сони рўйхатини олиб боришни бошлашган. Давлатнинг мақсади биринчи ўринда солиққа тортиш ва ҳарбий хизматга чақириш билан боғлиқ бўлган. Ўша даврда Швеция, ўзининг шарқий қисми бўлган Финляндияни қўшганда ҳам аҳолиси кам, камбағал давлат эди. Шу сабабли ҳам йирик йирик маъмурий аппарат ва армияни сақлаб туриш учун ҳарбий хизматга мажбур бўлган ва солиққа тортиладиган аҳоли ва унинг мулки тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш лозим эди.

Аҳолини рўйхатида жойлашган ва бутун Финляндияни ўз ичига олган ахборот таркиби ўзининг кенг қамровли эканлиги билан ажралиб туради. Ахборот базаси мамлакатнинг мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ҳақидаги аниқ ва эътиборга лойиқ маълумотларни ўз ичига олади. Фуқаро тўғрисидаги энг муҳим маълумот унинг исми ва фамилияси, туғилган жойи ва санаси, ҳамда фуқаролигидир. Шунингдек, фуқаронинг оилавий аҳволи (турмуш ўртоғи, фарзандлари ва ота-онаси) ва яшаш жойи тўғрисидаги маълумот ҳам муҳимдир.

XVIII аср ўрталаридан аҳолини ўрганишга қизиқиш ортади. Австрия, Голландия, Дания, Испания, Япония, Америкада одамлар ҳисобини юритишга киришилади. Бироқ бу ҳисоб-китоблар бутун бошли аҳолини қамраб ололмаган.

Аҳолини универсал рўйхатга олиш 1665 йилда Янги Франция (Квебек) колониясида бўлиб ўтди. АҚШда 1790 йилда тўлиқ аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилди. Ўшанда ўн етти нафар полиция ходими мамлакат бўйлаб саёҳат қилиб, хонадонма-хонадон юриб, олти саволга жавоб тўплашди: уй эгасининг тўлиқ номи, ўн олти ёш ва ундан катта ёшдаги озод оқ танли эркаклар сони, ўн олти ёшдан кичик бўлган озод оқ танли эркаклар сони, озод оқ танли аёллар сони, бошқа озод шахслар сони, қуллар сони.

Ўттиз йил ўтгач, Италия, Испания, Англия, Ирландия, Австрия, Францияда рўйхатга олиш вақти келди. 1851 йилда Хитойда, кейин Японияда (1871) ва ниҳоят Россияда аҳоли рўйхатга олинди.

Замонавий босқич XX асрнинг ўрталаридан бошланди. Бир қатор Осиё мамлакатларида, шунингдек, Африкада аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди. Бу янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Ўтган асрнинг 70-йилларда Яман, БАА, Саудия Арабистони каби мамлакатларда биринчи марта аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди. XX асрнинг охирига келиб, аҳолини рўйхатга олиш дунёнинг деярли барча ҳудудини қамраб олди.

Ҳозир жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида аҳоли ўртача **ҳар ўн йилда камида бир марта** рўйхатдан ўтказилмоқда. Халқаро амалиёт шундай! Бизда-чи? Ўзбекистон ҳудудида илк бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1897 йилда амалга оширилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980 йилларда аҳоли рўйхатга олинган. Ушбу тадбир сўнгги бор 1989 йилда ўтказилиб, ўша пайтда республикамиз аҳолиси **19,7** миллион кишини ташкил этган.

Мамлакатимизда **1989** йилдан кейин ҳали бирор марта ҳам аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Шу туфайли демографик муаммоларимиз кўпайиб, одамларнинг ҳақиқий ҳаёт тарзини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишда қатор қийинчиликлар вужудга келмоқда.

Аҳолини рўйхатга олишнинг мазмуни ва аҳамияти

Ҳар қандай давлатнинг тарихи – бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Дунёдаги ҳар бир мамлакат, ўзининг аҳолиси ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида мунтазам равишда аҳолини рўйхатга олади.

Аҳолини рўйхатга олиш яқунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади.

Аҳолини рўйхатга олиш бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш – республиканинг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёнидир.

Аҳолини рўйхатга олиш санаси – аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш амалга ошириладиган аниқ пайт (йил, ой, кун ва соат).

Рўйхатга олиш варағи – кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка.

Рўйхатга олиш ҳужжатлари – аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли ҳужжатлар мажмуи.

Респондентлар – аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида

доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг худудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Рўйхатга олувчи ходимлар – Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари.

Уй хўжалиги – битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган, умумий хўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йиғиндиси. Бу шахслар қариндошлик муносабатларида бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Уй хўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин.

Республикамизда аҳолини рўйхатга олиш бизга нима беради?

Аввало, аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби (барча аҳоли пунктлари бўйича), оилавий аҳволи, маълумоти, касби, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, даромад манбалари қабила бўйича батафсил маълумот тўпланади.

Бинобарин, мазкур кўрсаткичлар орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади. Ўз навбатида, юртдошларимиз миграцияси тўғрисида аниқ маълумотлар шакллантирилади.

Бундан ташқари, республика ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқиш имконияти кенгайди.

Чунончи, аҳоли пунктлари инфратузулмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар ниҳоятда кўл келади. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш натижасида миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритиш, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар таҳлиллари учун кенг қамровли ахборотлар манбаи юзага келади.

Оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, тасаввур қилинг, хонадонингизда 10 киши яшайди. Демак, бозор-ўчар қилишда улар сонини ҳисобга оласиз. Фалон кило гўшт, фалон литр ёғ, фалон кило ун, қанчадир гуруч ва ҳоказо. Хонадон бекаси ана шу ноз-неъматларни пишириб, дастурхонга тортишда ҳам, табиийки, уйдаги одамлар сонини инобатга олади: 10 косада таом келтиради. Оилангиздагилар учун кийим-кечак харид қилишда ҳам худди шундай йўл тутасиз. Ўғлингиз ё қизингизни бирор тўгаракка бермоқчисиз? Бу ўринда унинг қизиқиши, қобилияти, салоҳияти, имкониятини ҳисобга оласиз!

Энди савол туғилади: қандай қилиб бу борада тўғри ва оқилона қарор қилишга эришяпсиз? Жавоб аниқ: чунки сизда оила аъзоларингизнинг ҳар бири ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар базаси бор!

Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар зуруратини ана шунга қиёслаш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳрида аслида қанча киши истиқомат қилади? Андижонда нечта оила битта хонадонда истиқомат қилади? Сурхондарёда яна нечта таълим муассасаси қуриш лозим? Фарғонада нечта оила уй-жойга муҳтож? Сирдарёда аҳоли хонадонлари асосан қайси йилларда қурилган? Қорақалпоғистонда хонадонлар иссиқ бўлиши, одамлар қора қозони қишин-ёзин қайнаб туриши учун неча минг тонна кўмир, қанча саксовул, неча минг куб метр газ газ керак? Бухорода-чи? Хоразмда неча киши ишсиз? Самарқандда қанча туғуруқ ёшидаги аёл бор ва мавжуд туғруқхоналардаги ўринлар сони ана шу кўрсаткичга мутаносибми? Сурхондарёда чироқ ўчмаслиги учун бир ойда қанча электр энергияси ишлаб чиқариш зарур?

Кўряпсизми, аҳолини рўйхатга олиш, яъни биргина шу амалиёт билан қанчадан-қанча саволларга жавоб, қанчадан-қанча муаммоларга ечим топиш мумкин!

Бироқ, юзаки ва тахминий кўрсаткичлар билан узоққа бориб бўлмайди. Режа ва дастурларнинг манзиллилиги, ислохотларнинг самарадорлиги бу борадаги маълумотларнинг аниқ ва ишончлилигига боғлиқ. Шу боис ҳам доноларимиз азалдан етти ўлчаб бир кесмоқни насихат қилиб келади. Халқ мақоли эса янаям ҳикматли: санамай, саккиз деманг!

Ҳозир жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида аҳоли ҳар ўн йилда камида бир марта рўйхатдан ўтказилмоқда. Халқаро амалиёт шундай! Бизда-чи? Ўзбекистон ҳудудида илк бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1897 йилда амалга оширилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980, 1989 йилларда аҳоли рўйхатга олинган. Ундан кейин ҳали бирор марта бундай ҳисоб-китоб ишлари бажарилмади. Шу туфайли демографик муаммоларимиз қалашиб кетди. Одамларнинг ҳақиқий ҳаёт тарзини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишда қатор қийинчиликлар вужудга келди.

Аҳолини рўйхатга олишнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий асослари

Ҳар бир ишнинг ҳуқуқий асоси бўлгани каби аҳолини рўйхатга олишнинг ҳам норматив-ҳуқуқий асослари мавжуд. Аввало, халқаро даражада БМТ томонидан аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасида ҳар ўн йилда бир марта раунд эълон қилинади. Унга кўра БМТга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказишлари тавсия этилади.

БМТ 2015 йилнинг 10 июнида “2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар” резолюциясини қабул қилган. Кейинги раунд 2025 йилда эълон қилиниши кутилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича илк бор **2018** йилда иш бошланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури”нинг 38-бандида белгиланган топшириққа мувофиқ Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш **Концепцияси** лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Концепция лойиҳаси Давлат статистика қўмитасида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсиялари ва илғор хорижий давлатлар тажрибасига асосан ишлаб чиқилган.

Концепция Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон Фармони билан тасдиқланган.

Мазкур Концепцияда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш босқичлари белгиланган.

Биринчиси, тайёргарлик босқичи бўлиб, уч йилга яқин вақт давом этади.

Бунда қуйидагилар амалга оширилади:

аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш, ўтказиш тамойиллари, услубий асослари ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

аҳолини рўйхатга олиш саволномалари шакллари, аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологиясини ишлаб чиқиш;

синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва унинг асосида методологик ҳужжатларни такомиллаштириш;

аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш ва аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режаларини тузиш;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, унинг ўтказилишини назорат қилиш, якуний натижаларни олиш ва тақдим этишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш;

ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;

моддий-техника таъминоти воситаларини харид қилиш, шунингдек, уларни рўйхатга олиш участкаларига етказиш;

рўйхатга олиш участкаларини бино, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

рўйхатга олиш тадбирида иштирок этувчи вақтинчалик ходимларни ўқитиш;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа ишлар.

Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу 1-2 ой муддатни ташкил этади.

Учинчиси, сўнгги босқич бўлиб, 2-3 йил давом этади. Бунда йиғилган бирламчи маълумотлар қайта ишланади, умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва натижалар эълон қилинади.

Яна бир муҳим ҳуқуқий ҳужжат бу **“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳисобланади. Мазкур Қонун давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 16 март куни имзоланди. Қонун аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи илк бор қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон тарихидан ўрин олди. Чунки шу вақтгача бу соҳада қонунчилигимизда ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди.

Ушбу Қонун **5** боб ва **31** моддадан иборат бўлиб, унда қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар, аҳолини рўйхатга олишнинг вазифалари ва принциплари, аҳолини рўйхатга олиш соҳасини тартибга солиш, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тартиби, респондентларнинг ҳамда рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритиб берилган.

Асосий принциплардан бири сифатида даврийлик принципи, яъни аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилиши ҳамда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнида, шахсга доир маълумотлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга олиш варақлари асосида ҳар бир респондент учун яқка тартибда тўлдирилади, яъни рўйхатга олувчи шахслар томонидан уйма-уй юриб, ҳар бир респондент учун алоҳида тўлдирилади.

Яна бир муҳим принциплардан бири, бу шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги бўлиб, бунда аҳолини рўйхатга олиш жараёнида йиғилган шахсга доир маълумотлар махфий ҳисобланиши, улар респондентнинг розилигисиз ошкор этилмаслиги ва тарқатилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Қонунда аҳолини рўйхатга олиш соҳасини **давлат томонидан тартибга солиш** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатларига мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини рўйхатга олиш соҳасида қуйидаги ваколатларга эга:

аҳолини рўйхатга олиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибини, Аҳолини рўйхатга олиш дастурини ҳамда рўйхатга олиш варағининг шаклларини тасдиқлайди;

аҳолини рўйхатга олишнинг яқуний маълумотларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

аҳолини рўйхатга олишга жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

Шунингдек, Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича **республика комиссияси** шакллантирилиши ва унинг фаолияти ташкил этилиши белгиланган.

Республика комиссияси қуйидагиларни амалга оширади:

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлайди;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар жараёнининг мувофиқлаштирилиши ва мониторингини амалга оширади;

аҳолини рўйхатга олиш натижаларининг таҳлилинини ўтказиш;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш, аҳолини рўйхатга олиш материалларига ишлов беришни ташкил этиш ва унинг якуний натижаларини эълон қилиш масалаларига доир таклифларни кўриб чиқади;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда иштирок этиш учун жисмоний ва юридик шахсларни уларнинг ишига ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилган ҳолда жалб этишни ташкил этади;

ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги) Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссиясининг ишчи органи сифатида аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги **махсус ваколатли давлат органи** ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат органи қуйидагиларни амалга оширади:

рўйхатга олиш ҳужжатлари шаклларини, рўйхатга олувчи ходимлар гувоҳномаси шаклини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Аҳолини рўйхатга олиш дастурини ва рўйхатга олиш варағининг шаклларини ишлаб чиқади;

рўйхатга олиш варақлари тайёрланишини ва ҳудудларга етказилишини таъминлайди;

аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида аҳолини хабардор қилишга доир ишларни мувофиқлаштиради;

рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитиш тартибини, шунингдек шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тартибини белгилайди ва уларга ишлов беришни амалга оширади;

рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан, вақтинча сақланиши), йўқ қилиниши тартибини белгилайди;

рўйхатга олиш варақлари ва бошқа аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларини сақлаш ва йўқ қилишни таъминлайди.

Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳам аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган ва улар қуйидагилардан иборат:

аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга қўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссияларни тузади;

маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларида доимий яшовчи аҳоли сонини кўрсатган ҳолда ушбу пунктларнинг тўлиқ рўйхати тузилишини таъминлайди;

маъмурий-ҳудудий бирликларда кўчаларнинг номлари, уйлар ва хонадонларнинг рақамлари кўрсатилган кўрсаткичлар бўлишини таъминлайди;

жалб этилган рўйхатга олувчи ходимлар таркибини тасдиқлайди;

рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитишни ташкил этади;

аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш доирасидаги ишларни бажаришга жалб этиладиган шахсларнинг ўқиши ва ишлаши учун яроқли мебель ҳамда алоқа воситалари билан жиҳозланган вақтинчалик хоналар, шунингдек зарур транспорт воситалари берилишини таъминлайди;

рўйхатга олиш варақларини ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларини вақтинча сақлаш учун қўриқланадиган хоналар ажратиш юзасидан чоралар кўради;

аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этади.

Шунингдек, аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш учун масъул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар махсус ваколатли давлат органига аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги вазифаларни бажариш юзасидан қўмаклашиши лозимлиги Қонун билан белгилаб қўйилган.

Булардан ташқари, Қонунда **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари:**

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга қўмаклашиши;

аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш жараёнида иштирок этиши;

жойларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкинлиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунда **респондентларнинг ва рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари** ҳам белгилаб берилган.

Респондентлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг шахсга доир маълумотлари нима мақсадда йиғилаётганлигини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билиш;

ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиб чиқиш, рўйхатга олиш варақларига киритилган шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини аниқлаштириш;

рўйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса - рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермаслик;

рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш.

Респондентлар аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга монелик қилмаслиги шарт.

Шу билан бирга, рўйхатга олувчи ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

рўйхатга олиш варағига биноан респондентлардан шахсга доир маълумотларни олиш;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни бажарганлик учун меҳнатига ҳақ олиш.

Рўйхатга олувчи ходимлар:

шахсга доир маълумотларни йиғишни бошлашдан олдин респондентга ўз гувоҳномасини кўрсатиши;

ўз ваколатларига мувофиқ ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажариши;

шахсга доир маълумотларни йиғиш жараёнида Аҳолини рўйхатга олиш дастурида белгиланган саволлар рўйхатига риоя этиши, уларнинг мазмуни бузилишига йўл қўймаслиги;

шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши, уларнинг мазмунини ошкор қилмаслиги шарт.

Қонуннинг 21-моддасида **аҳолини рўйхатга олиш дастури** сифатида шахсга доир маълумотларни йиғиш амалга ошириладиган саволлар рўйхати белгилаб берилган. Улар респондентнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, ёши, жинси, миллати, фуқаролиги, яшаш жойи (турган жойи), тилларни билиши, маълумоти, никоҳ ҳолати, болаларининг сони, уй хўжалиги таркиби, уй-жой шароитлари, бандлиги, яшаш учун маблағлар манбалари ва миграция (ички ва ташқи) каби саволлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Аҳолини рўйхатга олиш дастурига қўшимча равишда бошқа саволлар киритилиши мумкин.

Жавоблари давлат сирларига ва қонун билан қўриқладиган бошқа сирга тааллуқли ахборотни ўз ичига олиши мумкин бўлган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи саволлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Рўйхатга олиш варағининг шакллари Аҳолини рўйхатга олиш дастури асосида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Қонуннинг 22-моддасида аҳолини рўйхатга олиш дастури лойиҳасини ва рўйхатга олиш ҳужжатларининг шакллари, шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов беришни, шунингдек аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирларни бир ёки бир неча маъмурий-ҳудудий birlikларда синовдан ўтказиш учун **синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш** ўтказилиши белгиланган.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*Шунингдек, Қонунда аҳолини рўйхатга олиш жараёнида **шахсга доир маълумотларни йиғиш тартиби** ҳам белгилаб берилган ва у қуйидаги тартибда амалга оширилади.*

Шахсга доир маълумотларни йиғиш респондентлар яшайдиган (турадиган) турар жойларни ва бошқа хоналарни айланиб чиқиш чоғида ёхуд маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган хоналарда респондентлар сўровини ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш варақларини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Респондентлар сўрови давлат тилида ўтказилади. Давлат тилини билмайдиган респондентлар она тилида ёки эркин равишда танланган мулоқот тилида сўровдан ўтказилиши мумкин.

Рўйхатга олиш варақлари рўйхатга олувчи ходимлар томонидан респондентларнинг сўзлари асосида тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш муддати ичида яшаш (турган) жойида ҳозир бўлмаган ёки вояга етмаган шахслар бўлган респондентлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар улар уй хўжалигининг вояга етган аъзолари томонидан маълум қилинади. Ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар уларнинг васийлари ёхуд ҳомийлари томонидан маълум қилинади.

Респондент рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб беришни рад этган тақдирда рўйхатга олиш варағи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурида назарда тутилмаган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни йиғиш тақиқланади.

*Шу билан бирга Қонунда аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан **шахсга доир маълумотларни йиғиш тартиби** ҳам белгиланган.*

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш санасида чақирув асосида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар бўлган, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизматга жалб этилган ҳарбий хизматчилар бўлган ва уларнинг ёпиқ ҳудудларда яшаётган оила аъзоси бўлган респондентлар ҳақидаги шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳарбий қисм командири ёки у ваколат берган шахс томонидан амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш санасида болалар интернатларида, тарбия муассасаларида, “Болалар шаҳарчалари”да, ижтимоий муассасаларда, диний муассасаларда, шифохоналарда ва бошқа соғлиқни сақлаш ташкилотларида, аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида; камокда сақлаш жойларида, тергов ҳибсхонасида, ахлоқ тузатиш муассасаларида ва махсус муассасаларда яшаётган (бўлган) респондентлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотларни йиғиш ушбу қисмда назарда тутилган муассасалар ҳамда ташкилотлар маъмуриятлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ходимлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда уларнинг ўзи билан бирга бўлган оила аъзолари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотлардаги квоталанган лавозимларга юборилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан рўйхатга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган чет давлатлар доимий ваколатхоналарининг, халқаро, ҳукуматлараро ташкилотлар ва чет давлатлар ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналарининг ходимлари бўлган чет эл фуқаролари ҳамда уларнинг оила аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ дипломатик имтиёзларга ва иммунитетга эга бўлган бошқа шахслар рўйхатга олинмайди.

Қонунга мувофиқ шахсга доир маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов бериш натижасида шакллантирилган йиғма статистик ахборотлар аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотлари ҳисобланади.

Аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг асосий кўрсаткичларини тавсифловчи якуний маълумотлар жисмоний ва юридик шахслар учун очиқ ҳисобанади ҳамда улар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларидан фойдаланишда мулкӣ ва маънавий зарар етказишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, 2020 йил 11 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **710-сон қарори** қабул қилинган.

Ушбу Қарор билан қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланган:

- “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби тўғрисидаги **низом**”;

- “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш **дастури**”;

- “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи **шакллари рўйхати**”;

- “Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги **низом**”;

- “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда натижаларини эълон қилиш бўйича **“Йўл харитаси**”.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар

Қадимдан ҳар қандай давлатнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихида унинг миллий бойликлари тўғрисидаги маълумотлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Давлатни бошқаришда аҳоли сони, ер майдони ва моддий бойликлари тўғрисидаги билимлар жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Йирик, марказлашган давлатларнинг ривожланиши билан уларнинг миллий бойликларининг ҳақиқий миқдори тўғрисидаги билимларга ва шунга мувофиқ мамлакат аҳолиси ва унинг мулкани ишончли ҳисобга олиш усуллари билишга эҳтиёж ортган.

Статистиканинг фан сифатида пайдо бўлишидан анча олдин, давлатлар ҳукмдорлари маъмурий ва хўжалик ҳисобининг турли усулларидан фойдаланганлар. Аҳоли сони, мулкнинг мавжудлиги, ерларнинг таркиби, уларнинг миқдори, чорва молларининг сонини билиш, савдонинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш жуда муҳим ҳисобланган.

Аксарият давлатлар аҳолисининг асосий қисми асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, шунинг учун биринчи навбатда ер тўғрисидаги маълумотлар тўпланган. Ушбу маълумотлар солиқ ва ҳарбий мақсадлар учун хизмат қилган.

Бошқа манбаларда қишлоқ хўжалигининг ҳолати, экин майдонлари, экин турлари, чорва моллари бош сони тўғрисидаги кўрсаткичлар Америка Қўшма Штатларида 1840 йилда амалга оширилган қишлоқ хўжалигини рўйхатдан ўтказиш тадбири орқали шакллантирилганлиги келтириб ўтилган.

Рус тарихчиларининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигининг ҳолати тўғрисидаги кўрсаткичларни йиғиш IX асрда амалга оширилган. Русда биринчи хўжаликлар рўйхати 1245-1287 йилларда, кейинги рўйхат XIV-XV асрлар давомида шакллантирилган.

Узоқ йиллардан буён қишлоқ хўжалигининг ҳолати тўғрисидаги кўрсаткичлар жуда кўплаб давлатларга муҳим қарорларни қабул қилишда зарурат туғдирган. Ушбу зарурат 1945 йилнинг 16 октябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг ташкил этилишига туртки берди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (БМТ FAO)нинг асосий мақсади ва вазифалари қишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш орқали дунёда қашшоқлик ва очлик даражасини пасайтиришга

қаратилган. Шунингдек, ташкилот қишлоқ хўжалигини рўйхатдан ўтказишда халқаро тавсияларни ишлаб чиқади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) тақдим этилаётган жорий ҳисоботларга кўшимча равишда, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни тавсия этади. Ташкилот рўйхатдан ўтказишнинг халқаро стандартларини, тушунча ва таърифлар ҳамда услубиётларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда, аъзо давлатларга техник кўмак кўрсатиш орқали миллий қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга ёрдам бериб келмоқда.

Ўзбекистон ФАОга 2001 йилда аъзо бўлган ҳамда 2014 йилда ФАОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилиши ва шериклик тўғрисидаги янги келишув имзоланиши билан мазкур ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

ФАО ташкилоти рўйхатдан ўтказишнинг навбатдаги раундини ҳар ўн йилда эълон қилиб, ҳозирда 2016-2025 йилларни қамраб олган қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш 2020 раунди давом этмоқда.

Дастлабки 1930 йил раундда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбирини амалга оширган ташкилотга аъзо давлатлар сони 55 тани ташкил этган бўлса, 2020 йил раундида эса уларнинг сони 150 тага етиши кутилмоқда.

2016-2025 йиллар давомида рўйхатдан ўтказишни амалга оширадиган турли мамлакатларни методик қоидалар билан таъминлаш мақсадида, ФАО томонидан икки томдан иборат “Бутунжаҳон қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш 2020 йил” дастури ишлаб чиқилди.

Дастурда, рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш, амалга ошириш, маълумотларни қайта ишлаш, натижаларини умумлаштириш, маълумотларни чоп этиш, тарқатиш ва эълон қилиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича батафсил маълумотлар ва тавсиялар берилган.

Бундан ташқари, мазкур дастур қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни ташкил этишда фойдаланиладиган комплекс методологик ёндошувларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Халқаро амалиётда, ФАО тавсиялари асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш одатда ўн йилда бир марта амалга оширилади. Айрим аграр соҳа ривожланган давлатлар рўйхатдан ўтказиш тадбирини 4-10 йилда бир мартадан кам бўлмаган даврда амалга оширадилар. Масалан мазкур тадбир Германия ва Голландияда - тўрт йилда бир марта ўтказилса, АҚШ, Канада ҳамда Корея давлатларида - ҳар беш йилда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДХ) аъзо давлатларда - 10 йилда бир марта ўтказилади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)га аъзо мамлакатлардан Россия Федерациясида, Озарбайжонда, Молдовада, Арманистонда, Қозоғистонда, Қирғизистонда, Тожикистонда ҳамда Беларусда (аҳолини рўйхатга олиш тадбири билан биргаликда) қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган.

ФАО ташкилотининг маълумотларига асосан Андорра, Монако, Сан-Марино каби давлатларда, МДХга аъзо мамлакатлардан Украина, Ўзбекистон ва Туркманистонда ҳам рўйхатдан ўтказиш тадбири амалга оширилмаган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 – сон фармони билан тасдиқланган, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”нинг устувор йўналишларидан бири – тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда, республиканинг қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ривожлантириш юзасидан кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, жумладан, соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмоқда, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишлари янада жадаллаштирилмоқда, инфратузилма ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш, шунингдек республикада маҳсулот етиштиришдан тортиб, уни сотишгача бўлган агробизнеснинг яхлит занжирини ўз ичига қамраб олган кластер тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштириш ва фойдаланишга қайта киритиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижаларининг халқаро талабларга жавоб берадиган ҳисоб-китоблар тизимини ташкил этиш, статистик кузатувларни ўтказиш усулларини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан аниқ комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Бунда, қишлоқ хўжалиги субъектларининг батафсил тавсифларини олиш ва қишлоқ хўжалиги фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, аграр секторнинг ҳолати ва тузилиши тўғрисидаги расмий статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбирини амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш ишлари умуман амалга оширилмаган. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, асосий турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари таркибига кескин таъсир кўрсатган ўзгаришлар, республика қишлоқ хўжалиги кўрсаткичларининг жорий ҳисоби бўйича мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чекламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 104-сон қарорига мувофиқ, Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) тақдим этилаётган жорий ҳисоботларга кўшимча равишда, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни тавсия этади. Ташкилот рўйхатдан ўтказишнинг халқаро стандартларини, тушунча ва таърифлар ҳамда услубиётларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда, аъзо давлатларга техник кўмак кўрсатиш орқали миллий қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга ёрдам бериб келмоқда.

2016-2025 йиллар давомида рўйхатдан ўтказишни амалга оширадиган турли мамлакатларни методик қоидалар билан таъминлаш мақсадида, ФАО томонидан икки томдан иборат “Бутунжаҳон қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш 2020 йил” дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур – 1930 йилда бошланган ўн йиллик қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш дастурининг ўнинчиси бўлиб, ушбу дастур йиғилаётган статистик маълумотларнинг халқаро таққосланишини таъминлашга ва асосий ахборотга бўлган талабни қондиришга қаратилган етакчи усул ҳисобланади.

Дастурда, рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш, амалга ошириш, маълумотларни қайта ишлаш, натижаларини умумлаштириш, маълумотларни чоп этиш, тарқатиш ва эълон қилиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича батафсил маълумотлар ва тавсиялар берилган.

Бундан ташқари, мазкур дастур қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишни ташкил этишда фойдаланиладиган комплекс методологик ёндошувларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишлар

Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш уч босқичда амалга оширилади. Биринчиси, энг масъулиятли ҳамда узоқ вақт давом этадиган тайёргарлик босқичи ҳисобланади. Рўйхатдан ўтказиш тадбирини қай даражада ўтказилиши ҳамда рўйхатдан ўтказиш натижасида шаклландиган маълумотларнинг сифати ва ҳаққонийлиги кўп жиҳатдан, ушбу босқичда амалга ошириладиган ишларга боғлиқ бўлади.

Жумладан, мазкур босқичда рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари ҳамда методик асосларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилади. Шунингдек автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш, рўйхатдан ўтказиш тадбирларида иштирок этувчи ходимларни жалб қилиш ва уларни ўқитиш ҳамда рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа ишлар амалга оширилади.

Тайёргарлик босқичидаги энг асосий масалалардан бири, рўйхатдан ўтказиш жараёнларида фаол иштирок этиш бўйича жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва шиорлар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур босқичда республиканинг айрим ҳудудларида синов асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади. Синов натижаларига кўра қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш дастури, услубий

қўлланмалар ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш усуллари ва қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш якунларини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, яъни қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбири амалга оширилиши белгиланган бўлиб, яъни бунда қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги бирламчи маълумотлар йиғилади. Республикамизда амалга ошириладиган мазкур тадбирда рўйхатдан ўтказувчи шахслар томонидан ҳудудларда деҳқон ва фермер хўжаликлари, томорқа ер эгалари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар, шунингдек дала ҳовли участкалари эгаларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, респондентлар билан сўров ўтказиш орқали тўпланади.

Сўнги якуний босқичда, олинган маълумотлар таҳлил қилинади ва қайта ишланади ҳамда умумлаштирилиб дастлабки ва якуний натижалар эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 197-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбирини сифатли амалга ошириш мақсадида, 2022 йилнинг август ойида Республиканинг 2 та ҳудудида, яъни Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳамда Тошкент вилоятининг Паркент туманида синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси томонидан синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишга доир масалалар бўйича ташкилий-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан туман синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш бўлимини ташкил этиш, синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш, синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишда уй-жой ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда улардаги рўйхатдан ўтказиш объектларини хатловдан ўтказиш ҳамда вақтинчалик жалб этиладиган шахсларни ўқитиш, рўйхатдан ўтказишга вақтинчалик жалб этиладиган шахсларнинг ўқиши, ишлаши ва ҳужжатларни сақлаши учун бинолар ажратиш, синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ташкилий режасини тузишга оид тартиб, йўриқнома ва қўлланмалар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Энг асосий масалалардан бири, синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш жараёнларида фаол иштирок этиш бўйича жойларда аҳолини ва фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларни хабардор қилиш, тадбирнинг мазмун моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларига оид тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва шиорлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритилди. Жумладан 2022 йилнинг 11 май куни Миллий матбуот марказида “Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларига тайёргарлик жараёнлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Шунингдек, 2022 йилнинг 20 май куни Самарқанд вилояти Жомбой туман ҳокимлигида “Жомбой туманида синов тариқасида қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади” мавзусида семинар ташкил этилди.

Бундан ташқари синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга оид турли лавҳалар тайёрланиб О‘zbekiston 24 ва Renesans TV телеканаллари орқали эфирга узатилди.

Шу билан бирга, тарғибот-ташвиқот ишлари учун зарур бўлган баннерлар, плакатлар, флаер ҳамда буклетлар тайёрланиб чоп этилди ва синов тариқасида рўйхатдан ўтказиладиган ҳудудларга етказилди.

Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларининг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш бўйича махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилди.

Хусусан, маълумотларни киритишда хато ва кмчиликларга йўл қўймаслик мақсадида, 6 та сўровнома шакллари асосида дастурий таъминот учун алоҳида мантиқий назоратлар ишлаб чиқилиб планшет дастурига киритилди.

Ўтказиладиган тадбирнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, рўйхатдан ўтказувчи шахс қишлоқ хўжалиги ер майдонлари ва уларга экилган экинлар, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари, қишлоқ хўжалиги техникалари ва бошқа тегишли маълумотлар бўйича етарли билимга эга бўлишлари, яъни рўйхатдан ўтказиш сўровномасида мавжуд барча кўрсаткичлар тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиши ҳамда планшет қурилмаларидан фойдалана оладиган бўлиши муҳим ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказиш ишларига вақтинча жалб этиладиган ходимлар сони тегишли ҳудудлардаги деҳқон хўжаликлари, томорқа ва деҳқон хўжаликлари ҳамда дала ҳовли участкалари, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларнинг сонидан келиб чиқиб шакллантирилди.

Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишларига статистика органлари ходимларидан ташқари, қўшимча равишда 2 та ҳудуд бўйича жами 400га яқин шахслар, жумладан туман рўйхатдан ўтказиш бўлими ходимлари, регистраторлар, участка бошлиқлари ва ўринбосарлари, инструкторлар, стационар рўйхатдан ўтказувчилар сифатида жалб қилинди.

Вақтинча жалб этилган ходимлар учун тегишли услубий қўлланмалар, рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш бўйича тушунтиришлар ва бошқа тегишли қўлланмалар ишлаб чиқилди ва улар иштирокида ўқув курслари ташкил этилди.

Синов тариқасида рўйхатдан ўтказувчи ходимлар ўқитилгандан сўнг махсус гувоҳнома ва кийим, шунингдек рўйхатдан ўтказиш воситалари бўлган планшет қурилмаси, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари ва канцелярия буюмларини олиб юриш учун сумка билан таъминланди.

2022 йилнинг 1-31 август кунлари Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳамда Тошкент вилоятининг Паркент туманида синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга оширилди.

Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш жараёнида респондентларнинг қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотларини йиғишда фойдаланиладиган рўйхатдан ўтказиш сўровномасига қишлоқ хўжалиги объектларининг иқтисодий фаолият турлари, меҳнат ресурслари ва уларнинг демографик тавсифлари, ер ресурслари ва улардан фойдаланиш ҳолати, қишлоқ хўжалиги экинлари майдони, кўп йиллик дарахтзорлар ва токзорлар майдони, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлар ва паррандаларни бош сони, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ҳажми ва шу каби қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид бошқа саволлар киритилган.

Синов тариқасида рўйхатдан ўтказиш ишлари, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, дала ҳовли участкалари эгалари, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар даражасида ташкил этилди.

Ушбу тоифадаги хўжаликларнинг ҳар бири бўйича алоҳида сўровнома шакли ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уйма-уй юрган ҳолда, сўров ўтказиш ва уларнинг жавоблари асосида маълумотларни планшет қурилмалари ёрдамида рўйхатдан ўтказиш сўровномаларини тўлдириш орқали амалга оширилди.

Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш жараёнларида бевосита иштирок этиш учун 2022 йилнинг август ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими статистика бўйича мутахассиси халқаро эксперт Георгий Квиникадзе мамлакатимизга ташриф буюрди. Халқаро эксперт Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳамда Тошкент вилоятининг Паркент туманида синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш жараёнлари бўйича кўрилган тайёргарлик ишлари ва уни ўтказиш жараёнлари билан яқиндан танишди.

Халқаро эксперт ҳудудларга ташрифи натижаларига кўра, Ўзбекистонда синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга кўрилган тайёргарлик ишлари ва уни ўтказиш жараёнларини ижобий баҳолаб, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишнинг асосий тадбир жараёнларини янада сифатли ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсияларни берди.

Синов жараёнларининг натижаларидан ва муаммолардан келиб чиқиб, республикамизнинг барча ҳудудларида амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш жараёнларини халқаро талабларга мос

равишда ва янада сифатли ташкил этиш мақсадида тизимли ишлар белгилаб олинди.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш дастури, рўйхатдан ўтказиш сўровномалари, методик қўлланмалар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади ҳамда маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш бўйича ахборот тизими янада такомиллаштирилади.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Қадимда аҳолини рўйхатга олиш қандай мақсадда ўтказилган?
2. Аҳолини рўйхатга олиш деганда қандай жараён тушунилади?
3. Аҳолини рўйхатга олиш нима учун зарур?
4. Аҳолини рўйхатга олиш натижасида қандай маълумотлар шакллантирилади?
5. Аҳолини рўйхатга олиш натижасида йиғилган маълумотлар нима мақсадларда ишлатилади?
6. Аҳолини рўйхатга олиш концепциясининг мазмун-моҳияти нимада?
7. “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
8. “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган асосий принциплар нималардан иборат?
9. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш тадбири қайси норматив ҳужжатга асосан амалга оширилади? (норматив ҳужжатнинг тўлиқ номи, қабул қилинган санаси)
10. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжат нечта иловадан иборат ва уларни санаб ўтинг?
11. Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш неча босқичдан иборат ва уларнинг ҳар бири тўғрисида батафсил маълумот беринг?
12. Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишнинг мақсади ва асосий вазифалари нималардан иборат?
13. Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга масъул бўлган ташкилотларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
14. Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш республиканинг қайси ҳудудларида ва қачон амалга оширилди?
15. Синов тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларига кимлар жалб этилди ҳамда уларни ўқитиш жараёнлари қандай ташкил этилди?

2-МАВЗУ: “МҲТ-2008” ХАЛҚАРО УСЛУБИЁТИ: ЎЗГАРИШЛАР, ТАВСИЯЛАР ВА УЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

“МҲТ-2008” халқаро услубиёти, унинг асосий атамалари ва кўрсаткичлари

Мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ходисаларни статистик кўрсаткичларда тўлиқ ва тўғри акс эттирилиши олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасини чуқур таҳлил қилиш, шунингдек, берилаётган имтиёзлар, киритилаётган инвестициялар самарадорлигини тўғри баҳолаш ҳамда улар асосида ҳолис қарорларни қабул қилиш ҳамда самарали режаларни ва дастурларини ишлаб чиқиш имконини беради. Мазкур ҳолат миллий ҳисоблар кўрсаткичларини халқаро услубиётларга мувофиқлаштиришнинг қанчалик долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) бу халқаро услубиёт бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи ҳисоблар ва жадвалларнинг муайян тўплами шаклида тузилган, ўзаро боғлиқ статистик кўрсаткичлар тизимини ўзида акс эттиради.

МҲТ услубиёти БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган.

МҲТ ёрдамида ишлаб чиқариш, аҳоли ва давлат бошқаруви органлари истеъмоли, асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши (инвестициялар), экспорт, импорт ва бошқа муҳим кўрсаткичларни шакллантириш, таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш ишларини амалга ошириш мумкин ва улар иқтисодий сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

МҲТнинг дастлабки халқаро даражада умумэтироф этилган услубиёти 1953 йилда “МҲТ–1953” қўлланмаси ишлаб чиқилган. Кейинчалик мазкур услубиёт жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олиб такомиллаштириб борилган ва “МҲТ–1968”, “МҲТ–1993”, “МҲТ–2008” қўлланмалари ишлаб чиқилган.

МҲТнинг ЯИМ, ялпи миллий даромад (ЯМД), аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ каби асосий агрегатлари мавжуд бўлиб, улардан иқтисодий фаолият ва фаровонликни умумлаштирган ҳолда ифодаловчи индикатор сифатида таҳлилчилар, сиёсатчилар, илм-фан соҳаси, матбуот, бизнес ҳамжамияти ва жамоатчилик томонидан кенг фойдаланилади.

Институционал бирлик активларга эга бўла оладиган, мажбуриятлар оладиган, иқтисодий фаолиятни ва бошқа бирликлар билан операцияларни амалга ошира оладиган хўжалик юритувчи субъектдир.

Ялпи ички маҳсулот иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва

хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МХТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Ишлаб чиқариш ҳисобот даврида резидент-бирликларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўлиб, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг умумий қийматини ўзида акс эттиради.

Оралиқ истеъмол ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар сифатида истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қийматини ўзида акс эттиради.

Ялли қўшилган қиймат ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

Маҳсулотлар учун солиқлар – товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

Маҳсулотлар учун субсидиялар – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

Маҳсулотлар учун соф солиқлар – маҳсулотлар учун субсидияларни чегириб ташлаган ҳолда, товарлар ва хизматларни сотиш нархларига киритилувчи маҳсулотлар учун солиқлар.

Ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар корхоналар ва ташкилотлар ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун тўлайдиган барча солиқлардан иборат (маҳсулотлар учун солиқлар бундан мустасно). Улар ер ва табиий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ишчи кучи, маълум фаолият турлари билан шуғулланиш ёки операцияларни амалга ошириш учун бериладиган рухсатномалар ва ҳоказолар учун тўланади.

Асосий капитал истеъмоли ҳисобот даврида моддий ва маънавий эскириш ҳамда тасодифий зарарланиш натижасида асосий капитал қийматининг камайишини ифодалайди.

Норасмий иқтисодиёт – уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган (товарлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Иқтисодий аҳамиятга эга нархлар – ишлаб чиқариш харажатларини қопловчи ва етарлича фойдани таъминловчи бозор нархларидир. Бу нархлар, ишлаб чиқарувчилар етказиб бермоқчи бўлган ва истеъмолчилар сотиб олмақчи бўлган маҳсулотлар миқдорига сезиларли таъсир кўрсатади.

Сотиб олиш нархи – сотиб олувчи томонидан белгиланган вақтда ва белгиланган жойга етказиб берилган товарлар ёки хизматлар бирлиги учун

тўланадиган нарх. У товарни етказиб бериш бўйича савдо-воситачилик ва транспорт харажатларини, шунингдек, сотиб олувчи томонидан тўланадиган маҳсулотлар учун солиқларни ўз ичига олади, аммо маҳсулотларга субсидияларни ва чегириб ташланадиган қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олмайди.

Асосий нарх – ишлаб чиқарувчи томонидан харидордан товарлар ёки хизматларнинг бирлиги учун олиниши лозим бўлган, маҳсулот ишлаб чиқарилиши ёки сотилиши натижасида тўланиши лозим бўлган ҳар қандай солиқни айириб, олинадиган ҳар қандай субсидияларнинг қўшилганига тенг бўлган нарх. У ишлаб чиқарувчи томонидан ҳисобварақ-фактураларда алоҳида кўрсатиладиган ҳар қандай транспорт харажатларини ўз ичига олмайди.

ЯИМ физик ҳажм индекси доимий нархлардаги, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМни (реал ЯИМ) жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМига нисбати орқали ҳисобланади.

ЯИМ дефлятор индекси иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМнинг (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ) реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

МҲТ халқаро услубиётининг такомиллашиш жараёнлари, асосий ўзгаришлар

“МҲТ-1953” жами иқтисодиёт бўйича чекланган сонли ҳисоблар орқали муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади. Мазкур услубиётда ЯИМ, миллий даромад, миллий инвестициялар ва бошқаларни ҳисоблаш услубиётлари келтирилган.

“МҲТ-1968” жами иқтисодиёт бўйича тўлиқ ҳисоблар орқали макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади. Мазкур услубиётда юқоридаги кўрсаткичлар билан бирга Иқтисодиётнинг 5 та сектори бўйича ҳисоблар, тармоқлараро баланс, миллий бойлик балансини ҳисоблаш услубиётлари келтирилган.

“МҲТ-1993” услубиётида юқоридаги кўрсаткичлар билан бирга иқтисодиётнинг 6 та сектори (“ташқи дунё” секторини қўшган ҳолда) бўйича ҳисоблар ҳамда тўлов балансини тузиш бўйича тавсиялар келтирилган.

“МҲТ-2008” услубиёти статистик концепцияларга аниқликлар киритиш, макроиқтисодий статистикани ўзаро уйғунлаштириш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.

“МҲТ-2008” услубиётида илмий-тадқиқот фаолияти, ҳарбий харажатлар, уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматлари, молиявий воситачилик хизматлари, кузатилмайдиган иқтисодиёт ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар келтирилган.

а) Илмий-тадқиқот фаолияти: “МҲТ-1993” услубиётида илмий-тадқиқот учун харажатлар оралиқ истеъмол сифатида ҳисобга олинса, “МҲТ-2008” услубиётида мазкур харажатлар асосий капиталга харажатлар сифатида ҳисобга олинади.

б) Молиявий воситачилик хизматлари: Молиявий воситачилик хизматлари ҳажми “МҲТ-1993” услубиёти бўйича молиявий воситачилар томонидан олинган ва улар томонидан тўланган фоизлар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ҳамда шартли тармоқнинг оралиқ истеъмоли сифатида бошқа хизматларга қўшган ҳолда қуйидаги формула асосида акс эттирилган.

$$Q = L - D, \quad (1)$$

Бу ерда,

L – кредитлар фоизли даромадларидан тушум;

D – депозитлар учун фоизли тўлов.

“МҲТ-2008” услубиёти бўйича эса молиявий воситачилик хизматлари ҳажми кредит (депозит)ларнинг фоиз ставкалари ва базис ставкаси (кредитлар ва депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси) ўртасидаги фарқни ҳисобот давридаги кредит (депозит)ларнинг ўртача қолдиғига кўпайтириш орқали қуйидаги формула асосида институционал секторлар кесимида ҳисобланади.

$$Q = (rL - rr) \times yL + (rr - rD) \times yD, \quad (2)$$

Бу ерда,

yL – ҳисобот даврига кредитларнинг ўртача қолдиғи;

yD – ҳисобот даврига депозитларнинг ўртача қолдиғи;

rL – кредитлар бўйича фоиз ставкаси;

rD – депозитлар бўйича фоиз ставкаси;

rr – базис ставкаси.

Мазкур услубиёт бўйича молиявий воситачилик хизматлари ҳажми иқтисодий фаолият турларининг оралиқ истеъмоли ҳамда уй хўжаликларининг якуний истеъмолига тақсимланади.

с) Ўз уйида яшаш хизматларини баҳолаш: МҲТ тамойилларига асосан ўз уйида яшаш хизматлари ҳажми ишлаб чиқариш чегарасига киритилиб, уй хўжаликлари истеъмолининг бир қисми ҳисобланади. МҲТ доирасида ўз уйида яшаш хизматлари ҳажмини икки хил усулда, яъни рента эквиваленти ва фойдаланувчиларнинг харажатлари усулларида ҳисоблаш тавсия қилинади.

Рента эквиваленти усули ўз уйида яшаш хизматлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини ижарачининг шу каби уй учун тўлайдиган тахминий ижара нархи бўйича баҳолаш йўли билан ҳисоблашни назарда тутди.

Ушбу усулни ижарага бериладиган уй-жойлар бозори яхши ташкил этилган мамлакатларда қўллаш мумкин. Хусусан, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Евростат ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) тавсияларига кўра, рента эквиваленти усули мамлакатдаги мавжуд уй-жой фондининг кўп қисми ижарага берилса, ижарага берилган уй-жойлар мамлакатнинг ҳудудлари бўйича тенг тақсимланган бўлса, шу билан бирга, давлат ва хусусий уй-жойларда яшаш учун тўланадиган ижара ҳақи ўртасидаги фарқ катта бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Фойдаланувчиларнинг харажатлари усули уй эгалари ўз уйларини бошқа ижарачиларга ижарага беришлари керак бўлганда, бозор баҳоларидаги ижарани белгилашда ҳисобга олиниши керак бўладиган ҳар бир харажатлар элементларини баҳолашни назарда тутати.

д) Марказий банкнинг ишлаб чиқариши ҳажми: “МҲТ-2008” услубиётида Марказий банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар 3 та гуруҳга бўлинади: молиявий воситачилик хизматлари, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар, молиявий корпорацияларни назорат қилиш хизматлари. Молиявий воситачилик хизматлари бозор хизматларини ишлаб чиқарилиши сифатида қаралади. Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар нобозор хизматлари сифатида қаралади. Молиявий корпорацияларни назорат қилиш хизматлари харажатларни қоплаш учун етарли ёки йўқлигига қараб ҳам бозор ёки нобозор хизматлар сифатида қаралиши мумкин.

е) Суғурта хизматлари: “МҲТ-1993” услубиётида суғурта хизматлари ҳажми суғурта мукофотлари ва тўловлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. “МҲТ-2008” услубиёти бўйича суғурта хизматлари ҳажми ҳақиқий олинган мукофотлар, тузатилган кўшимча мукофотлар, тўланиши керак бўлган тузатилган тўловлар сифатида қаралади.

МҲТ-2008 тавсияларини Ўзбекистон миллий статистика амалиётига жорий этиш

2017-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги (Давлат статистика қўмитаси) томонидан миллий ҳисоблар кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиётлари “МҲТ-2008” халқаро услубиёти қоидаларига мувофиқлаштирилди.

МҲТ, Давлат молияси статистикаси ва Тўлов баланси кўрсаткичлари ўзаро мувофиқлаштирилди. Бунда, ЯИМ ҳисоб-китобларини Давлат молияси статистикаси ва Тўлов баланси маълумотларига мувофиқ равишда амалга ошириш ва Қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш йўлга қўйилди. Ушбу ҳисоб-китоблар асосида ЯИМ ва у билан боғлиқ макроиктисодий кўрсаткичларнинг 2010 йилдан йиллик ва 2017 йилдан чораклик динамик қаторлари шакллантирилди ва эълон қилинди.

ЯИМни дискрет чораклар асосида ҳисоблаш тажрибасини жорий этиш орқали чораклик миллий ҳисоблар такомиллаштирилди. Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 8 февралдаги “Тармоқлар кесимида иқтисодий статистика кўрсаткичларини дискрет даврлар бўйича ҳисоблаш тажрибасини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 2-сонли қарори қабул қилинди.

Дискрет чоракларга асосланган ЯИМ ҳисоб-китобларини амалиётга жорий этиш орқали чораклик миллий ҳисобларни такомиллаштириш мақсадида “Иқтисодий статистика кўрсаткичларини дискрет чораклар асосида шакллантириш тартиби” ишлаб чиқилди ва Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 9-сонли қарори билан тасдиқланди.

Ушбу услубий низом асосида иқтисодий фаолият турлари кесимида ЯИМнинг дискрет чораклар бўйича ҳисоб-китоблари амалга оширилди, 2017 йилдан динамик қаторлар шакллантирилди ва Статистика агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

“Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини тузиш тажрибаси такомиллаштирилди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибини ўрганиш мақсадида 23 турдаги саволномалар ишлаб чиқилди ҳамда 2020 йилнинг май-август ойларида республиканинг барча ҳудудларида жами 31 961 та хўжалик юритувчи субъектлар (номолиявий корхоналар, банклар ва суғурта ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар в.б.)ни қамраб олган ҳолда танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув натижаларига кўра аниқланган “Харажатлар-ишлаб чиқариш”нинг янгиланган коэффицентлари асосида 2019-2020 йиллар учун “Ресурслар ва ишлатилиш” жадваллари шакллантирилди ҳамда фойдаланувчиларга тақдим этилди.

ХВЖ ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг миллий ҳисоблар статистикаси бўйича техник кўмак миссиялари доирасида “Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини тузиш тажрибаси такомиллаштирилди ҳамда бунинг натижасида мазкур жадваллар амалдаги 81 та тармоқ ва 81 та маҳсулотлар кесимидан 143 та тармоқ ва 143 та маҳсулотлар кесимига етказилди.

Халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда “Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини тузиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида “Товарлар ва хизматлар ресурслари ва ишлатилиши жадвалларини тузиш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди ҳамда Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 16 декабрдаги 56-сонли қарори билан тасдиқланди.

Статистик кўрсаткичлар ҳисоб-китобларига халқаро таснифлагичлар жорий этилди. ЯИМни Якуний истеъмол усулида ҳисоблашда давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари “Давлат бошқаруви органлари функцияларининг таснифи” бўйича шакллантирилди.

Якуний истеъмол усулида ҳисобланадиган ЯИМ таркибида уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари кўрсаткичи “Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи” асосида шакллантирилди.

Капитал билан операциялар ҳисоби “Асосий фондлар таснифлагичи”ни жорий қилиш орқали такомиллаштирилди. Активларнинг турлари бўйича таснифлаш йўлга қўйилди.

Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини баҳолаш “МХТ-2008” халқаро услубиётига мослаштирилди. Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини баҳолаш бўйича Услубий низом ишлаб чиқилди ва Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 31-сонли қарори билан тасдиқланди.

Ўз уйида яшаш бўйича шартли хизматларни баҳолаш ва ушбу хизматларни ЯИМ ҳисоб-китобларида акс эттириш йўлга қўйилди.

Ўз уйида яшаш бўйича шартли хизматларни қўшган ҳолда ЯИМ ва у билан боғлиқ макроиктисодий кўрсаткичлар қайта ҳисобланди.

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ўз уйида яшаш бўйича шартли хизматларни баҳолаш услубиётининг ўзгариши Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажмининг 2016-2020 йилларда 3,8 % дан 5,3 % гача ошишига олиб келди.

2-жадвал

Ўз уйида яшаш бўйича шартли хизматларни баҳолаш услубиёти ўзгаришининг Ўзбекистон Республикаси ЯИМига таъсири

Йиллар	Номинал ЯИМ, млрд. сўм		
	қайта кўриб чиқилгунга қадар	қайта кўриб чиқилгандан кейин	ўзгариш (%)
2016	242 495,5	255 421,9	5,3
2017	302 536,8	317 476,4	4,9
2018	406 648,5	424 728,7	4,4
2019	510 117,2	529 391,4	3,8
2020	580 203,2	602 551,4	3,9

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт статистикасини юритиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат йиғма кўрсаткичлар тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қўшма қарори имзоланди. Ушбу қарор билан “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат” йиғма кўрсаткичи ҳамда унинг таркибига кирувчи фаолият турлари рўйхати тасдиқланди.

“Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартиби” ишлаб чиқилиб, Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 31 майдаги 16-сонли қарори билан тасдиқланди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Молиявий воситачилик хизматлари ҳажмини ҳисоблаш услубиёти ва амалиёти “МХТ-2008” халқаро услубиётига мослаштирилди. “МХТ-2008” услубиёти бўйича эса молиявий воситачилик хизматлари ҳажми кредит (депозит)ларнинг фоиз ставкалари ва базис ставкаси (кредитлар ва депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси) ўртасидаги фарқни ҳисобот давридаги кредит (депозит)ларнинг ўртача қолдиғига кўпайтириш орқали қуйидаги формула асосида институционал секторлар кесимида ҳисобланди.

Мазкур услубиёт бўйича молиявий воситачилик хизматлари ҳажми иқтисодий фаолият турларининг оралиқ истеъмоли ҳамда уй хўжаликларининг якуний истеъмолига тақсимланади.

3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, молиявий воситачилик хизматлари ҳажмининг такомиллаштирилган услубиётини жорий этилиши натижасида ЯИМ ҳажми 2018-2021 йилларда 0,5-0,6 % га ошган. Бу ҳолат

3-жадвал

**БЎМВХ баҳоланиши ўзгаришининг
Ўзбекистон Республикаси ЯИМига таъсири**

Йиллар	Номинал ЯИМ, млрд. сўм		
	қайта кўриб чиқилгунга қадар	қайта кўриб чиқилгандан кейин	ўзгариш (%)
2018	424 728,7	426 641,0	0,5
2019	529 391,4	532 712,5	0,6
2020	602 193,0	605 514,9	0,6
2021	734 909,7	738 425,2	0,5

“МХТ-2008” асосида баҳоланган молиявий воситачилик хизматлари ҳажмининг “МХТ-1993” асосида баҳоланган молиявий воситачилик хизматлари ҳажмига нисбатан камайганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, молиявий воситачилик хизматлари ҳажмининг такомиллаштирилган услубиётини жорий этилиши натижасида 2021 йил учун номинал ЯИМ ҳажми 734,9 трлн. сўмдан 738,4 трлн. сўмга (0,5 % га) ошди ва ЯИМнинг реал ўсиш суръати ўзгармади (7,4 % сақланиб қолди).

Ўзбекистон статистика соҳасида МХТни такомиллаштириш бўйича келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар қуйидагилардан иборат:

- ЯИМни доимий нархларда ҳисоблаш услубиётини янада такомиллаштириш (базис йилининг ўртача нархларида ҳисоблаш ва икки ёқлама дефляция қилиш усулини жорий қилиш);

- “Харажатлар ва ишлаб чиқариш” жадвалларини доимий нархларда баҳолаш амалиётини жорий этиш;

- Халқаро таққослаш дастурининг навбатдаги глобал босқичида иштирок этиш;

- Кузатилмайдиган иқтисодий баҳолаш амалиётини халқаро тавсиялар асосида такомиллаштириш;

- МХТ соҳасида кадрлар салоҳиятини янада ошириб бориш.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Миллий ҳисоблар тизими нимани англатади?
2. МҲТ қайси халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган?
3. МҲТнинг қандай қўлланмалари мавжуд?
4. МҲТда қандай макроиктисодий кўрсаткичлар ўрганилади?
5. МҲТ 1993 ва МҲТ 2008 нинг фарқларини тушунтиринг?
6. МҲТда қайси таснифлагичлардан фойдаланиш тавсия этилади?
7. МҲТда оқимлар ва захираларни тушунтириб беринг?
8. Молиявий воситачилик хизматлари қандай ҳисобланади?
9. Ўз уйида яшаш билан боғлиқ шартли рента нима?
10. Ресурслар ва ишлатилиш жадваллари нималарни ўз ичига олади?
11. МҲТнинг асосий ҳисобларини санаб беринг.
12. Ишлаб чиқариш ҳисобида нималар ўз аксини топади?
13. Толов баланси нима ва у қайси ташкилот томонидан ҳисобланади?
14. Давлат молия статистикаси нима?
15. Дискрет чораклар бўйича ҳисоб-китобларни тушунтириб беринг.

3-МАВЗУ: ЯИМ (ЯҲМ) ВА ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

ЯИМ (ЯҲМ)ни ҳисоблаш усуллари

ЯИМ мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида резидент-бирликлар томонидан ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган барча товарлар ва хизматлар қийматини ифодалайди.

МҲТда мамлакат иқтисодий салоҳиятини умумлаштириб ифодаладиган кўрсаткич ЯИМ ҳисобланади. ЯИМ уч хил усулда ҳисобланади: 1) ишлаб чиқариш усули; 2) харажатлар усули; 3) даромадлар усули.

1. ЯИМни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш. Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМ якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида аниқланади. ЯИМни бу усулда аниқлаш статистик жиҳатдан қулай бўлиши билан бирга уни ҳисоблашнинг муҳим шартига амал қилиш, яъни бир қийматни икки бор ҳисобга олиш, ёки оралиқ маҳсулот қийматини ЯИМга киритиб юборишнинг олдини олади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ҳисоблаш учун жорий йилда ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати бир марта ҳисобга олиниши керак. Кўпгина маҳсулотлар бозорга боргунча бир нечта ишлаб чиқариш босқичини ўтайди. Шу сабабли ЯИМда айрим маҳсулотларни икки ва ундан кўп марта ҳисобга олмаслик учун фақат пировард маҳсулотнинг бозор қиймати ҳисобга олинади, оралиқ маҳсулотлар эса ҳисобга олинмайди. Якуний товарлар ва хизматлар деганда уларнинг ишлаб чиқариш ёки ички айирбошлаш циклидан чиққан, якуний истеъмол, жамғариш ёки экспорт учун фойдаланиладиган қисми тушунилади.

Асосий нархларда иқтисодий фаолият турларининг ялпи қўшилган қиймати асосий нархлардаги ишлаб чиқариш ва сотиб олиш нархларидаги оралиқ истеъмол ўртасидаги фарқ орқали қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$GVA_i = O_i - IC_i, \quad (1)$$

бу ерда,

$GVA_i - i$ иқтисодий фаолият тури бўйича асосий нархларда ялпи қўшилган қиймат ҳажми;

$O_i - i$ иқтисодий фаолият тури бўйича асосий нархларда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми;

$IC_i - i$ иқтисодий фаолият тури бўйича сотиб олиш нархларида оралиқ истеъмол ҳажми.

Якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда сарфланган оралиқ товарлар ва хизматлар баҳоси ЯИМга қўшилмайди. Қўшилган қиймат товарлар ва хизматларнинг сотиш баҳоси билан уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хом ашё ва материалларни сотиб олишга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади. Ишлаб чиқариш

усулида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичининг таркибини ва ундаги силжишларни таҳлил қилиш жуда муҳим хулосалар беради. Алоҳида тармоқларнинг мамлакат иқтисодиётида яратилган ялпи қўшилган қийматдаги улуши, унинг ўзгариши бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва кутилаётган истиқболига баҳо бериш имконини беради.

Қуйида иқтисодий фаолият тури бўйича асосий нархларда ҳисобланган ялпи қўшилган қийматга маҳсулотларга соф солиқларни қўшиш орқали ЯИМни аниқлаш формуласини кўрамиз:

$$GDP = GVA + Tr - Sp, \quad (2)$$

бу ерда,

GDP – ялпи ички маҳсулот;

GVA – ялпи қўшилган қиймат;

Tr – маҳсулотларга солиқлар;

Sp – маҳсулотларга субсидиялар.

2. ЯИМни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш кенгроқ тарқалган усул бўлиб, иқтисодиётда иштирок этаётган гуруҳларнинг истеъмоли қийматини кўрсатиб беради.

Якуний истеъмол усулида ҳисобланган ЯИМ иқтисодиётнинг барча институционал секторлари томонидан якуний истеъмолга, ялпи жамғарилишга ва соф экспортга қилинган харажатлар йиғиндисидан иборат.

Якуний истеъмол усули бўйича ЯИМни ҳисоблаш қуйидаги формулага асосланади:

$$GDP = C + I + ChI + X - M, \quad (3)$$

бу ерда,

C – якуний истеъмол харажатлари;

I – асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши;

ChI – моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши;

X – товарлар ва хизматлар экспорти;

M – товарлар ва хизматлар импорти.

Ушбу гуруҳлаш якуний истеъмол харажатларини ким томонидан молиялаштирилишини кўрсатади.

Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатларини баҳолаш Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 24 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи, 2018" (кейинги ўринларда – МИИТ)га мувофиқ амалга оширилади. Мазкур таснифлагич халқаро COICOP 2018 (Classification of Individual Consumption According to Purpose) таснифлагичига мослаштирилган.

Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари бу сектор институционал бирликларининг уй хўжаликларига бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган (бозор нархларидан паст) нархларда тақдим этадиган истеъмол товарлари ва хизматларига кетган харажатларини

ўз ичига олади. Давлат муассасаларининг харажатлари давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари икки асосий гуруҳга бўлинади:

- а) индивидуал товарлар ва хизматларга кетган харажатлар;
- б) коллектив хизматларга кетган харажатлар.

Индивидуал товарлар ва хизматларга давлат бошқаруви органлари харажатлари соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари харажатларини ўз ичига олади ва натура шаклидаги ижтимоий трансферт сифатида қаралади.

Коллектив хизматларга харажатлар ўз ичига давлат бошқаруви, мудофаа, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, иқтисодиётни бошқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида фаолият юритадиган давлат муассасаларининг харажатларини, шунингдек, Марказий банкнинг nobozor ишлаб чиқарилишини олади.

Ялпи жамғарилиш асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини ва соф қимматбаҳо буюмларни сотиб олишни ўз ичига олади.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши резидентлар томонидан асосий капитал объектларига, келажакда улардан фойдаланиб, даромад олиш мақсадида киритилган маблағларни ўзида намоён этади.

Моддий айланма воситалар (МAB) захираларининг ўзгариши ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва қайта сотишга мўлжалланган товарлар захираларининг ўзгаришини ўз ичига олади.

Товарлар ва хизматларнинг экспорти ва импорти маълум бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан экспорт ва импорт операцияларини камраб олади.

3. ЯИМни даромадлар бўйича аниқлашда якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида резидент ишлаб чиқариш бирликлари томонидан, кўшилган қийматлар ҳисобидан, тўланган дастлабки даромадлар кўшиб чиқилади.

ЯИМни даромадлари йиғиндиси кўринишида ҳисоблашда асосан куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

$$GDP = T + W + P, \quad (4)$$

бу ерда,

T – соф билвосита солиқлар;

Соф билвосита солиқлар (кўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона божлари) ва субсидия ҳажмлари ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

W – ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари;

P – корпорацияларнинг ялпи фойдаси ва нокорпоратив корхоналар даромадларини ўз ичига олади.

Нокорпоратив корхоналар кичик ҳажмдаги, уй хўжаликларига тегишли корхоналар бўлиб уларда корхона фойдаси ва корхона эгасининг иш ҳақи

элементлари ўзаро қўшилиб кетган бўлади. Бу ҳолат аралаш даромад атамасини қўллашга сабаб бўлади.

$$P = P1 + P2 + A, \quad (5)$$

бу ерда,

P1 – корпорацияларнинг соф фойдаси;

P2 – нокорпоратив корхоналар соф даромадлари;

A – амортизация.

Ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари хусусий ва давлат компанияларининг ёлланма ишчиларга ҳисоблаган барча турдаги меҳнат ҳақи тўловларининг номинал миқдори плюс иш берувчилар томонидан иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланиб тўланадиган ижтимоий суғурта ажратмаларини ўз ичига олади. Чет эл валютасида ҳисобланган иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган валюта алмаштириш курси бўйича чет эл валютасини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига ўтказиш йўли орқали ҳисоб-китобларга киритилади.

Иш ҳақи даромадларнинг шаклланиши ҳисобида ишчиларнинг давлат ижтимоий суғурта бадаллари, даромад солиғи ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ишчилар томонидан тўланадиган бошқа ушланмаларни чегириб ташланмаган ҳолда акс эттирилади.

Ижтимоий суғуртага ҳақиқатда ажратмалар иш берувчилар томонидан давлат бюджетидан ташқари пенсия жамғармасига тўланади ва аҳолига пенсиялар, нафақалар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда давлат бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган бошқа тўловларни тўлаш учун асосий молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва импорт учун солиқлар маҳсулотларга солиқлар ва ишлаб чиқаришга бошқа солиқлардан иборат. Субсидиялар ҳам маҳсулотлар учун субсидиялар ва ишлаб чиқариш учун бошқа субсидиялардан иборат. Бутун иқтисодиёт даражасида ҳам ишлаб чиқариш ҳисобидан кўчириб ўтказиладиган маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар, ҳам ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар ва субсидиялар акс эттирилади. Иқтисодий фаолият турлари ва иқтисодиётнинг институционал соҳалари бўйича фақат ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар ва субсидиялар акс эттирилади.

ЯИМ (ЯҲМ)ни ҳисоблашда маълумотлар манбалари

Ишлаб чиқариш усулида ЯИМни баҳолаш учун ахборот манбаи бўлиб, ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурида бажарилиши назарда тутилган кенг кўламдаги ахборот ресурслари (иқтисодий фаолият турларининг қисқа муддатли кузатувлари, кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг танланма кузатувлари, уй хўжаликлари бюджети кузатувлари, корхоналар ва ташкилотларнинг таркибий кузатувлари, шунингдек, давлат бюджетининг ижроси тўғрисида, божхона ва солиқ органларининг маъмурий маълумотлари, бюджетдан

ташқари жамғармаларнинг, Марказий банкнинг молиявий кўрсаткичлари ва бошқалар) хизмат қилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича оралиқ истеъмолни йиллик даврийликда ҳисоблаш, корхона ва ташкилотларнинг таркибий кузатувлари, давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ва эксперт баҳолашлар асосида амалга оширилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича оралиқ истеъмолни чораклик даврийликда ҳисоблаш, аниқлик киритилган йиллик ҳисоб-китоблар асосида, оралиқ истеъмолнинг ишлаб чиқаришдаги улушидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

ЯИМни тезкор чораклик баҳолашда қатор кўрсаткичлар бўйича бевосита маълумотларнинг мавжуд эмаслиги сабабли, ЯИМни ҳисоблаш билвосита кўрсаткичлар ва эксперт баҳолашлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатларини ҳисоблашда куйидаги маълумотлар манбаларидан фойдаланилади: уй хўжаликлари бюджетларини мунтазам кузатуви маълумотлари (бундан кейин – УХБК); чакана савдо айланмаси ва умумий овқатланиш тўғрисидаги маълумотлар; аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар тўғрисидаги маълумотлар; қишлоқ хўжалиги статистикаси маълумотлари; суғурта ташкилотларининг статистик ҳисоботлари маълумотлари; тўлов балансининг “Ташрифлар” моддаси бўйича маълумотлари ва бошқалар.

Бюджет муассасалари фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маълумотлари ҳисобланади.

ЯИМ таркибида товарлар ва хизматлар экспорти-импорти тўғрисидаги маълумотлар Марказий банкнинг тўлов баланси маълумотлари асосида шакллантирилади.

ЯИМ таркибида моддий айланма воситалар захираси қийматини баҳолашда асосий маълумотлар манбаи бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- моддий айланма воситалар захирасининг турлари бўйича тармоқлар кесимида йиллик маълумотларни шакллантиришда “Ташкилот хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисобот” маълумотларидан фойдаланилади. Ушбу ҳисобот (кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари) тижорат ташкилотлари бўлган юридик шахслар, уларнинг алоҳида бўлинмалари, чет эл инвестициялари ва хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларини қамраб олади.

Шунингдек, ушбу ҳисобот маълумотларидан (кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари) тижорат ташкилотлари бўлган юридик шахслар учун моддий айланма воситалар захирасининг айланиш даврини аниқлашда ҳам фойдаланилади;

- моддий айланма воситалар захирасининг турлари бўйича тармоқлар кесимида чораклик маълумотларни шакллантиришда “Ташкилотнинг

молиявий аҳволи тўғрисида ҳисобот”и маълумотларидан фойдаланилади. Ушбу ҳисобот (кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, банклар, суғурта ташкилотларидан ташқари) тижорат ташкилоти бўлган юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларини камраб олади;

- микрофирмалар ва кичик корхоналарда моддий айланма воситалар захирасининг турлари бўйича тармоқлар кесимида йиллик маълумотларни шакллантиришда “Микрофирма ва кичик корxonанинг ҳисобот”и маълумотларидан фойдаланилади. Шунингдек, ушбу ҳисобот маълумотларидан микрофирмалар ва кичик корхоналар моддий айланма воситалар захирасининг айланиш даврини аниқлашда ҳам фойдаланилади;

- суғурта ташкилотларининг моддий айланма воситалар захираси тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда “Суғурта ташкилоти фаолияти тўғрисида ҳисобот” маълумотларидан фойдаланилади;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликларининг моддий айланма воситалар захираси тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда “Қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот”, “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот”, “Деҳқон хўжаликлари фаолияти тўғрисидаги ҳисобот” маълумотларидан фойдаланилади.

ЯИМ (ЯХМ)ни доимий нархларда баҳолаш, ЯИМ ўсиш суръати, ЯИМ дефлятори индекси

ЯИМни доимий нархларда ҳисоблаш, маълум бир давр мобайнидаги иқтисодий ўсиш суръатларини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Доимий нархлардаги ЯИМ турли усуллар ва маълумотлар манбаларидан фойдаланиб доимий нархларда алоҳида ҳисобланган иқтисодий фаолият турларининг ялпи қўшилган қийматлари ва маҳсулотлар учун соф солиқлар йиғиндисидан иборат бўлади.

ЯИМнинг таркибий қисмларини доимий нархларда ҳисоблаш икки асосий усулдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

а) жорий нархлардаги ҳисобот даври маълумотларини мос нархлар индекси орқали *дефляциялаш орқали* қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$O_{const} = \frac{O_t}{I_p} * 100, \quad (4)$$

бу ерда,

O_{const} – иқтисодий фаолият тури бўйича доимий нархларда ишлаб чиқариш ҳажми;

O_t – иқтисодий фаолият тури бўйича жорий нархларда ишлаб чиқариш ҳажми;

I_p – иқтисодий фаолият турига мос келувчи нарх индекси.

Ушбу усулда қуйидаги нарх индексларидан фойдаланилади:

- истеъмол нархлари индекси;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар нархлари индекси;
- ташиш ва алоқа хизматлари тарифлари индекси;

- деҳқон бозорларидаги нархлар индекси;
- асосий капиталга киритилган инвестициялар ва қурилиш ишлари бўйича нархлар индекси;
- ўртача иш ҳақининг ўзгариши индекси ва бошқалар.

б) жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври маълумотларини физик ҳажм индекслари ёки ушбу иқтисодий фаолият турининг ривожланиш суръатларини мантиқан тўғри ифодаловчи натурал индикаторлар ёрдамида **экстраполяция қилиш орқали** қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$O_{comp} = \frac{O_{t-1} \times I_q}{100}, \quad (5)$$

бу ерда,

O_{t-1} – иқтисодий фаолият тури бўйича ўтган йилнинг жорий нархларида ишлаб чиқариш ҳажми;

I_q – иқтисодий фаолият турига мос келувчи физик ҳажм индекси.

Ушбу усулда қуйидаги индекслардан фойдаланилади:

- натура шаклидаги товарлар ишлаб чиқариш бўйича физик ҳажм индекслари;

- хизматлар ҳажми ўзгаришини ифодаловчи мос натурал кўрсаткичларнинг физик ҳажм индекслари;

- ёлланма ишчилар сонининг ўзгариши индекси ва бошқалар.

ЯИМ ўсиш суръати қуйидаги формула ёрдамида доимий нархлардаги ЯИМни ўтган йилнинг жорий нархлардаги ЯИМга бўлиб, 100 га кўпайтириш орқали аниқланади:

$$I_q = \frac{GDP_{comp}}{GDP_{t-1}} \times 100, \quad (6)$$

бу ерда,

GDP_{comp} – доимий нархлардаги ЯИМ ҳажми;

GDP_{t-1} – ўтган йилнинг жорий нархлардаги ЯИМ ҳажми.

ЯИМ дефлятори индекси қуйидаги формула ёрдамида жорий нархлардаги ЯИМни доимий нархлардаги ЯИМга бўлиб, 100 га кўпайтириш орқали аниқланади:

$$I_p = \frac{GDP_t}{GDP_{comp}} \times 100, \quad (7)$$

бу ерда,

GDP_t – жорий нархлардаги ЯИМ ҳажми.

Айрим ҳолларда кўрсаткичларни доимий нархларда ҳисоблашнинг тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули ҳам қўлланилади, бу усул ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ўтган йилнинг мос даври нархларига кўпайтириш орқали амалга оширилади. Бу усул асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини баҳолаш учун ишлатилади, чунки унда чекланган сонли бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

ЯИМ таркибий қисмларини ҳисоблашда асосан дефляция усулидан фойдаланилади, мос нархлар индекси мавжуд бўлмаган ҳолларда экстраполяция қилиш усули қўлланилади.

ЯИМнинг таркибий қисмлари жамланган қийматлар бўлганлиги сабабли, уларни баҳолаш усуллари юқорида айтиб ўтилган усуллар комбинациясидан иборат бўлади.

Ўзбекистонда МХТни ЯИМ (ЯҲМ) ва тармоқлар бўйича қўшилган қиймат шакллантириш бўйича келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар қуйидагилардан иборат:

- ЯИМни доимий нархларда ҳисоблаш услубиётини янада такомиллаштириш (базис йилининг ўртача нархларида ҳисоблаш ва икки ёқлама дефляция қилиш усулини жорий қилиш);

- ЯИМнинг йиллик ҳисоб-китобларида тажриба асосида “Ресурслар ва ишлатилиш” жадваллари маълумотларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- ЯИМни дискрет чорақлар асосида ҳисоблаш тажрибасини такомиллаштириш;

- ЯИМнинг йиллик ҳисоб-китобларида фойдаланиладиган маълумотлар манбалари янада такомиллаштириш.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. ЯИМга таъриф беринг.
2. ЯИМни ҳисоблаш усуллари тушунтириб беринг.
3. Ишлаб чиқариш усулида ЯИМ қандай ҳисобланади?
4. Яқуний истеъмол усулида ЯИМ қандай ҳисобланади?
5. Даромадлар усулида ЯИМ қандай ҳисобланади?
6. Ишлаб чиқариш усулида ЯИМни баҳолаш учун ахборот манбаи нималардан иборат?
7. Яқуний истеъмол усулида ЯИМни баҳолаш учун ахборот манбаи нималардан иборат?
8. Даромадлар усулида ЯИМни баҳолаш учун ахборот манбаи нималардан иборат?
9. ЯИМни доимий нархларда ҳисоблаш қандай усулларда амалга оширилади?
10. ЯИМни доимий нархларда ҳисоблашда қандай индекслардан фойдаланилади?
11. Асосий капиталга киритилган инвестициялар нима?
12. Истеъмол нархлари индекси нима?
13. Физик ҳажм индекси нима.
14. Уй хўжалиқларининг яқуний истеъмол харажатлари нималардан иборат.
15. Бюджет муассасалари фаолияти тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маълумотлари ҳисобланади?

4 - МАВЗУ: ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРДА ИФОДАЛАШ

Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг мониторинги бўйича асосий тушунча ва таърифлар

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитни яратиш, тадбиркорликни кенг ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат дастурлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция Дастури” ҳамда 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-465-сон қарори билан тасдиқланган “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш Дастури” ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки **ПҚ-459-сон** қарори хорижий инвестиция ва кедитлар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини қамраб олса, **ПҚ-465-сон** қарори асосан Республика бюджети маблағлари ҳисобидан ижтимоий соҳага йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини қамраб олади.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ташаббускорлари лойиҳаларнинг амалга оширилиши бўйича **4-invest (asosiy)** “Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида”ги статистика ҳисоботи шаклининг 7 боби **ҳар чоракда** акс эттириб борадилар.

Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги кўрсаткичларни тўлиқ қамровда шакллантириш мақсадида Давлат статистика кўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган Ўзбекистон Республикасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ҳисобга олишнинг такомиллаштирилган Тартибига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тақдим этилган **кўшимча** инвестиция лойиҳалари ижроси бўйича ҳам юқорида келтирилган **4-invest (asosiy)** статистика ҳисоботи тақдим этилади.

Ўзлаштирилган инвестициялар ва кредитлар бўйича:

Дастурлар доирасидаги хорижий инвестиция ва кредитлар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар бўйича асосий тушунча ва таърифлар олдинги мавзуларда келтирилганлари билан тўлиқ мос келади.

ПҚ-459 га асосан хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари иккига ажратилади:

- **Тармоқ лойиҳалари** – республика аҳамиятидаги асосан вазирлик ва идоралар ташаббуси билан амалга ошириладиган лойиҳалар;

- **Худудий лойиҳалар** – худудий ҳокимликлар ташаббускорлиги асосида амалга ошириладиган лойиҳалар.

Бу дастурда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган хорижий кредитлар ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳлари катта улушни ташкил қилади.

Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳаққонийлигини таъминлаш.

Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажмининг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда Марказий банки маълумотлари билан корхона ва ташкилотлар кесимида таққослаш ишлари ўтказилади.

Мазкур ҳолатда, янги, яъни охириг икки йил давомида ташкил этилган корхона ва ташкилотлар томонидан ўзлаштирилган инвестициялар, корхонанинг устав капиталига хориждан пул кўринишида кириб келган бўлса, Марказий банк маълумотларида, моддий активлар кўринишида кириб келган бўлса, Давлат божхона қўмитаси маълумотларида акс эттирилганлиги текширилади.

Йиллар мобайнида фаолият юритиб келаётган хорижий капитал иштирокидаги йирик корхона ва ташкилотлар бўйича, Марказий банк ва Давлат божхона қўмитаси маълумотларида тегишли кўрсаткичлар бўлмаса, статистика ҳисоботи асосида реинвестициялар акс эттирилганлиги текширилади. Кичик тадбиркорлик субъектлари бўйича реинвестициялар йиллик статистика ҳисоботи асосида аниқланади.

4-invest (asosiy) статистика ҳисоботида акс эттирилган асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги кўрсаткичлар, кириб келган хорижий инвестициялар акс эттириладиган 4-invest (хорijiy) shakli (чораклик) “Ўзбекистон Республикасига чет элдан киритилган инвестициялар ва Ўзбекистон Республикасидан чет элга йўналтирилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот”ида акс эттирилган кўрсаткичлар билан *солиштирилади*. Бунда 4-invest (asosiy) ҳисоботи бўйича ўзлаштирилган инвестициялар, жорий ҳисобот даврида ҳисобот тақдим этган корхона капиталига хориждан келиб тушган бўлса, 4-invest (хорijiy) ҳисоботида акс эттирилганлиги текширилади.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар кўрсаткичини ҳисоботларда тўғри акс эттириш

Қурилиш, монтаж, лойиҳа-қидирув ишлари бўйича харажатлар амалда бажарилган ишлар(ишлаб чиқарилган) ҳажмига кўшилади (тўлов муддатидан қатъий назар). Машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, инвентарларга кетадиган харажатлар, белгиланган манзилга келганида ва буюртмачи (қабул қилувчи) томонидан кирим қилингандан кейин амалда сотиб олинган нархларда (божхона тўловлари, воситачи ташкилотларнинг кўрсатган хизмат ҳақи, транспорт ва тайёрлов омбор харажатларини қўшган ҳолда), чет эл ускуналари импорт қилинган ҳолатда эса – мулкдор ўзгарган вақтдан сўнг (шартномага асосан) кўрсатилади.

Масалан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қурилган бинолар, машина ва ускуналар. Бунда қайта сотиш учун олинган машина ва ускуналар инвестициялар таркибига **киритилмайди**.

Узоқ циклли ишлаб чиқаришни, ҳамда ишлаб чиқарувчилар томонидан оралиқ ҳисоб ишларини талаб қиладиган асбоб ускуналар учун тўлов шакли буюртмачи томонидан асбоб-ускуна қисмларининг тайёр бўлганлик даражаси тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади.

Масалан, иссиқлик элетр станциялари учун қозонларнинг ҳажми катта бўлганлиги сабабли, уларни тайёр бўлган ва ҳақи тўланган қисми бўйича маълумотлар акс эттириб борилади.

Агар лойиҳа бир қанча инвестор ва кредиторлар иштирокида амалга оширилса, у ҳолда инвестицияларни ўзлаштириш бўйича маълумотлар ҳар бири учун алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

Ҳисобот давридаги ўзлаштирилган инвестицияларга қурилиш монтаж ишлари, ишлаб чиқарилаётган ва йўлда келаётган асбоб-ускуналар учун олдиндан тўлов қилиш харажатлари, ҳамда бошқа аванс тўловлари **киритилмайди**.

Лойиҳалар қуйидаги молиялаштириш манбалари орқали амалга оширилади:

Республика бюджети, Ташкилот ўз маблағи, банк кредитлари, Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализатсия тизимларини ривожлантириш жамғармаси - ушбу молиялаштириш манбалари миллий валютада, **минг сўмда** тўлдирилади.

Тикланиш ва тараққиёт фонди, Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари, Бошқа чет эл инвестициялари, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги чет эл кредитлари, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бўлмаган чет эл кредитлари – ушбу молиялаштириш манбалари **минг АҚШ долларид**а акс эттирилади.

***Муҳим:** Молиялаштириш манбаи коди қайси мамлакатнинг пудратчиси ёки сотиб олинаётган машина ва ускуналарнинг қайси хорижий давлатдан олиншидан қатъий назар, пудратчига ёки машина ва ускуна етказиб беривчига тўлов маблағининг кимга тегишлилигидан келиб чиқиб белгиланади.*

Амалдаги статистик кузатув шаклларида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, "Ўзстандарт" Агентлигининг 2015 йил 19 январидagi 05-612-сонли қарори билан тасдиқланган ва амалга киритилган "Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (маҳсулот, иш, ҳизмат) статистик таснифлагичи (МСТ)"га мувофиқ қўлланилади.

***Муҳим:** Иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимлаш асосий фондларни йўналтирилганлигидан, яъни улар фойдаланиладиган иқтисодий фаолият соҳасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.*

Масалан, мактаб қурилиши таълим фаолият турига, касалхона қурилиш соғлиқни сақлаш фаолият турига киритилади.

Агар инвестиция киритиш лойиҳаси икки ва ундан ортиқ ҳудудга эга бўлса, у ҳолда ҳар бир ҳудуд бўйича маълумотлар алоҳида сатрларда ажратилиб кўрсатилади.

***Муҳим:** Инвестиция ҳудуди инвестиция объекти жойлашган ҳудуд бўйича акс эттирилади (буюртмачи жойлашга ҳудуд бўйича эмас.*

Истисно сифатида ушбу ҳисобот турида асосий капиталга бошқа ташкилот балансида бўлган мол-мулкнинг харид қиймати қўшилади, шунингдек ўзлаштирилиши бўйича активларга эгалик ҳуқуқи ўтган санадан бошлаб, ҳисобот давридаги харид тўловининг миқдори кўрсатилади.

Қурилиш объекти бир нечта ташкилот (ташкилот)лар томонидан амалга оширилганда, шу объект инвестицияси улушидаги иштироки бўйича белгиланган тартибда ташкилотлардан бири – титул эгаси (бош қурувчи)га берилади ва у объект бўйича маълумот бутунлигича ва умумий асосда ҳисоботда акс эттирилади. Инвестицияларни бош қурувчига ўтказган ҳиссадор ташкилотлар ушбу инвестицияларни ҳисоботда **акс эттирмайдилар**.

Масалан, одатда вазирлик ва иоралар буюртмачилигида амалга ошириладиган лойиҳаларда буюртмачи номидан иш юритувчи лойиҳаларни бошқариш гуруҳлари ташкил этилади. Инвестиция жараёни ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлганликлари учун статистика ҳисоботини мазкур лойиҳа бошқаруви гуруҳлари тақдим этадилар. Буюртмачи вазирлик ёки идора эса мазкур лойиҳа бўйича маълумотларни ҳисоботларда акс эттирмайдилар.

Машина ва ускуналарга инвестициялар таркибига қуйидагилар киради: қурилиш сметасига киритилмаган машина ва ускуналар қиймати, шунингдек, йиғма – қисмларга бўлинадиган ва кўчма инвентарь бинолар ҳамда устахоналар; ташкилотлар учун харид қилинадиган автомобиллар, компьютерлар, ҳисоблаш ускуналари, касса аппаратлари ва бошқа асбоб-ускуналар қиймати. Шунингдек, корхона балансида “Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар” ҳисобидаги машина ва асбоб-ускуналарнинг қиймати ҳам кўрсатилади.

Машина ва ускуналарга инвестицияларга қуйидагилар **кирмайди**: олиб сотиш мақсадида харид қилинган машина, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари ва ускуналар; бино қийматига киритилувчи санитар-техника ва бошқа ускуналар; ишга тушириш харажатлари: янги ишлаб чиқаришни, цех ва агрегатларни, барча машина ва механизмлар (босим остида, лойиҳада кўзда тутилган, синов йўли билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар)ни комплекс қайта текшириш орқали тайёргарлик даражасини назорат қилиш бўйича харажатлар.

Асосий капиталга бўлмаган бошқа йўналишларда ўзлаштирилган инвестициялар таркибига ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар; айланма маблағлар; капитал таъмирлаш; шунингдек лойиҳада кўзда тутилган ва асосий капиталга киритилган инвестицияларга тегишли бўлмаган бошқа харажатлар кўрсатилади.

Масалан, завод ташкил қилиш учун ажратилган маблағнинг машина ва ускуна сотиб олишга, қурилиш ишларига харажатлари асосий капиталга киритилса, айланма маблағга ажратилган маблағ қисми асосий капиталга бўлмаган бошқа йўналишларга инвестициялар таркибиде акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ва уни шакллантириш асослари

Маҳаллий саноатни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат занжирини яратиш, ички ва ташқи бозорларда харидоргир саноат маҳсулотларини **ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш** бевосита республикада саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш ва ҳисобот тизимини юритишдаги ишлар самарадорлиги билан боғлиқ.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантиришда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

импортни мақбуллаштириш - импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш ҳамда импортни тариф, нотариф бошқариш ва бошқа чоралар билан тартибга солиш орқали товарлар (ишлар, хизматлар) импортини мақбуллаштириш;

лойиха ташаббускорлари - импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар;

маҳаллийлаштириш дастури - тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган чора-тадбирлар дастури;

маҳаллийлаштириш жараёни - импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқ жараён.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 декабрдаги 1009-сон қарори билан “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш ва ҳисобот тизимини юритиш ҳамда ушбу жараёнда давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ” тасдиқланган.

Мазкур Низом изом саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш ва ҳисобот тизимини юритиш ҳамда ушбу жараёнда давлат бошқаруви органлари ва лойиҳа ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-99 сон қарори билан ташқи савдо, инвестициялар,

маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тасдиқланган.

Мазкур қарор билан Ҳукумат комиссиясига **маҳаллийлаштириш дастури** дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги лойиҳа таклифлари рўйхатини янгилаб бориш ҳуқуқи берилган.

Маҳаллийлаштириш жараёни иштирокчилари ва уларнинг вазифалари

Лойиҳа ташаббускори:

худудий ва тармоқ маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан таклифларни тегишли равишда ишчи гуруҳ ҳамда тармоқ фаолиятини мувофиқлаштирувчи вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмасига тақдим этади;

тармоқ корхоналари томонидан маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар сифати ҳамда техник параметрларига нисбатан белгиланадиган унификацияланган талабларни ишлаб чиқади ва «Ўзстандарт» агентлиги билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

тасдиқланган унификацияланган талабларнинг порталда доимий жойлаштирилишини ва тизимли равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

маҳаллий маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича дастур ва концепциялар ишлаб чиқишда иштирок этади;

маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга оширишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ва ҳажмлари, кооперация алоқалари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, маҳаллийлаштириш жараёнида юзага келаётган муаммоли масалаларни доимий равишда ишчи гуруҳ ва ваколатли органга киритиб боради;

маҳаллийлаштириш лойиҳасини самарали ва ўз вақтида амалга оширади ҳамда белгиланган кўрсаткичларга эришишни таъминлайди.

Дастур бажарилиши доирасида Статистика агентлиги қуйидаги вазифаларни амалга ошириши белгиланган:

ТИФ ТНнинг подсубпозиция даражасидаги товарлар тўғрисида (ишлар, хизматлар), уларнинг импорти ва экспорти тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой якуни бўйича Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига киритиб бориш;

маҳаллийлаштириш дастурига киритилган (шу жумладан дастурга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда) корхоналарнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари ҳамда яратилган иш ўринлари тўғрисида вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари кесимида тасдиқланган ҳисобот шаклидаги маълумотларни шакллантириб бориш;

йирик корхоналар, хорижий ва қўшма корхоналар томонидан республикада ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) номи, ҳажми

ва ишлаб чиқариш қувватлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича тегишли вазирлик ва идораларга киритиб бориш.

Ўз ўрнида дастурнинг амалга оширилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги ишларни амалга оширади:

тармоқ ва ҳудудий корхоналарда мавжуд хом ашё базаси ва ишлаб чиқариш салоҳиятини инобатга олган ҳолда, аниқ ва мақсадли кўрсаткичлар асосида маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтиришни назарда тутувчи дастурларни тасдиқлайди;

товарлар импортига тариф ва нотариф чораларни қўллаш, божхона имтиёзлари, шу жумладан республикада ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган маҳсулотлар импорти учун мавжуд бўлган божхона имтиёзларининг таҳлили асосида уларни мақбуллаштириш бўйича тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб боради;

республикада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижадорлиги ва самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар масъулларини рағбатлантиради ёки уларга нисбатан таъсирчан чораларни қўллайди;

маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича республика миқёсида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотни ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб боради.

Маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш тартиби

Лойиҳалар маҳаллийлаштириш дастурига уларнинг кўрсаткичлари қуйидаги мезонларга жавоб берган ҳолда киритилади:

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг республика ҳудудига доимий равишда, катта миқдорда импорт қилиниши;

маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ва мавжуд хом ашё базаси негизида қўшилган қиймат занжирини яратиш имкониятининг мавжудлиги;

тармоқ ва ҳудудий корхоналарда мавжуд технологик ускуналарнинг тез ишдан чиқувчи бутловчи буюмлари, эҳтиёт қисмлари ва материалларини ишлаб чиқаришга қаратилганлиги;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг маҳаллийлаштириш даражаси камида 36 фоиз бўлиши;

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотга ички ва ташқи бозорда етарли даражада талабнинг мавжудлиги;

ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мавжудлиги, айниқса, бўш бино ва кичик саноат зоналаридаги мавжуд инфратузилмадан фойдаланилиши;

йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация алоқалари йўлга қўйилганлиги.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар ташаббускорлари ўз лойиҳалари доирасида истиқболли режа-кўрсаткичларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда муаммоли масалалар юзасидан ваколатли органга таклиф киритиши мумкин.

Маҳаллийлаштириш дастури амалаги оширилиши бўйича маълумотларни шакллантириш

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши юзасидан маълумотлар амалдаги **4 sanoat (mahalliyashtirish) – чораклик** ҳисоботи асосида амалга оширилади (1-жадвал).

Мисол учун: 2023 йил учун статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш юзасидан Статистика агентлигининг 2022 йил 16 ноябрдаги “Статистика ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-тв-сон қарори Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 декабрда 3401-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

1-жадвал

Статистикаси ҳисоботи шакли

Т/р	Ҳисоботи шакли номи	Даврийлиги	Ҳисобот шакли номи
1	4 sanoat (mahalliyashtirish)	чораклик	Маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чора-тадбирини амалга ошириш тўғрисида ҳисобот

Ҳисобот шаклини тақдим этувчилар бевосита дастурга киритилган лойиҳа иштирокчилари асосида шакллантирилади.

Ҳисобот шакли маълумотлари қуйидаги 2 та асосий бобдан иборат:

- 1-боб. Маҳсулотни ишлаб чиқариш;

- 2-боб. Маҳсулотни сотиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган “2023 йил учун Статистика дастури”га мувофиқ **“Маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги маълумот”**лар чораклик даврийликда бюллетень кўринишида чоп этилади ва белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этиб борилади.

НАЗОРAT ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Импортни мақбуллаштириш тушунчасига таъриф беринг.
2. Лойиҳа ташаббускорлари тушунчасига таъриф беринг.
3. Маҳаллийлаштириш дастури тушунчасига таъриф беринг.
4. Маҳаллийлаштириш жараёни тушунчасига таъриф беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 декабрдаги 1009-сон қарори ҳақида гапириб беринг.
6. “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш ва ҳисобот тизимини юритиш ҳамда ушбу жараёнда давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”и ҳақида гапириб беринг.
7. 2022 йил 22 январда қабул қилинган “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг мақсад ва вазиларини гапириб беринг.
8. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси қайси қарор билан тасдиқланган.
9. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси қандай вазифаларни амалга оширади?
10. Маҳаллийлаштириш дастурининг лойиҳа ташаббускорлари қандай вазифаларни амалга оширади?
11. Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай вазифаларни амалга оширади?
12. Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши юзасидан маълумотлар амалдаги қайси ҳисобот шакли асосида амалга оширилади?
13. 4 sanoat (mahalliy lashtirish) – чораклик ҳисобот шакли нечта асосий бобдан иборат.
14. Маҳаллийлаштириш дастури амалаги оширилиши бўйича қандай статистик маълумот тайёрланади.
15. “Маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги маълумот”лар қандай даврийликда шакллантирилади.

5- МАВЗУ: ТАРМОҚЛАР ВА ҲУДУДЛАР СТАТИСТИКАСИ: СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ, УЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҲЛИЛИ

Ички ва ташқи савдо статистикаси кўрсаткичлар тизими, уларнинг шаклланиши ва таҳлили

Статистик маълумотлар жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тавсифлаш ва бошқаришнинг энг муҳим воситасидир. Ҳозирда юқори сифатли статистик маълумотлардан фойдаланмасдан давлат сиёсатида тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш имконсиз. Шулар қаторида савдо статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Савдо товар-моддий қийматларни айирбошлаш жараёни сифатида тош даврдан бери маълум. Ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам савдонинг моҳияти бу айирбошладан фойда олиш учун товар-моддий, шунингдек номоддий қадриятларни айирбошлаш ёки сотиш бўйича тақлифдир.

Савдо меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши билан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, ортиқча маҳсулотларнинг алмашинуви сифатида пайдо бўлди. Айирбошлаш дастлаб натура хусусиятга эга эди, пулнинг пайдо бўлиши билан товар-пул муносабатларини ўрнатиш учун зарур шарт-шароитлар пайдо бўлди.

Қадимги Шарқда савдо тарихи милoddан аввалги 3,5 минг йилликларга бориб тақалади. Ўша пайтда ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари қурол, кулолчилик ва тўқимачилик эди.

Масалан ўша даврда Мисрда асосан қуруқлик орқали савдо оширилган, қарвонлар қимматбаҳо буюмлар, мис, ёғочлар, қимматбаҳо тошлар олиб келишган. Шарқ савдогарлари улкан чодирларда молларини сотувга кўйишган.

Қадимги Шарқ савдоси Финикияликлар (ҳозирги Ливан) билан ривожланишнинг янги босқичига кирди – у денгизчиликка айланди. Энди кемалар маҳаллий молларни – ёғоч, металл ва меваларни олиб кетиб, қайтишда ғалла, вино, мой маҳсулотлари, хом ашё, чорва моллари ва бошқаларни олиб қайтарди. Товарлар кўпинча портларда, кемаларнинг ўзида савдоси оширилган.

Савдо тарихий жараённинг энг кучли омилларидан биридир. Тарихда шундай давр йўқки, у ижтимоий ҳаётга у ёки бу даражада таъсир қилмаган бўларди.

Агар томонлар ўртасида пул эквивалентларига мурожаат қилмасдан товарлар ва хизматлар ўтказилса, савдо айирбошлаш (ёки бартер) характерида эга бўлиши мумкин. Агар савдода пул ёки унинг ўрнини босувчи воситалар қўлланилса, савдо битими деб аталади.

Географик жиҳатдан савдо ички ва ташқи турларга бўлинади. Ташқи савдо мамлакатлар ўртасидаги савдо (халқаро савдо) бўлиб, импорт, экспорт ва транзитга бўлинади. Шунингдек, чегара зонасида қўшни давлатларнинг корхона ва ташкилотлари ҳамда жисмоний шахслар ўртасида амалга

ошириладиган трансчегаравий савдо ҳам мавжуд. Бундай савдо имтиёзли режимда ҳукуматлараро келишувлар асосида амалга оширилади.

Ички савдо бир мамлакат ҳудудида амалга оширилади ва улгуржи ҳамда чакана савдога бўлинади.

Ички савдо статистикасининг умумий кўрсаткичлари

Ички савдо статистикасининг умумий кўрсаткичлари деганда қуйида таърифи келтирилган атамалар асосида шакллантириладиган кўрсаткичларни қамраб олади:

ички савдо – юридик ва жисмоний шахсларнинг мамлакат ички бозорида товар маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ иқтисодий фаолияти. Бундай савдо икки тоифага бўлинади улгуржи ва чакана савдо.

улгуржи савдо – товарларни чакана сотувчиларга қайта сотиш (ўзгаришсиз сотиш), корпоратив мижозлар билан савдо қилиш (масалан, саноат, тижорат, институтционал ёки профессионал фойдаланувчилар) ёки бошқа улгуржи сотувчиларга қайта сотиш; бундай савдо шахслар компаниялар номидан товарларни сотиб олишда ёки уларга товарларни сотишда агентлар ёхуд брокерлар сифатида ҳаракат қилишни назарда тутди;

улгуржи товар айланмаси – қайта сотиш мақсадида сотиб олинган ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ёки ўз фойдаланиши (қайта ишлаш) учун учинчи томон ташкилотлари ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ўзгартирилмаган ҳолда жўнатилган товарларнинг қиймати, ушбу товарлар учун ҳақ тўланганлигидан ёки тўланмаганлигидан қатъий назар;

чакана савдо – товарларни сотиш каналларидан қатъий назар янги ва фойдаланилган товарларни тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз, асосан, шахсий ёки уй истеъмоли учун аҳолига қайта сотиш (доналаб ёки кичик миқдорларда). Шунингдек, консигнатция ёки комиссия асосида сотиш бўйича комитент номидан ишлайдиган агентларнинг фаолиятини ҳам ўз ичига олади;

аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси – бу чакана товар айланмасининг ўртача йиллик аҳоли сонига нисбати сифатида олинади. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини аҳоли жон бошига чакана савдо миқдори бўйича таққослама таҳлил қилганда ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси тўғрисида янада аниқроқ маълумотга эга бўламиз;

товар захираси – ҳозирги вақтда товар айланмаси жараёнида, транспортда ва омборларда, дўкон пештахталарида мавжуд бўлган маълум турдаги, навдаги товарлар миқдори. Товар сотилиши билан у истеъмол соҳасига ўтади ва товар захираси бўлмайди;

товар айланмасининг товар тузилмаси – товар айланмасининг таркиби, умумий савдода акс этадиган нисбий кўрсаткич ёрдамида солиштирма ҳажмнинг натижага фойздаги нисбати, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товарлар ва товар гуруҳлари орасидаги нисбат;

бозор – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган жойларда ва белгиланган қоидалар бўйича савдо фаолиятини амалга ошириш учун

мўлжалланган, белгиланган тартибда ана шундай мақом олган доимий ёки вақтинчалик асосда фаолият кўрсатадиган мулккий комплекс;

деҳқон (озик овқат) **бозори** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тайинланган, кенг турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг савдо расталари, савдо ўринлари, турғун савдо шохобчалари (шу жумладан, савдо павилёнлари, киоскалари)дан фойдаланган ҳолда чакана савдони ташкил этган доимий ёки вақтинча амал қилаётган мулккий комплекс.

Ички савдонинг умумий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ахборот манбаи бўлиб, статистика ҳисоботларининг бирламчи статистика маълумотлари ҳамда танланма кузатувлардан олинган савдо фаолияти билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар маълумотлари ҳисобланади. Бунда:

- йилда бир марта, йирик савдо ташкилотларининг статистика ҳисоботлари, кичик корхоналар ва микрофирмалар, нотижорат ташкилотларнинг соддалаштирилган ҳисоботлари маълумотлари, норасмий секторнинг савдо фаолиятини баҳолаш маълумотлари асосида шакллантирилади;

- ҳар ойда, ички савдонинг ҳажми, тезкор тартибда, йирик савдо ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмалар, нотижорат ташкилотлари ва норасмий секторнинг савдо ҳажмини баҳолаш асосида ҳисобланади.

Улгуржи ва чакана савдо ташкилотининг савдо айланмаси, бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳам агар улар томонидан сотиб олинган товарларни (шу жумладан, айирбошлаш шартномасига мувофиқ олинган) ёки ўзлари ишлаб чиқарган товарларни савдо муассасаларида сотиш, ёки касса орқали тўланса, ички савдо тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

Ички савдо статистикасини ҳисобга олиш доирасига улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш киради.

Статистика кузатувларини ўтказиш мақсадида товарларни амалдаги нархларда сотиш ҳажми, шу жумладан савдо маржаси, ҚҚС, акциз солиғи ҳамда шунга ўхшаш мажбурий тўловларни қўшган ҳолда келтирилади.

Ички савдо статистикаси Иқтисодий фаолият турларининг миллий таснифлагичи (кейинги ўринларда – ИФУТ-2) G -бўлимига тегишли (Улгуржи ва чакана савдо; автотранспорт воситалари ва мототциклларни таъмирлаш) таркибий бўлинмаларнинг хусусиятларини ва фаолиятини ифодалайди ва уларнинг ҳажми, ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъий назар акс эттиради.

Ички савдо товар айланмасининг умумий ҳажми таркиби

Савдо фаолиятининг статистика кузатувлари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) асосий фаолияти савдо бўлган юридик шахслар савдо фаолиятини стационар харид қилиш объектлари орқали (эгаллик қилиш ёки ижарага олинган) амалга ошираётганлар;

б) асосий фаолияти савдо бўлмаган юридик шахслар, лекин четдан сотиб олган ёки ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўз балансида мавжуд савдо объектлари ёки ижарага олган савдо объектлари орқали савдо фаолиятини амалга ошираётганлар;


в) деҳқон (озик-овқат), кийим-кечак ва ихтисослаштирилган бозорлар (савдо мажмуалари), махсус мўлжалланган жойларда ва бошқа савдо жойларида савдо фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлардан (жисмоний шахслардан).

Ҳар ойлик савдо товар айланмасининг ҳажми, тезкор тарзда, йирик тижорат ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари, бошқа юридик шахслар, (савдо фаолиятини олиб боровчи кичик корхоналар ва микрофирмалар) якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлар ва деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган, чорва моллари бозорларида парранда ва чорва моллари савдоси билан шуғулланадиган шахсларнинг ойлик танланма статистика кузатувлари асосида шакллантирилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг чакана товар ҳажмларини танланма кузатувларини ўтказиш орқали баҳоланади.

Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувларини ўтказиш Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 22 февралдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган “Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувларини ўтказиш тартиби”га мувофиқ амалга оширилади.

Ички савдо товар айланмасининг умумий ҳажмини шакллантиришда турли хил ҳисобот, кузатув маълумотларидан фойдаланилади (1-расм).



1-расм. Ички савдо товар айланмасининг умумий ҳажмларини шакллантириш манбалари

Жисмоний шахсларнинг савдо ҳажмларини ҳисоблашда агентлик томонидан ўрнатилган якка тартибдаги тадбиркорлар сони бўйича сўровнома кузатуви, солиқ органлари маълумотлари бўйича, ҳисобот даврида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

Ички савдо статистикасининг умумий кўрсаткичларини шакллантириш тартиби

Савдо статистикасининг умумий кўрсаткичларидан бири бу савдонинг умумий товар айланмаси ҳажми ва унинг физик ҳажм индексидир.

Савдо товар айланмасининг умумий ҳажми юқорида келтирилганидек тижорат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари), кичик корхоналар ва микрофирмалар, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлар, деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган ҳамда чорва моллари бозорларида парранда ва чорва моллари савдоси билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг ойлик танланма статистика кузатув натижаси асосида шакллантирилади.

Ички савдо статистика ҳисобини юритиш, улгуржи ва чакана товар айланмаси ҳамда товар захиралари статистика маълумотларини шакллантириш ҳамда баҳолаш, Статистика агентлигининг 2022 йил 28 сентябрдаги 34-сон қарори билан тасдиқланган “Ички савдо статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича услубий низом”га мувофиқ амалга оширилади.

Улгуржи ва чакана савдо айланмаси ҳажми динамикасини таҳлил қилишнинг асосий усули индекс усули ҳисобланади. Бу ерда 3 та индекс кўлланилади:

- а) жорий нархлардаги товар айланмаси ҳажмининг қиймат индекси;
- б) солиштирма нархлардаги товар айланмаси жисмоний ҳажм индекси;
- в) аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси.

Жорий нархлардаги товар айланмаси ҳажми қиймат индекси товар айланмаси ҳажмининг нарх омиллари таъсирида ўзгариши ва савдо сонларига боғлиқ равишда ўзгаришини характерлайди ва ҳисобот йилининг товар айланмаси ҳажми базис даври товар айланмаси ҳажмига нисбати ҳисобланади: $I_p = Q_1 \div Q_0 \times 100$. Бунда, I_p - жорий нархлардаги товар айланмаси қиймат ҳажми индекси, Q_1 - ҳисобот даври товар айланмаси ҳажми, Q_0 - базис даври товар айланмаси ҳажми.

Товар айланмаси ҳажми ўзгаришининг таққосланадиган динамикаси товар айланмасининг жисмоний ҳажми индекси билан тавсифланади. Товар айланмасининг жисмоний ҳажми индекси нархларнинг ўзгариши таъсирини ҳисобга олмаганда, товар айланмасининг фақат жисмоний ҳажми ўзгариши натижасида қандай ўзгаришини кўрсатади.

Товар айланмаси жисмоний ҳажми индексини ҳисоблаш учун ҳисобот даври товар айланмаси ва базис даврларнинг ҳажми ягона нархларда, одатда базис давр нархларига келтирилади: $Q_0 = Q_1 \div I \times 100$. Бунда, Q_0 - базис даври нархларидаги ҳисобот йилининг товар айланмаси ҳажми, Q_1 - ҳисобот даври товар айланмаси ҳажми, I - йил бошидан жорий давр учун истеъмол

нархлари индексининг (ИНИ) ўтган йилнинг мос даврига нисбати фоиз ҳисобида.

1-жадвал

Ички савдо товар айланмасининг индексини аниқлаш (шартли мисол)

	2021 йил (млрд .сўм)	2022 йил (млрд .сўм)	Истеъмол нархлари индекси	2022 йил (базис даври нархларида, млрд.сўм)	Ҳисобот йили учун товар айланмасининг физик ҳажми индекси
А	Б	В	Г	Д	Е
				$Д=В÷Г×100$	$Е=Д÷Б×100$
Товар айланмаси	10 000	12 000	112,2	10 695	107,0

Ташқи савдо статистикасининг умумий кўрсаткичлари

Ташқи савдо статистикасининг умумий кўрсаткичлари деганда қуйида таърифи келтирилган атамалар асосида шакллантириладиган кўрсаткичларни камраб олади:

ташқи савдо айланмаси – муайян давр учун мамлакат экспорти ва импорти қийматининг миқдори;

товарлар экспорти- маълум бир мамлакатнинг иқтисодий ҳудудидан олиб чиқилган товарлар натижасида, ушбу мамлакат резидентларининг моддий ресурслари камайиши;

товарлар импорти - маълум бир мамлакатнинг иқтисодий ҳудудига олиб киритилган товарлар натижасида, ушбу мамлакат резидентларининг моддий ресурслари кўпайиши;

реимпорт – бошқа давлатларда қайта ишланмаган маҳаллий маҳсулотларимизни хориждан импорт қилиш, сотиб олиш.

реэкспорт – реэкспорт қилинадиган давлатда аввал хориждан келтирилган, аммо қайта ишланмаган маҳсулотларни экспортга чиқарилиши;

ташқи савдо баланси - маълум бир даврда битта мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи билан савдо қилишда бир мамлакатнинг экспорт ва импорт қиймати ўртасидаги нисбатни англатади. Агар экспортнинг қиймати импорт қийматидан ошса, ташқи савдо баланси мусбат ҳисобланади ва бу нисбат тесқари бўлса манфий ҳисобланади;

товарларнинг статистик қиймати – шартнома валютасига қарамасдан, базис нархига келтирилган контрактдаги товарлар қиймати;

хизматлар экспорти – Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан чет эллик юридик ва жисмоний шахслар учун, уларни бажариш (кўрсатиш) жойидан қатъий назар, бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар);

хизматлар импорти – чет эллик юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари учун, уларни бажариш (кўрсатиш) жойидан қатъий назар, бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар);

резидентлар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган

юримдик шахслар, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги, дипломатик мақомдан фойдаланувчи дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг хўжалик ёки бошқа турдаги тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган чет элдаги ваколатхоналари;

норезидентлар – чет элда доимий яшаш ҳуқуқига эга шахслар, чет давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган ва рўйхатга олинган юримдик шахслар, чет элда жойлашган дипломатия, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналар, имтиёзга эга бўлган халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек бошқа ташкилот ва фирмаларнинг ваколатхоналари бўлмаган иқтисодий ва бошқа тижорат фаолияти.

Хизматларни кўрсатиш вақти уларнинг норезидентга кўрсатилган (экспорт қилинган) ёки норезидентдан ҳисоб-китоб асосида қабул қилинган (импорт қилиш) санаси (берилган счёт-фактуралар бўйича) яъни, корхонанинг бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида оператцияларни акс этириш вақти. Кўпинча бундай оператцияларни рўйхатдан ўтказиш санаси хизматларни ишлаб чиқариш вақтига тўғри келади ва уларнинг таъминоти шу вақтда ҳисобга олиниши керак, тўлови эмас.

Товарларнинг ташқи савдо статистикаси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш (импорт) ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш (экспорт) натижасида мамлакат материал ресурслари захираларига кўшиладиган ёки улардан айириб ташланадиган товарлар ҳисобини ташқи савдо умумий ҳисоб тизими асосида юритади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси мамлакатнинг статистик ҳудудининг статистик чегараси ҳисобланади.

Ташқи савдо статистикасига транзит товарлар, мамлакатга вақтинча олиб кирилган ёки вақтинча ундан олиб чиқилган товарлар (бир йилдан ортиқ муддатга ижарага олинган ва ички ёки ташқи қайта ишлаш учун мўлжалланган товарлар бундан мустасно), чунки улар мамлакат материал ресурслари захираларини тўлдирмайди ва камайтирмайди.

Ўзбекистон ташқи савдо статистикасида шерик мамлакатлар кўйидагилар:

олиб киришда (импорт) - товарлар келиб чиққан мамлакат, агар келиб чиққан мамлакат ноаниқ бўлса, жўнатиб юборган мамлакат;

олиб чиқишда (экспорт) - товарлар юбориладиган мамлакат.

Товарларни кодлаш ва таснифлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги 460-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси” (ЎЗР ТИФ ТН 2022 йил версияси)дан фойдаланилади. Ушбу классификатор ҳар беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНси ўн рақамли коди кўйидагича шаклланган:

- биринчи олти рақам товарларни таърифлаш ва кодлашнинг уйғун системасига тўлиқ мос келади;

- худди ўша олти рақам унга қўшимча еттинчи ва саккизинчи рақамлар товарларни таърифлаш ва кодлаш Европа уюшмасининг комбинациялашаган номенклатурасига мос келади;

- тўққизинчи рақам МДХ (МДХ ТИФ ТН)га товарлар ҳақида тўлиқ маълумот беришга мўлжалланган;

- ўнинчи рақам Ўзбекистон Республикаси учун товарлар ҳақида тўлиқ маълумот беришга мўлжалланган.

Ташқи савдо товар айланмасининг умумий ҳажми таркиби ва умумий кўрсаткичларини шакллантириш тартиби

Ташқи савдо фаолиятининг статистика кузатувлари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) Божхона қўмитаси томонидан божхона декларациялари маълумотлари асосида шакллантирилган товарлар ташқи савдоси бўйича статистик маълумотлар;


б) божхона декларациясида ва божхона статистикаси томонидан ҳисобга олинмайдиган, эгалик ҳуқуқи резидентдан норезидентга ўтган ёки аксинча бўлган товарлар экспорт-импорти ҳажми тўғрисидаги Статистика агентлигининг махсус статистик кузатувлар тармоғи маълумотлари;

в) Статистика агентлиги томонидан статистика ҳисоботи ва махсус кузатувлар асосида амалга оширилган хизматлар экспорт-импорти маълумотлари. Туризм бўйича экспорт ва импорт маълумотлар, кириш ва чиқишга оид туризм бўйича туристларнинг харажатлари кузатуви натижаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади;

г) қимматбаҳо металллар яъни, номонетар олтин, кумуш, палладий ва ҳ.к. ташқи савдо маълумотлари.

Ҳар ойлик ташқи савдо товар айланмасининг ҳажми, тезкор тарзда, Божхона қўмитасининг божхона статистикаси маълумотлари ва Статистика агентлигининг ҳисоботлари маълумотлари ташқи савдоси статистикаси шаклланишининг дастлабки маълумотлари бўлиб ҳисобланади.

Ташқи савдо товар айланмасининг умумий ҳажмини шакллантиришда турли манбаа, ҳисобот ва кузатув маълумотларидан фойдаланилади (2-расм).



2-расм. Ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмларини шакллантириш манбалари

Хизматлар соҳаси статистик кўрсаткичлар тизими, уларнинг шаклланиши ва таҳлили

Инсониятнинг иқтисодий тараққиёти тарихидан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигидан саноатга, саноатдан хизмат кўрсатиш иқтисодиётига ўтиш муайян мамлакат, ҳатто бутун дунё учун табиий ва муқаррар жараёндир.

XVIII аср ўрталари ва XIX асргача иқтисодий жамиятда қишлоқ хўжалиги ҳукмронлик қилган. 1860 йилларда Буюк Британияда пайдо бўлган, сўнгра Франция, Германия ва бошқа Европа мамлакатларида такрорланиб, XIX асрда АҚШ ва Японияга ёйилган саноат инқилоби саноатлаштиришнинг янги даврини бошлаб берди. XX асрнинг ўрталарига келиб АҚШ “хизмат кўрсатиш иқтисодиёти”га ўтган биринчи давлат бўлди. Шу даврдан бошлаб ривожланган мамлакатлар ҳам хизмат кўрсатиш иқтисодиётига ўтишди.

Хизмат кўрсатиш кенг тарқалган фаолият бўлиб деярли барча аҳоли ушбу фаолиятни амалга оширади. Энг оддий хизматлар - кундалик ҳаётда кимгадир ёрдам бериш, фойдали маълумот билан таъминлаш - махсус билим ва тайёргарликни талаб қилмайди. Бироқ, қадим даврда махсус билим, касбий маҳорат ва тегишли жиҳозларни талаб қиладиган мураккаб, баъзан қиммат хизматларни профессионал даражада кўрсатадиган одамлар ва ташкилотлар мавжуд эди. XX-асрда хизмат кўрсатиш инсон фаолиятининг кенг кўламли соҳасига айланди.

Сўнги йилларда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) глобал таркибида ҳам, турли мамлакатлар иқтисодиётида ҳам салмоқли улушни эгаллайди. **Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2021 йилда дунё ЯИМда хизматлар соҳасининг қўшилган қиймати 62,24 триллион АҚШ долларини ташкил этди ва бу ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 64,0 фоизини ташкил этди.**

Асосий тушунча ва кўрсаткичлар

Хизматлар бу- истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ҳолатини ўзгартирувчи ёки товарлар, хизматлар ёки молиявий активлар билан айирбошлашига кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Хизматнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, хизматни бажариш ва уни истеъмол қилиш даврининг бир хил вақтга тўғри келиши ҳисобланади.

Агар биз уни моддий ишлаб чиқариш билан таққосласак, унда хизмат кўрсатиш фаолияти бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, товарлардан фарқли ўлароқ, хизматлар асосан бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади ҳамда узок муддат сақланмайди. Иккинчидан, гарчи саноатда ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотни сотишдан кейин унга хизмат кўрсатиш ва товарларни сотиш билан боғлиқ бошқа хизматларни ўз ичига олиши мумкин бўлган хизматнинг роли ортиб бораётган бўлса-да, хизматлар кўпинча маҳсулотлар билан таққосланади.

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

Маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи “Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми” статистик кўрсаткичи, истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

Бозор учун ишлаб чиқарилган хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми бу – мамлакатда маълум бир даврда кўрсатилган барча хизматларнинг бозор қийматини, ўртача бир кишига (аҳоли жон бошига) акс эттирувчи кўрсаткичдир. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Хорижий давлатларда ва Ўзбекистонда хизматлар ҳисоби

Хизматлар сектори ҳар қандай замонавий иқтисодиётнинг муҳим қисмидир, бу иқтисодий ўсиш ва ривожланишга ҳисса қўшадиган кенг кўламли фаолиятни таъминлайди. Дунёнинг барча мамлакатлари томонидан хизматлар соҳасини ҳисобини олишга тегишли турли таснифлагичларни ишлаб чиққан бўлиб, айрим тоифалар маълум ҳудудлар учун хосдир. Мамлакатлар ўртасида хизматларнинг таснифлагичи уларнинг айримларида бошқаларга нисбатан батафсилроқ бўлинишлари мавжудлиги билан фарқланади. Масалан, Европа иқтисодий ҳамжамиятида 21 гуруҳ ва 88 бўлимдан иборат NACE-2 (Statistical Classification of Economic Activities in the European Community, Rev. 2.) номи остида Иқтисодий фаолият турларининг статистик таснифи қўлланилади.

Хизмат кўрсатиш секторининг таснифлагичи умумий жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, қўлланиладиган тоифаларда баъзи фарқлар мавжуд. Бундан ташқари, ҳар бир мамлакатнинг маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш усуллари турлича бўлиб, натижада олинган статистик маълумотларнинг фарқланишига олиб келиши мумкин, хизматлар сектори кўрсаткичлари бўйича мамлакатларни таққослашда бу жиҳат эътиборга олиниши керак.

МДҲ мамлакатлари, хусусан, Қозоғистонда хизматлар статистикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумий таснифлагичи (ИФУТ) билан келишилган хизматларнинг статистик классификаторига мувофиқ, уларнинг 25 турини ўз ичига олади. Россия Федерацияси, Беларус Республикаси, Молдова Республикаси, Озарбайжон ва Тожикистонда хизматлар статистикаси аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар бўйича юритилади.

Ўзбекистон Республикасида тармоқлар таснифлагичининг белгиланган халқаро стандартлари ва ЯИМ тузилмасини ҳисоблашнинг

дунёда умумэътироф этилган методикаси жорий қилинган бўлиб, хизматларнинг асосий турларини гуруҳлаш Иқтисодий фаолиятнинг умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ, 2-таҳрирнинг G дан S гача бўлган бўлимлари) билан боғланган ҳолда “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 19 январдаги 05-612-сон қарори билан тасдиқланган иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) статистик таснифлагичи (МСТ)га мувофиқлаштирилган.

Кўрсатилган бозор хизмалари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот турлари бўйича шакллантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (O'zDSt 2914:2014) кодларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Буларга:

G – улгуржи ва чакана савдо бўйича хизматлар; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматлар;

H – ташиш ва сақлаш бўйича хизматлар;

I – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар;

J – ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар;

K – молиявий хизматлар ва суғурталаш бўйича хизматлар;

L – кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар;

M – профессионал, илмий ва техник хизматлар;

N – маъмурий ва ёрдамчи хизматлар;

O – давлат бошқаруви ва мудофаа соҳасида хизматлар; мажбурий ижтимоий таъминот бўйича хизматлар;

P – таълим соҳасидаги хизматлар;

Q – соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ва ижтимоий хизматлар;

R – санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасидаги хизматлар;

S – бошқа хизматлар секциялари киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сон қарорига кўра “Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларда мақсадли параметрлари” тасдиқланган бўлиб ушбу параметрга куйидаги **14 та асосий хизмат турларидан** иборат:

I. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари

II. Молиявий хизматлар

III. Транспорт хизматлари

шу жумладан автотранспорт хизмати

IV. Яшаш ва овқатланиш хизматлари

V. Савдо хизматлари

VI. Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар

VII. Таълим соҳасидаги хизматлар

VIII. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар

IX. Ижара хизматлари

- X. Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар
- XI. Шахсий хизматлар
- XII. Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар
- XIII. Бошқа хизматлар

Хизматлар соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисоблани 2022 йил якунларига кўра хизматлар соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотининг **41,5 фоизини** ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматлари таркибида **савдо хизматлари** (жами хизматлар ҳажмидаги улуши **24,5 %**), **транспорт хизматлари** (**22,9 %**), **молиявий хизматлар** (**22,0 %**) ва **алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари** (**6,7 %**) салмоқли улушга эга.

Кўрсатилган бозор хизмалари ҳажмини ҳисоблаш

Кўрсатилган бозор хизмалари ҳажми ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 27 августдаги 28-сон қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби бўйича услубий Низом”га асосан амалга оширилади.

Амалдаги нархлардаги кўрсатилган хизматлар ҳажми, истеъмолчиларга (юримдик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради. Шу жумладан, бу хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юримдик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматини ўз ичига олади.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми қуйидаги хизматлар фаолиятлари билан банд субъектларни ўз ичига олади:

- а) тижорат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари);
- б) нотижорат ташкилотлар;
- в) кичик корхоналар ва микрофирмалар;
- г) қишлоқ хўжалиги тармоғида хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар;
- г) хизмат кўрсатиш йўналишида банд ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар фаолияти.

Ҳар ойлик кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми, тезкор тарзда, йирик тижорат ва нотижорат ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари, бошқа юримдик шахслар (хизматлар фаолиятини олиб боровчи кичик корхоналар ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари томонидан кўрсатилган хизматларни қўшган ҳолда), яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлар ва ўзини-ўзи банд қилган жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган бозор хизматлари баҳолаш асосида шакллантирилади.

Асосий фаолият тури хизматлар соҳасига таълуқли бўлмаган ташкилотлар (фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотлари) томонидан

кўрсатилган бозор хизматлари ойлик ҳажми, ўтган йил учун аниқлаштирилган (йиллик) амалдаги маълумотлар асосида, уларнинг кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмидаги улушларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмларини ҳисоблашда Агентлик томонидан ўрнатилган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини-ўзи бан қилган жисмоний шахслар сони бўйича сўровнома кузатувининг 76 та хизмат турлари рўйхати бўйича ҳамда солиқ органлари маълумотлари асосан ҳисобот даврида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва аксизсиз, ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади.

Хизматнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, хизматни бажариш ва уни истеъмол қилиш даврининг бир хил вақтга тўғри келиши ҳисобланади.

Қуйидагилар кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмига киритилмайди:

а) қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилиш характеридаги хизматлар (*ер хайдаш, ишлаб чиқариш техникаларини ўрнатиш, экскаватор ёрдамида юк ортиш хизмати ва ҳ.к.*) ҳажми кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмида ҳисобга олинмайди;

б) Нобозор ишлаб чиқарилган хизматлари ҳисобга олинмайди, булар иқтисодий аҳамиятга эга бўлган нархлар мавжуд бўлмаган шароитларда (бепул асосда) истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар киради, улар ижтимоий йўналтирилган ҳисобланади ва ҳар қандай даражадаги бюджет маблағлари ёки бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан тўланади. Масалан, нобозор хизматларга таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, муҳофаа ва бошқа соҳаларда бепул хизматлар киради.

в) автомобил ташувлари фаолияти соҳасида ташкилотнинг ўз еhtiёжлари учун бажарилган юк ташувларининг (масалан, ўз маҳсулотларини ўзининг чакана савдо тармоғига етказиш, ички хўжалик, завод ичи, объект ичида ва шунга ўхшаш юк ташувлари) қиймати акс эйтирилмайди.

Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бўйича асосий тушунча ва таърифлар

Инвестицияларнинг иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, унинг статистик рақамларда тезкор ва сифатли шакллантирилиши ва улар асосида тезкор қарорлар қабул қилинишига замин яратиш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан ҳисобланади. Бу борада статистика органлари томонидан халқаро талаб ва тавсияларга мос ҳисобот шакллари ва услубиятлари ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланиб келинмоқда.

Инвестициялар ва қурилиш статистикасига оид атама ва тушунчалар

«**Инвестиция**» атамаси, лотинча «invest» сўздан олинган бўлиб, «қўйилма» маъносини билдиради.

номолиявий активларга инвестициялар – бу реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар (капитални шакллантирувчи инвестициялар);

асосий капиталга инвестициялар – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – умумий капиталда 10 фоиздан кам бўлмаган улушга эга хорижий инвесторнинг молиявий ва номолиявий қўйилмаларидир;

ўстириладиган (экиладиган) активлар – маҳсулот олиш мақсадида кўп марталик фойдаланиладиган зотдор, маҳсулдор, ишчи қорамоллар, боғлар ва бошқа экинлар.

интеллектуал мулкчилик маҳсулотлари – ўзининг ишлаб чиқарувчи ва фойдаланувчиларига даромад келтирадиган, сотилиши мумкин бўлган тадқиқотлар, ишланмалар, инновациялар натижасидир;

асосий воситаларни капитал таъмирлашга инвестицияларга ускуналар, машиналар, транспорт воситаларини (бунда асосан, агрегатни тўлиқ қисмларга ажратиш, эскирган барча қисм ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш, асосий детал ва қисмларни таъмирлаш, агрегатни йиғиш, сошлаш ва синаб кўриш ишлари), бино ва иншоотларни (ескирган конструкция ва деталларни алмаштириш ёки уларни таъмирланаётган объектнинг фойдаланиш имкониятини оширувчи, янада мустаҳкам ва тежамкорларига алмаштириш) капитал таъмирлашларни ўз ичига олади;

ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга инвестициялар – юридик шахслар томонидан ер участкалари, табиатдан фойдаланиш объектларини; шартномалар, ижара шартномалари, лицензияларни (табиат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини кўшган ҳолда), ишчанлик обрўси ва алоқаларини сотиб олишга харажатлар;

ишлаб чиқарилмаган активларга мулкчилик ҳуқуқини ўтказиб бериш бўйича харажатлар – активларни сотиб олиш ва бериб юбориш ёки мулкчилик ҳуқуқининг ўзгариши билан боғлиқ барча харажатлар.

Номолиявий активларга инвестициялар ҳажмига иқтисодий фаолиятнинг барча турларидаги юридик шахслар ўзлаштирган инвестициялар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан турар жой ва нотурар жой объектлар қурилишида ўзлаштирилган инвестициялари, йирик шохли қорамол, қўй, эчки, туя, от, чўчка ва кўп йиллик ўсимликларни сотиб олишга харажатлари киради.

Номолиявий активларга инвестицияларнинг статистик ҳисоби, қўшимча қиймат солиғини кўшган ҳолда, ҳисобот даврида амалдаги нархларда, тўлов

амалга оширилган пайдан қатъий назар, ҳақиқатда ўзлаштирилган ҳажм миқдорида амалга оширилади.

Қурилиш объекти бир нечта ташкилот (ташкилот)лар томонидан амалга оширилганда, шу объект инвестицияси улушидаги иштироки бўйича белгиланган тартибда ташкилотлардан бири – титул эгаси (бош қурувчи)га берилади ва у объект бўйича маълумот бутунлигича ва умумий асосда ҳисоботда акс эттирилади. Инвестицияларни бош қурувчига ўтказган ҳиссадор ташкилотлар ушбу инвестицияларни ҳисоботда акс эттирмайдилар.

Масалан, одатда вазирлик ва иоралар буюртмачилигида амалга ошириладиган лойиҳаларда буюртмачи номидан иш юритувчи лойиҳаларни бошқариш гуруҳлари ташкил этилади. Инвестиция жараёни ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлганликлари учун статистика ҳисоботини мазкур лойиҳа бошқаруви гуруҳлари тақдим этадилар. Буюртмачи вазирлик ёки идора эса мазкур лойиҳа бўйича маълумотларни ҳисоботларда акс эттирмайдилар.

Номолиявий активларга инвестициялар бўйича статистик маълумот қуйидаги инвестициялар бўйича гуруҳланади:

- а) асосий капиталга;
- б) асосий воситаларни капитал таъмирлашга;
- в) ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга.

Номолиявий активларга инвестициялар бўйича статистик маълумотларни шакллантириш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

а) инвестиция фаолиятини олиб борувчи юридик шахсларнинг статистика ҳисоботлари;

б) кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг танланма кузатув натижалари;

в) жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги уй-жой ва нотура-р-жой объектлар қурилиши бўйича Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг статистика ҳисоботлари;

г) фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойларни танлама статистик кузатуви маълумотлари.

Молиялаштириш манбаларига кўра инвестициялар марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларга ажратилади.

Молиялаштириш манбаи коди қайси мамлакатнинг пудратчиси ёки сотиб олинаётган машина ва ускуналарнинг қайси хорижий давлатдан олиншидан қатъий назар, пудратчига ёки машина ва ускуна етказиб беривчига тўлов маблағининг кимга тегишлилигидан келиб чиқиб белгиланади.

Инвестициялар бўйича шакллантирилган маълумотлар қуйидагича гуруҳларга ажратилади:

Ҳудудлар бўйича – инвестиция объекти жойлашган манзил бўйича, Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳудудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизимида (МҲОБТ) мувофик;

Муҳим: Инвестиция ҳудуди инвестиция объекти жойлашган ҳудуд бўйича акс эттирилади (буюртмачи жойлашга ҳудуд бўйича эмас).

Мулкчилик шакллари бўйича – мулкчилик шакллари таснифлагичига (МШТ) мувофиқ;

Вазирлик ва идоралар бўйича – давлат ва хўжалик бошқаруви ва идораларни белгилаш тизими (ДБИБТ) бўйича;

Иқтисодий фаолият турлари бўйича – инвестиция объектни мўлжалланган вазифаси бўйича иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ, 2-таҳрир) га мувофиқ.

***Муҳим:** Иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимлаш асосий фондларни йўналтирилганлигидан, яъни улар фойдаланиладиган иқтисодий фаолият соҳасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.*

Курилиш ишлари ҳажмига юридик ва жисмоний шахслар томонидан курилиш пудрат шартномалари асосида ва хўжалик усулида бажарилган ишлар, шунингдек, сотиш учун мўлжалланган объектлар киритилади.

Ушбу кўрсаткич молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан турар жой ва нотурар жой бинолари ҳамда муҳандислик иншоотларини янги объектлари курилиши, капитал ва жорий таъмирлаш, реконструкция, модернизация қилиш бўйича асосий, тўғридан-тўғри ва субпудрат шартномалари асосида бажарилган, МСТнинг 41-43- бўлимлари хос рақамларига мос келувчи курилиш-монтаж ишлари ҳамда бошқа пудрат ишлари қийматини акс эттиради.

Курилиш ишларининг статистик ҳисоби ҳисобот даврининг амалдаги нархларида, қўшилган қиймат солигини қўшмаган ҳолда, тўлов муддатидан қатъий назар, ҳисобот даврида ҳақиқатда бажарилган ҳажм бўйича амалга оширилади.

Масалан, пудратчи томонидан 1 млрд. сўмлик ишлар бажарилиб, маълум сабабларга кўра буюртмачи томонидан бажарилган ишларнинг тўлиқ қиймати тўланмасдан, ярми тўланган бўлишига қарамай, статистика ҳисоботида 1 млрд. сўм бажарилган ишлар сифатида акс эттирилади (ярми, яъни 500 млн. сўм эмас).

Пудрат шартномаси бўйича бажарилган курилиш ишлари ҳажмини статистик ҳисоботда акс эттириш учун, буюртмачи ва пудратчи томонидан имзоланган бирламчи ҳисоб шакли (қоидага кўра, “Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисобфактура маълумотномаси”) асос бўлади.

Хўжалик усулида бажарилган ишлар ҳажми курилиш эгаси томонидан ҳисобот даврида курилиш ишларига сарфланган харажатларидан келиб чиқиб аниқланади.

Курилиш ишлари бўйича статистик маълумотлар қуйидаги асосий иш турлари бўйича гуруҳланади ва таърифланади:

- а) янги курилиш, реконструкция, корхонани кенгайтириш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, модернизациялаш;
- б) капитал таъмирлаш;
- в) жорий таъмирлаш;
- г) бошқа пудрат ишлари.

Курилиш ишлари ҳажми бўйича статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

а) қурилиш фаолиятини олиб боровчи юридик шахсларнинг статистика ҳисоботлари (ойлик, йиллик);

б) кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятининг чораклик танланма кузатув натижалари;

д) жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги уй-жой ва нотурар-жой объектлар қурилиши мониторинги билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат кадстрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари статистика ҳисоботлари;

е) фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойларни танлама статистик кузатуви маълумотлари;

ф) якка тартибдаги уй-жойларни хўжалик усули билан таъмирлаш ҳажмини статистик баҳолаш.

Қурилиш ишлари бўйича шакллантирилган ҳажмлар қуйидагича гуруҳларга ажратилади:

Ҳудудлар бўйича – корхона ва ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўтган манзиллари бўйича Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳудудий тузилмаларини (объектларни) белгилаш тизими (МҲОБТ) мувофиқ;

Мулкчилик шакллари бўйича – мулкчилик шакллари таснифлагичига (МШТ) мувофиқ;

Вазирлик ва идоралар бўйича – давлат ва хўжалик бошқаруви ва идораларни белгилаш тизими (ДБИБТ) бўйича;

Иқтисодий фаолият турлари бўйича – қурилиш объектини мўлжалланган вазифаси бўйича иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ, 2-таҳрир)га мувофиқ.

Саноат статистикасининг умумий кўрсаткичлари

Саноат статистикасининг умумий кўрсаткичлари деганда қуйида таърифи келтирилган атамалар асосида шакллантириладиган кўрсаткичларни қамраб олади:

ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми – четга сотиш, ўзининг капитал қурилишига ва носаноат бўлинмаларига бериш, ўз асосий воситалари фонди таркибига киритиш учун мўлжалланган, ҳисобот даврида жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг (тайёрлиги даражасидан қатъий назар), шунингдек саноат хусусиятига эга бўлган бажарилган ишлар (хизматлар)нинг қиймати;

саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индекси – қўшилган қийматнинг физик ҳажми маълум бир вақт ўтиши билан ўзгаришини акс эттирувчи ишлаб чиқариш йиғиндиси;

истеъмол товарлари – биринчи навбатда, шахсий истеъмол учун ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда ишлатиладиган саноат маҳсулотлари.

Саноатнинг ишлаб чиқариш умумий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ахборот манбаи бўлиб, статистика ҳисоботларининг **бирламчи статистика маълумотлари** ҳамда танланма кузатувлардан олинган ишлаб чиқариш

фаолияти билан шуғулланаётган **якка тартибдаги тадбиркорлар ва уй хўжаликлари маълумотлари** ҳисобланади.

Бунда:

- йилда бир марта, йирик саноат ташкилотларининг статистика ҳисоботлари, кичик корхоналар ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотларнинг соддалаштирилган ҳисоботлари маълумотлари, норасмий секторнинг саноат маҳсулоти (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш маълумотлари асосида шакллантирилади;

- ҳар ойда, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳажми, тезкор тартибда, йирик саноат ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, носаноат, нотижорат ташкилотлари ва норасмий секторнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажмини баҳолаш асосида ҳисобланади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини шакллантиришда, алоҳида рўйхат билан тасдиқланган маҳсулотлар бўйича барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобга олинади.

Ушбу ҳажмга, жисмоний шахсларга пул кўчириш йўли билан, шартнома ёки фирма дўконлари орқали сотилган, ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам киритилади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, корхонанинг ўз саноат ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ҳисобга олмаган ҳолда, яъни ички ишлаб чиқариш харажатлар қийматисиз аниқланади.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва акцизсиз) ҳисобланади.

Ҳисобот йили давомида нархлар ўзгарганда, маҳсулотларнинг янги нархларда қайта баҳоланиши ушбу нархларнинг жорий қилинган вақтидан бошлаб амалга оширилади. Ҳисобот ва ўтган йилдан олдинги давр учун маълумотлар, ҳисобот ойдан ташқари, жорий қилинган янги нархларда қайта баҳоланмайди. Худди шу тарзда, маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича қиймат кўринишида ҳисобга олинadиган маълумотлари аниқланади.

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми таркиби

Саноат маҳсулотининг қиймат таърифи, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг, уларнинг қачон сотилишидан қатъий назар, ишлаб чиқариш вақтидаги нархларда баҳолашни назарда тутди. Базис даври нархларига мувофиқ, амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг дефлятори сифатида, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг нарх индексларидан фойдаланилади.

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми қуйидагиларнинг саноат фаолиятларини ўз ичига олади:

а) тижорат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари);

б) кичик корхоналар ва микрофирмалар;

в) қишлоқ хўжалигида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар;

г) уй хўжалиқларининг сотиш ҳамда ўз истеъмоли учун ишлаб чиқариш фаолияти.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот турлари бўйича шакллантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (O'zDSt 2914:2014) кодларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Буларга:


В - тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш;

С – қайта ишлаш саноати;

Д - электр энергияси, газ, буғ ва ҳавони кондициялаш саноати;

Е - сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш бўйича саноат хизматлари секциялари киради.

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмини шакллантиришда турли хил ҳисобот, кузатув маълумотларидан фойдаланилади. Қуйида саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмини шакллантириш манбалари келтирилган (1-расм).



3-расм. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмларини шакллантириш манбалари

Ҳар ойлик саноат ишлаб чиқариш ҳажми, тезкор тарзда, йирик тижорат ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари, бошқа юридик шахслар, (саноат фаолиятини олиб борувчи кичик корхоналар ва микрофирмалар, қишлоқ хўжалигида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, фермер хўжалиқларини қўшган ҳолда) якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлар ва уй хўжалиқларида саноат ишлаб чиқариш фаолияти асосида шакллантирилади.

Носаноат ташкилотларининг саноат бўлинмалари, фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат ишлаб чиқаришнинг ойлик ҳажми, ўтган йил учун аниқлаштирилган (йиллик) амалдаги маълумотлар асосида, уларнинг саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Уй хўжалигида саноат ишлаб чиқариш ҳажми эса, жисмоний шахслар томонидан сотиш ёки ўз истеъмоли учун амалга оширилган ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан ҳосил қилинади.

Жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисоблашда агентлик томонидан ўрнатилган яқка тартибдаги тадбиркорлар сони бўйича сўровнома кузатуви, солиқ органлари маълумотлари бўйича, ҳисобот даврида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сонидан келиб чиқиб ўтказилади.

Саноат статистикасининг умумий кўрсаткичларини шакллантириш тартиби

Саноат статистикасининг умумий кўрсаткичларидан бири бу саноатнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг физик ҳажм индексидир.

Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми эса юқорида келтирилганидек тижорат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари), кичик корхоналар ва микрофирмалар, қишлоқ хўжалигида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва уй хўжаликларининг кузатув натижаси асосида шакллантирилади.

Физик ҳажм индексини ҳисоблаш дефляторлаш усули орқали амалга оширилади. Ҳисоблаш маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришнинг қиймат кўринишдаги динамикаси тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, кейинчалик алоҳида индекслар иқтисодий фаолият турлари бўйича йириклаштирилган индексларга босқичма-босқич агрегацияланади.

Ҳисоблашнинг биринчи босқичида, солиштирилаётган даврлар учун саноат маҳсулотининг қиймат кўринишидаги ҳажмларини таққослаш йўли билан алоҳида фаолият турлари (ИФУТ-2 тузилмаси бўйича синфлар) учун ишлаб чиқариш индекслари аниқлаб олинади. Саноат маҳсулоти ҳажмлари, ишлаб чиқарувчиларнинг нарх индексларидан фойдаланган ҳолда, ҳажмларни дефляторлаш усули орқали базис даврининг ўртача нархларида баҳоланади.

Муайян фаолият турининг таъсирини ҳисобга олиш учун, индекслар Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичининг (ИФУТ-2) иерархик тузилмасига мувофиқ, қўшилган қиймат тузилишини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич агрегация қилинади (1-жадвал).

Алоҳида фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш индексини аниқлаш
(ИФУТ-2 бўлимлари бўйича)

Фаолият турлари номи	ИФУТ-2 бўйича код	ИФУТ-2нинг мос бўлимидаги фаолият тури (гуруҳи) бўйича ишлаб чиқариш индекси, % да	ИФУТ-2 мос бўлимининг умумий ҳажмида алоҳида фаолият турининг (гуруҳининг) қўшилган қиймат улуши	ИФУТ-2 мос бўлими бўйича ишлаб чиқариш индекси, % да
1	2	3	4	5=(3x4)
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	10	x	x	Σ(3x4)-104,7
Усимлик ёғи ва мол ёғи ишлаб чиқариш	10.4	106,7	0,207	22,1
Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш	10.5	104,1	0,140	14,6
Ун-ёрма саноати маҳсулотлари	10.6	104,2	0,653	68,0

Саноат ишлаб чиқариш турлари учун ўлчов бирликлари, уларнинг базис давр нархларида ўлчанган ялпи қўшилган қийматларининг йириклаштирилган саноат фаолият турининг ялпи қўшилган қийматидаги улушидан келиб чиққан ҳолда аниқланади

Ҳисоблашнинг кейинги босқичида, мос гуруҳларнинг фаолият турлари бўйича индекслар, ИФУТ-2 тузилмасига мос равишда бўлимлар бўйича йириклаштирилган иқтисодий фаолият турлари бўйича индексларни аниқлаш мақсадида агрегацияланади.

ИФУТ-2нинг В, С, D, E сексиялари бўйича ишлаб чиқариш индексларини ҳисоблаш саноат ишлаб чиқариши физик ҳажмининг йиғма индекси, базис йилнинг қўшилган қиймат тузилмасига қайта ҳисобланган сексиялар бўйича индекс кўрсаткичларини агрегациялаш орқали аниқланади (3-жадвал).

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индексини аниқлаш

Фаолият турлари номи	ИФУТ-2 бўйича код	Ишлаб чиқариш индекси, % да	Соҳа қўшилган қийматининг саноат умумий ҳажмидаги улуши	Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индекси, % да
1	2	3	4	5=(3x4)
Саноат ишлаб чиқариши, жами	В,С,D,E	x	x	Σ(3x4)-105,3
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	В	102,9	16,8	17,29
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	С	105,9	73,7	78,05
Електр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	D	105,1	8,8	9,25
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	E	106,8	0,7	0,75

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини шакллантириш манбалари

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги маълумотлар асосида шакллантирилади:

а) истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун статистика ҳисоботлари (ойлик, йиллик);

б) кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятининг чораклик танланма кузатувлари;

в) бозорларда, маҳалла ва гузарларда ҳамда аҳоли гавжум бўлган бошқа жойларда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорларнинг (жисмоний шахсларнинг) чораклик танланма кузатувлари;

д) давлат солиқ органлари маълумотлари;

е) уй хўжаликлари танланма кузатуви натижалари.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажмининг аниқроқ маълумотлари йилида бир маротаба йирик тижорат ташкилотлар, фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган йиллик давлат статистик ҳисоботлари, тижорат кичик корхоналари ва микрофирмалар томонидан тақдим этиладиган унификатсиялашган ҳисоботлар, уй хўжалиқларининг саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш фаолияти бўйича баҳолашлар асосида шакллантирилади.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳар ойлик маълумотлари йирик тижорат ташкилотларининг ҳисобот маълумотлари, кичик корхона ва микрофирмалар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан фермер хўжаликлари, нотижорат ташкилотлари ҳамда уй хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмини баҳолаш асосида аниқланади.

“Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини шакллантириш бўйича услубий низом”нинг иловасида келтирилган, иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи асосида шакллантирилган истеъмол товарлари тоифасига кирувчи маҳсулотлар рўйхати, ҳисобот тақдим этувчи субъект томонидан ишлаб чиқарилган тегишли турдаги истеъмол товарларини кодлаш учун фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси кўрсаткичлари

Қишлоқ хўжалиги статистикаси иқтисодий статистика соҳасидир. Унинг ўрганиш объекти турли қишлоқ хўжалиги субъектлари ва уларда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик статистикаси бўйича статистик ахборотларни таҳлил этиш орқали қишлоқ хўжалик соҳасида юз бераётган иқтисодий ўзгаришлар, қолаверса, аҳоли турмуш даражаси тўғрисида ҳаққоний маълумотларни олиш имконияти яратилади.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг етакчи тармоқларидан бири сифатида нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноатни эса хом ашё билан таъминлашда, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Республика иқтисодиётининг бошқа тармоқлари ҳам аграр секторнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Мамлакат саноатининг пахта тозалаш, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик, пойабзал ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотларини, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, ёғ-мой ишлаб чиқариш тармоқлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида сувга, ҳавога, иссиқликка, қуёш нурига, ёруғликка, тўйимли моддаларга эҳтиёж сезувчи тирик организмлар иштирок этади.

Ўсимлик оламининг умумий ҳаёт кечириши асосан бир-бири билан боғлиқ иккита табиий шароитга, яъни ер (тупроқ) ва об-ҳавога боғлиқ. Бу қишлоқ хўжалик соҳасининг бошқа соҳалардан фарқ қилувчи энг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Бошқа соҳаларда эса ер фақат ишлаб чиқарувчи объектлар (завод, фабрика ва бошқалар) жойлашиш ўрни бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги тутган ўрни ҳисобга олинса, бу соҳада инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, корхоналарни модернизация қилиш, натижада, ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги тарихи: Тахминан 10-15 минг йил аввал одамлар табиатни ўзлаштира бошлаган, кейин эса дунёнинг кўп жойларида қишлоқ хўжалиги пайдо бўла бошлаган. У мустақил равишда пайдо бўлган ва Месопотамия, Хитой, Жанубий Америка ва Тропик Африка каби ҳудудларга тарқалган деб тахмин қилинади.

Қишлоқ хўжалигининг келиб чиқиши кўпинча “Неолит инқилоби” деб аталади, чунки у неолит ёки “янги тош даври”да содир бўлган. Неолит даврининг номи тош қуроллари палеолит ёки “эски тош даври” даврига нисбатан такомиллашганлиги билан боғлиқ. Бу қуролларнинг кўпчилиги илк деҳқончиликни ривожлантиришда муҳим рол ўйнаган.

Дастлаб қишлоқ хўжалиги ёввойи ўсимликларни етиштириш ва ибтидоий чорвачилик билан чекланган. Вақт ўтиши билан одамлар ўсимликларни кўпроқ ва самарали кўпайтиришни ўргандилар, шунингдек, ўз эҳтиёжлари учун чорва молларини боқдилар.

Музлик даврининг охири тахминан 10-15 минг йил олдин тугаган. Айнан ўша пайтда қишлоқ хўжалиги пайдо бўлди. Музлик даврининг охирида ҳаво янада нам бўлиб, музлар эриб ва умуман, ердаги иқлим ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланиши учун қулайроқ бўлди. Бу ўзгаришлар қишлоқ хўжалигининг пайдо бўлишига фойдали таъсир кўрсатди.

Эҳтимол, бундан 10-20 минг йил олдин иқлим шароити инсоннинг ақлий қобилиятлари ва маданиятининг маълум бир ривожланиш даражасига

муваффақиятли тўғри келган ва бу қишлоқ хўжалигининг пайдо бўлишига ёрдам берган. Бу назарияни неолит даврини тавсифловчи асосий жиҳат, яъни янада илғор тош қуроллар ясаш қишлоқ хўжалигининг пайдо бўлиши билан бир вақтга тўғри келганлиги ҳам тасдиқлайди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техникалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳукуматининг кенг ислохотлар дастурининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида асосан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да бешта устувор йўналишнинг биттаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилди. Бунда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг янги йўналишлари белгилаб берилди.

Бундан ташқари сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасига оид бир нечта қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи кўмита ва уюшмалар тузилди, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилди, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида қайта ташкил этилди. Қишлоқ туманларида ҳокимларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинди. Мамлакатимизда аксарият соҳа вакилларининг байрами нишонланиб, лекин аграр соҳада фаолият юритиб келаётган деҳқон ва механизаторнинг, пиллакор ва чорвадорнинг, қишлоқдаги тадбиркор ва фермернинг, соҳа мутахассиси ва олимнинг байрами шу пайтгача йўқ эди. Шунинг учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2017 йил 1 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, декабрь ойининг иккинчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни этиб белгиланиши, ушбу соҳада фаолият юритаётган меҳнатқашларимизнинг машаққатли меҳнатларини кадрлашга қаратилган алоҳида эътибор эканлигини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий «ўсиш нуқтаси» ва драйвери бўлиши ва соҳада янги иш ўринларини яратиш, шунингдек аҳолининг реал даромадини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон фармонида мувофиқ, Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига асосан, ердан самарали фойдаланиш, аҳолига янги иш ўринларини яратиш, ёшларни иш билан банд қилиш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун 0,1 гектардан 1 гектаргача ўлчамда ер майдонлари ажратиб берилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар амалда ўз ифодасини топган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги статистикасининг умумий кўрсаткичлари

Қишлоқ хўжалиги статистикасининг умумий кўрсаткичлари деганда куйида таърифи келтирилган атамалар асосида шакллантириладиган кўрсаткичларни қамраб олади:

қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларини, ипак қуртини, балиқларни сақлаш ва кўпайтириш, ёғоч, ёғоч бўлмаган ёввойи ҳолда ўсувчи ўрмон хўжалиги маҳсулотларни олиш, балиқ овлашни ўз ичига олади;

қишлоқ хўжалиги – деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган соҳа;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

деҳқончилик – қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бир ва кўп йиллик экинларни, шунингдек, уруғлик ва кўчат материалларини етиштиришни ўз ичига олади;

қишлоқ хўжалик экинларининг экин майдони – ҳайдаладиган ерларнинг бир қисми бўлиб, баҳорда экилган, қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлган ерлардир. Экин майдони кузги ва баҳорги ҳамда ўтган йилда сақланиб қолинган экин майдонларини ўз ичига олади.

қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосили – барча қишлоқ хўжалик экинлари экин майдонларидан йиғиб олинган (етиштирилган) маҳсулот. Қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосили бирламчи қирим қилинган (физик) ва ишлов берилгандан кейинги вазнларда ҳисобга олинади. Қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосили алоҳида бир экин тури бўйича ҳамда экин гуруҳи бўйича акс эттирилади:

қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги – бир бирлик (гектар) экин майдонидан ўртача олинган қишлоқ хўжалик маҳсулоти тушунилади. Ҳосилдорлик ялпи ҳосилни экин майдонига бўлиш орқали аниқланиб, ўртача 1 гектар экин майдонидан йиғиштириб олинган ҳосилни билдиради. Аксарият ҳолларда ҳосилдорлик ялпи ҳосилни ҳақиқатда йиғиштириб олинган майдонга нисбати орқали аниқланади.

чорвачилик – қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалари, асаларилари ва ипак куртини ўстириш ва урчитиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси.

чорва моллари бош сони – хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳларидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳ.к.)


гўшт етиштириш – сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

сут етиштириш – ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи етиштиришга киритилмайди.

тухум етиштириш – барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда курк товуклар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

жун етиштириш – хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфлангани ҳамда жунни сақлаш ва ташиш жараёнида йўқотилганини қўшган ҳолда, қўй, эчки, туялардан ҳақиқатда қирқиб олинган натура вазндаги (қирқиб олингандан кейинги вазнда) барча жунларни ўз ичига олади, бунга туллаш жуни, эчки тивити ҳамда такрорий қирқиб олинган жунлар ҳам қўшилади.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги умумий ҳажмини шакллантиришда тегишли статистик ҳисоботлар, танланма кузатув ва бошқа маълумотлардан фойдаланилади. Қуйида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги умумий ҳажмини шакллантириш учун маълумот манбалари келтирилган (1-расм).



4-расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмларини шакллантириш манбалари

Етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг қийматларини жорий нархларда ҳисоблаш, ҳисобот даврида етиштирилган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини уларнинг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри баҳолаш йўли билан, маҳсулот турлари бўйича алоҳида етиштирилган маҳсулотнинг физик ҳажми унинг ўртача нархига кўпайтирилади.

Жорий нархларда ҳисоблаш қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилган маҳсулотлар физик ҳажмининг ўзгаришини тўғридан тўғри баҳолашга имкон бермайди. Шу мақсадда, қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмини таққослама нархларда баҳолаш амалга оширилади.

Кўрсаткичларни таққослама нархларда тўғридан тўғри ҳисоблаш усулида, қишлоқ, хўжалиги маҳсулот турлари ва ҳар бир ишлаб чиқарувчилар тоифаси бўйича алоҳида, ҳисобот даврида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмини мос равишда ўтган йил нархларига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг физик ҳажми индекси (ФҲИ) ҳисобот давридаги маҳсулотлар ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таққослама нархлардаги ўзгариши суръатини ўзида ифодалайди.

Физик ҳажм индекси (ФҲИ) соҳада таққосланаётган даврларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткич ҳисобланади. У маҳсулотларнинг физик ҳажми динамикасини таҳлил қилишда фойдаланилади.

Экология статистикасининг умумий кўрсаткичлари

Чиқиндиларнинг стационар манбалари - номутаносиб равишда уларнинг зарар етказмасдан ҳаракатланиши мақсадларини белгилаш мумкин бўлмаган чиқиндилар манбалари.

Чиқиндилар - ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом ашё, материаллар, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, шунингдек ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар).

Токсик чиқиндилар - улар билан ишлаш жараёнида бўлгани каби, ҳаётининг алоҳида даврларида ва кейинги авлодларида ҳам, инсон организми билан бевосита ёки билвосита алоқада бўлганда касалликларни ёки соғлиқда, шунингдек атроф муҳитда салбий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин бўлган, таркибида зарарли моддалар бўлган чиқиндилар.

Нотоксик чиқиндилар - таркибида организмнинг физиологик функциялари бузилиши ва атроф муҳит учун салбий оқибатларни келтириб чиқаришга қодир моддалари бўлмаган чиқиндилар.

Иккиламчи қайта ишланиши лозим бўлган чиқиндилар - иккиламчи хом ашё сифатида, улардан такроран фойдаланиш мақсадида, саноат йўли билан қайта ишлашга яроқли бўлган чиқиндилар.

Иккиламчи қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар - таркибида қимматли компонентлари бўлмаган ва саноат йўли билан қайта ишлашга яроқсиз чиқиндилар.

Чиқиндиларни утилизация қилиш - чиқиндилар таркибидан қимматли моддаларни ажратиб олиш ёки чиқиндиларни иккиламчи хом ашё, ёқилғи, ўғит сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатиш.

Чиқиндиларни қайта ишлаш - чиқиндиларни экологик жиҳатдан хавфсиз сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш мақсадида уларнинг физик, кимёвий ёки биологик хусусиятларини ўзгартириш билан боғлиқ технологик операцияларни амалга ошириш.

Чиқиндиларни зарарсизлантириш - чиқиндиларни инсон саломатлиги ва табиий атроф муҳитга зарарли тасирининг олдини олиш мақсадида чиқиндиларни қайта ишлаш, шу жумладан ихтисослаштирилган қурилмаларда ёқиш.

Табиатни муҳофаза қилиш жорий харажатлари - корхона ва ташкилотларнинг барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга ошириладиган, табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган мақсадли харажатлари миқдори.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар - устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреацион ва санитария соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган, тўлиқ ёки қисман, доимий ёки вақтинчалик хўжалик фаолиятдан олиб қўйилган ерлар ёки сув зоналари ҳисобланади.

Бузилган ерлар - асл қийматини йўқотган ва атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи манбаи бўлиб ҳисобланадиган ерлар.

Ишлов берилган ерлар - тупроқ қатламининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, ташкилотнинг иқтисодий фаолияти тугалланиши сабабли эҳтиёж тўлиқ ёки қисман йўқолган ерлар.

Яроқли ҳолга келтирилган ерлар - қишлоқ хўжалигида ва бошқа соҳаларда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирилган ва ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга ўтказилган ерлар.

Ўрмонларни қайта тиклаш - илгари ўрмон билан қопланган майдонларда маданий ўрмонзорларни барпо этиш, ўрмоннинг табиий янгиланишига кўмаклашиш, ўрмон дарахтлари кўчатларини ўтқизиш ва уруғларини экишни ўз ичига олади.

Ўрмонзорлар барпо этиш - илгари ўрмон дарахтлари ўсмаган майдонларда маданий ўрмонзорларни барпо этиш (далалар, ўтлоқлар, қумликлар ва ҳ.к.).

Маданий ўрмонзорлар умумий фонди - ўрмонзорлар барпо этиш ва ўрмонларни қайта тиклаш учун яроқли бўлган барча майдонларни ўз ичига олади.

Республика бўйича асосий экологик индикатор маълумотлари Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 20 сентябрдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган “Асосий экологик индикаторларни шакллантириш бўйича услубий низом” асосида амалга оширилади.

Экология соҳасидаги асосий индикаторларни тавсифловчи маълумотлар экология статистикаси бўйича қуйидаги тоифадаги субъектлар томонидан йиллик даврийликда статистика органларига тақдим этиладиган тегишли давлат статистика ҳисоботлари асосида шакллантирилади:

- атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларга эга, токсик ва нотоксик чиқиндилар ҳосил қиладиган йирик ташкилотлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида ҳисобот;

- давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, давлат биосфера резерватлари ва миллий табиат боғлари томонидан - муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўйича ҳисобот;

- ер қатлами бузилиши билан боғлиқ ишларни амалга оширувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари томонидан - ерларни яроқли ҳолга келтириш тўғрисида ҳисобот;

- ўрмон парвариши ишларини бажарувчи ўрмон хўжаликлари томонидан - ўрмон парвариши ишларини ўтказиш тўғрисида ҳисобот;

- ёввойи ҳайвонларни қўриқлаш ва кўпайтириш тадбирларини бажарувчи ташкилотлар томонидан - овчилик хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот.

Ўрмон парвариши ишларини ўтказиш бўйича индикаторлар қуйидаги кўрсаткичлар асосида шакллантирилади:

- ўрмон фондининг умумий майдони - ўрмон ва бутазорлар майдони; маданий ўрмонзорларнинг умумий фонди;

- ўрмонларни қайта тиклаш ва ўрмонзорлар барпо этиш – ўрмон дарахтлари кўчатларини ўтқозиш ва уруғини экиш; ўрмоннинг табиий янгиланишига кўмаклашиш, гектар;

- оролнинг қуриган ерида ўрмон дарахтлари кўчатларини ўтқозиш ва уруғини экиш ҳамда табиий янгиланишига кўмаклашиш, гектар;

- ўрмон билан қопланган майдонга ўтказилган ўрмон дарахтларининг майдони, гектар;

- шартнома асосида объектлар атрофида, яйлов ерларда ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ерларида ихота ўрмон дарахтзорларини барпо этиш, гектар;

- бир марталик ҳисобда ўрмон дарахтлари парвариши, жами, гектар;

- тайёрланган (соф) дарахт ва бута турлари уруғлари, жами, шундан игнабаргли, кг;

- кўчатхонанинг тарбия ва кўчат (қаламча) бўлимини ташкил этиш, гектар;

- мевалар тайёрлаш, жами, шу жумладан, резаворлар ва ёнғок мевалилар, кг, минг сўм;

- тайёрланган доривор, техник ва озикбоп ўсимликлар хом-ашёси – жами, шу жумладан, зирк, қизил дўлана, облепиха, наъматак, тоғ райҳони, зира, қизилмия ва бошқалар, кг, минг сўм;

- ўрмон хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар) қиймати, жами, минг сўм.

Овчилик хўжалиги фаолияти бўйича индикаторлар қуйидаги асосий кўрсаткичлардан ташкил топади:

- овчилик хўжалигини юритишга умумий харажатлар;

- биотехник тадбирлар ўтказиш (озуқабоп экинлар экиш ва бошқалар);

- овчилик хўжалигида банд бўлган ходимлар;

- овчиликка бириктирилган ер майдонлари;
- ёввойи ҳайвонлар сони ҳисоби ўтказилган майдон;
- озуқабоп экинларни экиш;
- озуқа жамғариш;
- сунъий овқатлантириш охурларини ясаш;
- сунъий уяларни ясаш;
- сунъий урчитиш мосламаларини ўрнатиш;
- ёш балиқларни сақлаб қолиш;
- балиқлар ўрнини тўлдириш;
- камиш ўриш;
- дарахт ва буталар кўчатларини ўтказиш;
- овчилик хўжалиги фаолияти даромадлари;
- ов ҳайвонлари ва қушларни сунъий кўпайтириш;
- ов ҳайвонлари ва қушлари турлари бўйича умумий сони ва уларни овлаш;
- овчилик натижалари.

НАЗОРAT VA MYXOKAMA UCHUN SAVOLLAR:

1. Ички савдо фаолиятига таъриф беринг.
2. Ички савдо нечта тоифага бўлинади?
3. Чакана савдо товар айланмаси физик ҳажм индексига таъриф беринг.
4. Ички савдо умумий ҳажмини шакллантириш манбалари қайси?
5. Кўрсатилган бозор хизматлар ҳажмига таъриф беринг.
6. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмини шакллантириш манбалари қайси?
7. Биринчи хизматлар иқтисодиётига айланган давлат қайси?
8. Хизматлар соҳаси статистикаси ҳисобот шакллари айтиб беринг.
9. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмига таъриф беринг.
10. Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индексига таъриф беринг.
11. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмини шакллантириш манбалари қайси?
12. Истеъмол товарлари ҳажмини шакллантириш манбалари қайси?
13. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига таъриф беринг.
14. Қайси маълумотлар қишлоқ хўжалиги кўрсаткичларини шакллантириш учун ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади?
15. Қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари қайси хўжалик тоифалари бўйича шакллантирилади?
16. “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги” (А секция) нечта бўлимдан ташкил топган ва уларни номларини келтиринг?
17. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қиймат таърифи, қайси нархларда баҳолашни назарда тутуди?

6-МАВЗУ: МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ШАКИЛЛАНТИРИШ

Аҳоли турмуш даражаси ифодаловчи асосий кўрсаткичлар

Аҳоли турмуш даражасини ифодалашда асосий кўрсаткичлардан бири бу аҳолининг умумий даромадлари ҳисобланади.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш – Миллий ҳисоблар тизимининг (МХТ-2008) халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Статистика агентлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган методик қўлланма асосида амалга оширилади. “Аҳолининг умумий даромадларини ҳисоблаш бўйича услубий низомга” кўра, жорий трансфертлардан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадларининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Аҳолининг умумий даромадлари – доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

Аҳолининг реал умумий даромадлари бу – аҳолининг номинал умумий даромадларини тегишли давр учун истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланадиган нисбий кўрсаткич.

Аҳоли ихтиёридаги даромад – умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

Аҳоли бирламчи даромадлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.

Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларга меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар киради.

Меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

Ёлланма ишчиларнинг даромади бу – меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад – мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар ҳисобланади.

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулкый даромадлар) деганда мулкый эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

Трансфертлар бу – уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.

Бошқа жорий трансфертларга уй хўжалигига бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан (мунтазам молиявий ёрдамлар, масалан, алиментлар, болалар ёки ота-оналар томонидан бериладиган моддий ёрдамлар, нотижорат ҳомийлик ташкилотларидан, касаба уюшмаларидан ва шунга ўхшашлардан мунтазам равишда тўланадиган) амалга ошириладиган тўловлар киради. Шунингдек, бошқа жорий трансфертлар тоифасига чет элдан, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган пул ўтказмалари киради.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш бўйича маълумотлар манбаларига қуйидагилар киради:

- давлат статистика кузатувлари маълумотлари;
- идоравий (маъмурий) маълумотлар;
- уй хўжалиги танланма кузатувлари маълумотлари.

Уй хўжаликлари ихтиёрида мавжуд бўлган ва товар ва хизматлар харид қилишга қодирлигини белгиловчи иқтисодий ресурслар мажмуини ифодаловчи уй хўжаликларининг иқтисодий фаровонлиги аҳоли турмуш сифатининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу ресурсларга жорий ва капитал тушумлар, шунингдек, асосий фондлар ва қарзга оид бўлган мажбуриятлар киради.

Иқтисодий фаровонлик даражасининг таҳлили уй хўжаликларининг иқтисодий ресурсларга эгалик қилиш даражасини, уларни истеъмол қилишга ёки жамғаришга, шунингдек, улардан бирини танлашга қодирлигини аниқлашга имкон беради.

Уй хўжаликларининг истеъмол қилишга қодирлигини аниқлаш мезони сифатида фойдаланиладиган муҳим индикатор бўлиб умумий даромадлар (жорий тушумлар) ҳисобланади, чунки улар истеъмол қилиш ёки жамғариш имкониятини оширишни кўпроқ таъминлайди.

Аҳолининг умумий даромадига пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар киради, ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади.

Лоторейдаги ютуқлар, ўйинлардан олинган совринлар, суғурта талаблари бўйича мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун тўловлар, олинган мерослар, пенсияга (истеъфога) чиқишда бир марта тўланадиган суммалар, ҳаёт суғуртаси бўйича (умрининг охиригача давом этадиган суғурта рентасидан ташқари) суғурта тўловлари, кутилмаган (кўзда тутилмаган) фойдалар, қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги ёки етказилган зарарни қоплаш тўғрисида қилинган даволар бўйича тўловлар (йўқотилган

фойдани қоплашга қилинган тўловлардан ташқари) ва қарзни қайтариш эвазига олинган суммалар умумий даромадларга қўшилмайди (чунки кутилмаган, номунтазам ва уй хўжалиги учун жуда кам такрорланадиган ҳолат ҳисобланади).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби

Аҳоли бирламчи даромадлари таркибий қисмларининг шаклланиши

Аҳоли бирламчи даромадлари “*ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар*” ва “*мол-мулкдан олинган даромадлар*” га бўлинади.

Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларни ҳисоблаш

Меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар ишлаб чиқаришдан олинган даромадларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

Ёлланма ишчиларнинг даромади бу – меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларга иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ва тузилган меҳнат шартномаси ёки хусусиятига кўра иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳисобланган фуқаролик-ҳуқуқий асослардаги шартномалар бўйича иш бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланган жами иш ҳақи киради.

Аҳолининг реал даромадларини ва аҳоли даромадларининг реал ўсиш суръатларини ҳисоблаш

Аҳолининг реал даромадларини аниқлаш номинал даромадлар ҳажмини мос давр учун истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича дефляция қилиш орқали амалга оширилади ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$Q_c = \frac{Q_t}{I_p} \times 100\% , \quad (1)$$

бу ерда:

Q_c - ҳисобот даври учун аҳолининг реал умумий даромадлари;

Q_t - ҳисобот даври учун аҳолининг номинал умумий даромадлари;

I_p - тегишли давр учун истеъмол нархлари индекси.

Мисол учун: 2022 йилнинг январь-декабр ойлари учун аҳолининг реал умумий даромадлари ҳисоблашда қуйидаги амалларни бажарамиз;

2022 йилнинг январь-декабр ойларида аҳолининг номинал умумий даромадлари **634 797** млрд.сўмни ташкил этган, ушбу давр учун истеъмол нархлари индекси **111,44** ни ташкил этган бўлса аҳолининг реал умумий даромадларини ҳисоблаш учун:

$$Q_c = \frac{634797}{111,44} \times 100\% = 569631$$

Демак 2022 йилнинг январь-декабр ойлари учун аҳолининг реал умумий даромадлари **569 631** млрд.сўмни ташкил этди.

Аҳоли даромадларининг реал ўсиш суръатлари қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$I_q = \frac{Q_c}{Q_{t-1}} \times 100\% , \quad (2)$$

бу ерда:

I_q - аҳоли даромадларининг реал ўсиш суръати;

Q_{t-1} - ўтган йилнинг мос даври учун аҳолининг реал умумий даромадлари.

Мисол учун: 2022 йилнинг январь-декабр ойлари учун аҳоли даромадларининг реал ўсиш суръатлари ҳисоблашда қуйидаги амалларни бажарамиз;

$$I_q = \frac{569631}{519181} \times 100\% = 109,7$$

Демак 2022 йилнинг январь-декабр ойлари учун аҳолининг реал умумий даромадларининг ўсиш суръати **109,7 %** ни ташкил этди.

**Аҳолини квинтил (20 фоизли) гуруҳлари бўйича
Жини коэффициентини ҳисоблаш намунаси**

Квинтил гуруҳлари	Квинтил гуруҳлардаги аҳоли улуши (x_i)	Аҳоли умумий даромадларининг улуши (y_i)	Аҳоли умумий даромадларининг улушининг йиғиндиси ($kum y_i$)	$x_i * kum y_i$	$x_i * y_i$
1 квинтил	0,2	0,086	0,086	0,017	0,017
2 квинтил	0,2	0,131	0,217	0,043	0,026
3 квинтил	0,2	0,168	0,385	0,077	0,034
4 квинтил	0,2	0,220	0,605	0,121	0,044
5 квинтил	0,2	0,395	1,000	0,200	0,079
Σ	1,0	1,000	2,293	0,459	0,200

Келтирилган маълумотларга асосан, Жини коэффициентини (G) ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$G = 1 - \frac{2 \sum_{i=1}^n x_i kum.y_i + \sum_{i=1}^n x_i y_i}{2 \times 0,459 + 0,200} = 1 - \frac{2 \times 0,459 + 0,200}{2} = 0,283$$

Ҳосил бўлган 0,283 коэффициенти 0 га яқин бўлгани учун, бу аҳоли даромадлари тақсимланишида тенглик даражаси нисбатан юқори эканлигини кўрсатади.

**Аҳолини квинтил (20 фоизли) гуруҳлари бўйича фондлар
коэффициентини ҳисоблаш намунаси**

Квинтил гуруҳлари	Квинтил гуруҳлардаги аҳоли улуши	Аҳоли умумий даромадларининг улуши (S)
1 квинтил	0,2	0,086
2 квинтил	0,2	0,131
3 квинтил	0,2	0,168
4 квинтил	0,2	0,220
5 квинтил	0,2	0,395

Келтирилган маълумотларга асосан, фондлар коэффициентини (K_f) ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$K_f = S_5 / S_1 = 0,395 / 0,086 = 4,6.$$

Ҳосил бўлган коэффициент, юқори даражада таъминланган 20 фоизли ва энг кам таъминланган 20 фоизли аҳоли гуруҳларининг умумий даромадлари жами қиймати ўртасидаги фарқланиш 4,6 марта эканлигини кўрсатади.

**Аҳолини децил (10 фоизли) гуруҳлари бўйича фондлар
коэффициентини ҳисоблаш намунаси**

Децил гуруҳлари	Децил гуруҳлардаги аҳоли улуши	Аҳоли умумий даромадларининг улуши (S)
1 децил	0,1	0,003
2 децил	0,1	0,051
3 децил	0,1	0,061
4 децил	0,1	0,070
5 децил	0,1	0,079
6 децил	0,1	0,089
7 децил	0,1	0,102
8 децил	0,1	0,119
9 децил	0,1	0,147
10 децил	0,1	0,248

Келтирилган маълумотларга асосан, фондлар коэффициентини (K_f) ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$K_f = S_{10}/S_1 = 0,248/0,003 = 7,0.$$

Ҳосил бўлган коэффициент, юқори даражада таъминланган 10 фоизли ва энг кам таъминланган 10 фоизли аҳоли гуруҳларининг умумий даромадлари жами қиймати ўртасидаги фарқланиш 7,0 марта эканлигини кўрсатади.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Аҳолининг умумий даромадлари деганда нима тшунилади?
2. Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш бўйича маълумотлар манбаларига нималар киради?
3. Аҳолининг реал умумий даромадлари қандай ҳисобланади?
4. Аҳоли ихтиёридаги даромад деганда нима тшунилади?
5. Аҳоли бирламчи даромадлари нималарга бўлинади?
6. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларга нималар киради?
7. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад таърифини айтин.
8. Трансфертлар бу нима ва уларга нималар киради?
9. Бошқа жорий трансфертлар қайси маълумот манбаларидан шакиллантирилади?
10. Аҳолини квинтил (20 фоизли) гуруҳлари бўйича Жини коэффициентини қандай ҳисобланади?
11. Аҳолини квинтил (20 фоизли) гуруҳлари бўйича Фондлар коэффициентини қандай ҳисобланади?
12. Аҳолини децил (10 фоизли) гуруҳлари бўйича фондлар коэффициенти қандай ҳисобланади?

7-МАВЗУ: ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР НАРХЛАРИНИ ТАНЛАНМА СТАТИСТИК КУЗАТИШ АСОСИДА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Инфляция моҳияти, юзага келиш сабаблари ва оқибатлари

Иқтисодий кўрсаткичлар орасида нарх индекслари алоҳида ўрин тутиб, улар иқтисодий кўрсаткич функцияларини бажаришдан ташқари, бошқа кўрсаткичларни жорий нархлардан доимий нархларга айлантириш учун дефлятор сифатида ҳам қўлланилади.

Бозор шароитида ижтимоий-иқтисодий оқибатлар нуқтаи назаридан инфляция ва ишсизлик энг оғир ҳодиса ҳисобланади. Уларнинг пайдо бўлиши муқаррар равишда иқтисодиёт ривожланишининг циклик хусусияти билан боғлиқ, бунда на тўлиқ бандлик, на барқарор нарх даражасига эришиш мумкин эмас.

Инфляция – бу товарлар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг барқарор ўсишидир.

“Инфляция” атамаси биринчи марта 1861-1865 йилларда Шимолий Америкада бўлган фуқаролик уруши даврида ҳарбий харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган пул массасининг шишиши жараёнида пайдо бўлган. “Инфляция” тушунчаси 20-асрда, Биринчи жаҳон урушидан кейин иқтисодий адабиётларда кенг тарқалди.

Инфляцияни ўрганишдаги муаммолардан бири уни ўлчаш ёки миқдорий жиҳатдан аниқлашдир. Таърифга кўра, инфляция муомаладаги ортиқча пул массаси билан ўлчаниши керак. Амалда эса буни бажариш қийин. Шунинг учун инфляцияни ўлчаш нархларнинг ўсишини ҳисоблашга, яъни нарх индексларининг асосий турларини аниқлаш билан амалга оширилади.

Дефляция – бу инфляцияга тескари тушунчадир. Яъни, товарлар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг пасайишидир.

Стагнация – узок муддатли турғунлик, яъни ҳеч қандай ҳаракат кузатилмайдиган ҳолат.

Инфляция муомаладаги пул массасининг маҳсулотларнинг реал тақлифига нисбатан ҳаддан ташқари ўсиши туфайли юзага келади. Пул массаси ҳажми (ва унинг айланмаси) ялпи талаб ҳажмини белгилайди. Ялпи талабнинг ялпи тақлифдан устунлиги нархларнинг ошишига олиб келади.

Бундан ташқари бозорда товарлар ва хизматлар нархининг ўсиб боришига кўра инфляция бир неча турларга ажратилиб ўрганилади.

Судралувчи инфляция. Баҳоларнинг ўртача йиллик ўсиши 5-10% дан ошмайди. Инфляциянинг бу тури кўпроқ ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасига қараб баҳолар ошиши 2-3% атрофида ҳам бўлиши мумкин. Бу инфляция аксинча ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Югурувчи инфляция. Баҳоларнинг ўртада йиллик ўсиши 10-100% (баъзида 200% гача) бўлиши мумкин. Инфляциянинг бу тури ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ учрайди.

Гиперинфляция. Баҳоларнинг ўсиш суръатлари йилига 200% дан ошиб кетади. Бу инфляция мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг инқирозли даврига мос келади ва у иқтисодиёт таркибий қисмларининг ўзгариши билан боғлиқ.


Инфляциянинг **ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ижобий ва салбий** бўлиши мумкин.

Инфляциянинг миллий иқтисодиёт учун **салбий оқибатлари** қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- нархлар балансининг ўзгариши;
- миллий валюта курсининг тушиши;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва ишлаб чиқаришнинг ўзини қоплаши ҳисоб-китобларини мураккаблашиши;
- ишлаб чиқариш суръатининг ўзгариши;
- миллий ишлаб чиқаришнинг пасайиши;
- капиталнинг ишлаб чиқаришдан савдога ўтиши (чайқовчилик).

Инфляциянинг **аҳоли ва миллий корхоналар учун ижобий оқибатлари** бу қарзларнинг ҳақиқий қийматининг қисқариши ҳисобланади. Буни аҳолига ажратиладиган ипотека кредитларида яққол кўриш мумкин.


Инфляциянинг **ҳукумат учун ижобий оқибати** катта миқдордаги солиқларни йиғишда намоён бўлади. Юқори инфляция ва прогрессив солиқ ставкаси шкаласи шароитида бюджет маблағларини йиғиш даражаси ошади.



1-расм. 2021-2022 йилларда кузатилган ойлик инфляция даражаси динамикаси (ўтган ойга нисбатан % да)

Товарлар

Хизматлар



2-расм. 2021-2022 йилларда товарлар ва хизматлар бўйича кузатилган ойлик инфляция даражаси динамикаси (ўтган ойга нисбатан % да)

Инфляциянинг ижтимоий оқибатлари пулнинг қадрсизланиши, товарлар ва хизматлар нархларининг кўтарилиши натижасида уларни сотиб олиш қобилиятининг пасайишида намоён бўлади.

Шунингдек, **аҳолининг реал даромадларининг пасайиши** инфляциянинг ижтимоий оқибатлари ҳисобланади. Бу, айниқса, бюджет соҳаси ходимларида кучли сезилади. Бу ҳукуматни иш ҳақини оширишга мажбур қилади, ҳамда давлат харажатларининг кўпайишига, харажатлар моддаларини қайта кўриб чиқишга ёки бюджет камомадига, бу эса солиқларнинг ва нархларнинг ошишига олиб келади.

Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари кузатуви ташкил этиш

Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари кузатуви қуйидаги босқичларни қамраб олади:

- товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари кузатуви ўтказиладиган ҳудудларни танлаб олиш;
- бевосита нарх ва тарифларни рўйхатга олиш амалга ошириладиган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини танлаб олиш;
- нархлар (тарифлар) ўзгариши кузатиладиган намуна товар (хизмат)ларни танлаш;
- ҳудудлар бўйича рўйхатга олинган нархлар, ҳисобланган ўртача қийматлар бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш;
- истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш учун ўлчов базаларини шакллантириш;
- истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш.

Истеъмол нархлари кузатуви Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудларида ўтказилади.

Нархлар бўйича маълумотлар Нукус ва Тошкент шаҳарларида, вилоят марказларида ҳамда танлама асосда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, географик жойлашуви ҳамда истеъмол бозорининг товарлар ва хизматлар билан етарлича таъминланганлик даражасини акс эттиришини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган шаҳарлар ва туманлар марказларида йиғилади.

Кузатувга савдо (хизмат кўрсатиш)нинг турли хил шартларига эга савдо корхоналари киритилиши учун, унда шаҳар (туман)нинг ҳам марказий қисмида, ҳам чекка қисмида жойлашган, ҳажми жиҳатидан (йирик, ўрта ва кичик) фарқланадиган савдо (хизмат кўрсатиш) нуқталари иштирок этади.

Истеъмол хусусиятларининг етарлича умумий таърифига эга бўлган намуна-товарлар ва хизматлар тавсифи Статистика агентлиги томонидан марказлаштирилган ҳолда белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўртача нарх, кузатув учун танлаб олинган шаҳар (туман)лардаги барча савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектлари бўйича рўйхатга олинган нарх (тариф)лардан ўртача геометрик кўрсаткич кўринишида ҳисобланади.

Худуд учун тақдим этиладиган вакил - товар (хизмат)нинг ўртача нархлари индексларини аниқлаш учун нархнинг (тарифнинг) ўртача геометрик қиймати формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$\overline{P}_i^j = \sqrt[n]{P_{i(1)}^j \times P_{i(2)}^j \times \dots \times P_n^j}, \quad (1)$$

бу ерда:

\overline{P}_i^j - худуд бўйича (j) товар (хизмат)ларнинг ўртача нархи (тарифи) (i);

P_i^j - “муомаладаги нарх” деб номланувчи турли савдо ташкилотларида (хизмат кўрсатиш соҳасида) (j) аниқ истеъмол хусусиятига эга товар (хизмат)ларнинг рўйхатга олинган нархи (i);

n - муомаладаги нархлар сони.

Уй хўжалиқларининг танланма кузатуви асосида шакллантирилган уй хўжалиқларининг истеъмол харажатлари тўғрисидаги якуний маълумотлар базаси, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибини шакллантириш, шунингдек, йиғма истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш учун салмоқ вазнлар тизимини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Уй хўжалиқларининг пул харажатлари – кузатув ўказилаётган маълум давр мобайнида уй хўжалиқлари аъзолари томонидан сарфланган ҳақиқий харажатлар йиғиндисини, шунингдек, истеъмол харажатлари ва истеъмол билан боғлиқ бўлмаган харажатларни ҳам ўз ичига олади.

ИНИни ҳисоблаш учун салмоқ вазнларни шакллантиришда нисбий кўрсаткичлар – коэффицентлардаги улушлардан фойдаланилади.

Шу билан бирга, ҳар бир товар ва хизмат тури бўйича нарх ўзгариши уларнинг салмоқ вазнларидан келиб чиққан ҳолда йиғма кўрсаткичга таъсир қилади. Буни қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар асосида кўриб чиқамиз (1- жадвал).

**Товар ва хизматлар нарх ўзгаришларининг йиғма
ИНИ кўрсаткичига таъсири**

Маҳсулотлар номи	Салмоқ вазнлари	Нарх индекси, % да	Индекснинг ўсиш суръати, % да (4 = 3 - 100)	Йиғма кўрсаткич ўсиш суръатига таъсири, фоиз даражасида (5 = 4 * 2)
1	2	3	4	5
Мол гўшти	0,0478	104,3	4,3	0,21
Шакар	0,0070	110,8	10,8	0,08
Картошка	0,0056	105,6	5,6	0,03

1-жадвалдан кўришиб турибдики, мол гўштининг 4,3 % га қимматлашиши унинг истеъмол тўпламидаги салмоқ вазнининг ҳисобига умумий инфляция даражаси ошишига 0,21 фоиз даражасида таъсир қилди. Бу дегани, мол гўштининг 4,3 % га қимматлашиши инфляцияни 0,2 % га оширади.

Бундан ташқари, ИНИ ҳисоб-китобларида ҳар бир ҳудуднинг салмоқ вазнлари ҳам иштирок этиб, улар ҳам истеъмол харажатлари келиб чиққан ҳолда умумий кўрсаткичга таъсир кўрсатади.

Ўртача нархларнинг қисқа муддатли индекслари ҳар бир товар (хизмат) бўйича қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$STR_{t,i}^j = \frac{\overline{P_{t,i}^j}}{P_{t-1,i}^j}, \quad (2)$$

бунда:

$\overline{STR}_{t,i}^j$ – ҳудуд учун (j) аввалги ойга нисбатан товар (хизмат) (i) ҳисобот ойна (t) ўртача нархнинг қисқа муддатли индекси;

$\overline{P}_{t,i}^j$ – ҳудуд учун (j) товар (хизмат)нинг ҳисобот ойнадаги (t) ўртача геометрик нархи (тарифи);

$\overline{P}_{t-1,i}^j$ - ҳудуд учун (j) товар (хизмат) (i) аввалги ойнадаги (t-1) ўртача геометрик нархи (тарифи).

Товар (хизмат) учун ўртача нарх индекслари асосида муайян ҳудудлар бўйича турли босқичларда агрегатланган нарх индекслари аниқланади.

Ҳисоб-китоблар Ласпейреснинг модификацияланган формуласи асосида, таянч давр салмоқ вазнлари тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Модификация шундан иборатки, охириги нарх индекси кўрсаткичи ҳар бир давр таянч салмоғига кўпайтирилади. Бундай ёндашув ҳисоб-китоблар олиб борилишида узлуксизликни таъминлаш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш ва сотишнинг барқарор бўлмаган ҳолатларида товарларни алмаштириш вазифасини осонлаштиради.

Инфляция даражаси ҳисоб-китоблари услубиёти

Ҳисоб-китоблар учун бирламчи маълумотларни тўплаш учун кузатувлар ҳар ойда, ойнинг 10-20 саналари оралиғида амалга оширилади.

Нарх тўғрисидаги ахборотларни тўплаш жараёнида, бир ойда бир марта нархларни қайд этиш оралиғини ушлаб туриш мақсадида, айнан шу товарлар ва хизматларга ҳамда айнан шу савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектларидаги нархларни қайд этишнинг белгиланган муддатларига риоя қилиш зарур.

Агар, бирор сабабга кўра, илгари рўйхатга олинган товар жорий ойда сотувга чиқмаган бўлса, айнан шунга ўхшаш товар бирлиги нархи рўйхатга олинади. Бундай ҳолатда, товар солиштирув мезонига мувофиқ танланади. Агар олдинги ойда танланган товар бўйича маълумот тўплаш ёки унга эквивалент товар топиш имкони бўлмаса, баъзи ҳолларда маълумот тўплаш учун янги савдо объектдан фойдаланишга тўғри келади. Янги савдо объектида олдинги ойда нархи қайд этилган товарнинг айнан ўзи ёки шунга ўхшаш товарнинг олдинги ва жорий ой учун нархлари таққосланади ва нарх даражасида ўзгариш аниқланса, ушбу ўзгариш фоизи сотувга чиқмаган товарга қўлланган ҳолда унинг жорий ой учун нархи қайд этилади.

Товар узоқ вақт сотувда бўлмаган ҳолларда, ушбу товар турлари тўлиқ қиёсланиши мумкин бўлган бошқа товарга алмаштирилади ҳамда сифати ва сотиш шароитлари таққосланарли бўлган ҳолларда, сотувдан йўқолган товар нархи билан бевосита солиштирилади.

Бир неча ойлар мобайнида бозорлардан тўлиқ йўқоладиган товарларни рўйхатга олувчи томонидан шартли равишда ҳар ой ҳисоблаб борилади.

Шартли нархни ҳисоблаш "шартли умумий ўртачани ҳисоблаш" усулидан фойдаланган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилади. Ушбу усул мавжуд бўлмаган таққосланадиган нархларда мазкур элемент учун ўртача нарх ўзгаришидан фойдаланиб, етишмаётган товар учун нархларни баҳолашни ўз ичига олади.

Ҳисоб-китобларда мавсумий сабабларга кўра ёки вақтинчалик савдодан йўқолиб қолган товарлар бўйича "шартли умумий ўртачани ҳисоблаш" усулидан фойдаланган ҳолда шартли ўртача нархлар ҳисобланади.

2-жадвал

“Шартли умумий ўртачани ҳисоблаш” усули бўйича “Юмалок бошоқли гуруч” нархларини ҳисоблаш:

Товар номи	Ўтган ойдаги нарх, сўм	Жорий ойдаги нарх, сўм	Нарх ўзгариши, баравар
А	В	С	$D=C/B$
Авангард	10 000	10 500	1,050
Аланга	12 000	13 000	1,083
Супер аланга	14 500	-	
Шартли равишда ҳисобланган (Супер аланга) товар нархи		15 457	Шартли нарх нисбати 1,066
Товар бўйича элементар индекс (ўртача геометрик)			1,066

Юқоридаги 2-жадвалга кўра:

1-босқичда: шартли нарх нисбати 1 ва 2 тоифадаги товарларнинг ўртача геометрик қиймати орқали ҳисобланади: $1,066 = \sqrt[3]{1,050 \times 1,083}$.

2- босқичда: учинчи турдаги етишмаётган маҳсулот учун ҳисобот ойининг нархи ўтган ойнинг нарҳини шартли нарх нисбатига кўпайтириш йўли билан аниқланади: $14\,500 \times 1,066 = 15\,457$ сўм

Шартли ҳисобланган нархлар истеъмол бозорида мева ва сабзавотларнинг янги ҳосили пайдо бўлгунга қадар янгилаб борилади.

Шу билан бирга, мева ва сабзавотлар учун МИИТ-2018 таснифлагичининг иерархик тузилмасига асосан шакллантирилдиган “шартли умумий ўртача” қўлланилади. Масалан, кичик синфга кирувчи маҳсулот савдода бутунлай йўқолиб қолса, “шартли умумий ўртача” ушбу кичик синфга кирувчи бошқа маҳсулотларнинг нарх ўзгаришлари асосида ҳисобланади.

Агар, кичик синфга фақатгина битта маҳсулот мансуб бўлса ва у савдода вақтинча мавжуд бўлмаса, у ҳолда “шартли умумий ўртача” юқори синфга кирувчи барча маҳсулотлар нархлари ўзгаришлари асосида аниқланади. Ушбу схема янада юқорироқ даражадаги жамланмалар учун ҳам қўлланилади.

Хулоса ўринида гапирадиган бўлсак истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш ва жадвалларни шакллантириш ва эълон қилиш юқорида кўрсатиб этилган босқичларни ўз ичига олади яқунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг Нархлар статистикаси бошқармаси томонидан инфляция тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади ва эълон қилинади.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Инфляция деганда нимани тушунасиз?
2. Инфляцияни юзага келтирувчи омилларни санаб беринг.
3. Инфляциянинг салбий ва ижобий оқибатларини санаб беринг.
4. Дефляция деганда нимани тушунасиз?
5. Истеъмол нархлари индекси кузатувиинг босқичларини санаб беринг.
6. Кузатув учун худудлар танловини амалга оширишда қайси ҳолатлар ҳисобга олинади?
7. Индекс ҳисоб-китоблари учун ўртача нарх қандай ҳисобланади?
8. Мавсумий ёки вақтинча сотувда бўлмаган товарлар бўйича нархлар қайдай ҳисобланишини тушунтириб беринг.
9. Нарх индекслари қандай даврларга ҳисобланади?
10. Нарх индекси ҳисоб-китобларида фойдаланиладиган товарлар ва хизматларнинг салмоқ улушлари қандай ҳисоб-китоб қилинади?
11. Товарлар ва хизматлар нархлари ўзгаришининг йиғма кўрсаткичга таъсири қандай ҳисобланади?
12. Ҳудудий статистика органлари томонидан дўконлар ва бозорлардаги нархлар кузатувини ташкил этишнинг иккинчи босқичида қандай ишлар амалга оширилади?
13. ИНИ кузатувлари бўйича сўнгги такомиллаштирилган услубий ҳужжат қачон қабул қилинган?
14. Сўнгги йилларда кузатилган ойлик дефляцияга асосан қайси омиллар таъсир этган? Мисоллар билан тушунтириб беринг.
15. 2022 йилда неча фоизлик инфляция даражаси қайд этилди?

8-МАВЗУ: МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ. МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ

Мамлакатимизда минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш асослари

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларнинг натижадорлигини ошириш ва бунда аҳолининг мақсадли гуруҳини аниқлаш бўйича вазифалар аниқ бир мезон ва услубий ёндашувларнинг ишлаб чиқилишини талаб этади.

Ўз навбатида, ушбу услубий ёндашув ва базани шакллантириш аҳолининг турмуш шароити ва ижтимоий ҳолатини бевосита ўзида акс эттирувчи, яъни уларнинг истеъмол таркиби ва хусусиятлари бўйича реал ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хусусан, мамлакатимизда аҳолининг камбағал қатламини аниқлаш услубини амалиётга жорий этиш ва такомиллаштириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 27 августда “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга илова сифатида “Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Ушбу Низом аҳолининг реал истеъмол харажатлари, хусусиятлари ва таркибидан келиб чиқиб, аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

Минимал харажатлар қийматини ҳисоблаш тамойиллари ва босқичлари, минимал истеъмол савати тушунчаси

Минимал истеъмол харажатлари (МИХ)— бу уй хўжалиklarининг реал истеъмол қийматлари ва таркибини ўрганиш асосида уларнинг соғлом ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун минимал харажатларнинг ҳисобланган қиймати.

Минимал килокалория — инсон организмнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган минимал энергиявий қиймат.

Реал истеъмол қиймати — сўровномада уй хўжалиги томонидан товар ва хизматлар учун амалга оширилган харажатларнинг пулдаги ифодаси.

Процентил — сўровда иштирок этган уй хўжалиklarини жон бошига нисбатан жами харажатларга кўра 1 фоизлик гуруҳларга ажратиш.

Таргет гуруҳи — сўровномада иштирок этган респондентлар орасидан истеъмол хусусиятига кўра ажратиб олинган кичик гуруҳ

Минимал харажатлар қиймати қуйидаги тамойилларга асосланиб ҳисобланади.

Аҳоли танлови ва молиявий имкониятлари каби истеъмол таркибига таъсир кўрсатувчи омилларнинг инобатга олинганлиги.

аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига сарфлаган амалдаги харажатларнинг эътиборга олинганлиги.

аҳолининг реал талабидан келиб чиқиб ҳамда демографик ҳолатнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, ноозиқ-овқат маҳсулотлари турлари ва таркибининг инобатга олинганлиги;

аҳолининг зарур хизматлар харажатлари қийматини ҳисоблашда давлат томонидан кўрсатилаётган бепул хизматларнинг эътиборга олинганлиги;

минимал харажатлар қиймати аҳоли реал истеъмоли таркибидан келиб чиққанлиги сабабли уларда боқимандалик кайфиятини рағбатлантиришга йўл кўйилмаслиги;

минимал харажатлар қийматини аҳоли билан бевосита сўров ўтказиш орқали аниқланиши.

Минимал харажатларни ҳисоблаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

биринчи босқичда, Давлат статистика қўмитаси томонидан жойларга чиққан ҳолда уй хўжаликларининг истеъмоли, даромади ва яшаш шароитини инобатга олувчи сўровнома ўтказилади;

иккинчи босқичда, Давлат статистика қўмитаси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда уй хўжаликлари кесимида истеъмол қилинган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар қиймати реал истеъмол қийматидан келиб чиқиб, таргет гуруҳи учун республика ўртача нархларида ҳисоблаб чиқилади;

учинчи босқичда, Давлат статистика қўмитаси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда уй хўжаликларининг аҳоли жон бошига истеъмол ҳажмидан келиб чиқиб, ўсиш тартибида децилларга (10 фоизлик гуруҳ) бўлинади ва энг кам истеъмолга эга бўлган биринчи уч гуруҳдаги уй хўжаликлари (таргет гуруҳи) ажратиб олинади;

тўртинчи босқичда, камбағал аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари харажати асосида бир килокалорияга сарфланган қиймат аниқланади;

бешинчи босқичда, бир килокалория қиймати Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таклиф этган энергия қийматига (2 200 ккал) кўпайтирилиб, минимал озиқ-овқат харажатлари аниқланади;

олтинчи босқичда, таргет гуруҳининг умумий харажатларидаги озиқ-овқат маҳсулоти улуши аниқланади;

еттинчи босқичда, минимал озиқ-овқат харажатларини Энгель коэффициентига бўлиш орқали бир киши учун минимал харажатлар аниқланади.

Минимал истеъмол савати бу – инсон саломатлиги ва умри мобайнида ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматлар тўплами. Истеъмол саватининг рўйхати ва таркиби жами аҳоли учун, шунингдек алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳлар учун аниқланади.

Яшаш минимум даражаси – кам таъминланган аҳолининг бюджет тузилмасига тўғри келадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз ичига

олган истеъмол саватининг харажатлар қийматини ифодалайдиган ижтимоий стандарт.

Минимал озиқ-овқат савати – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жисмоний шахснинг физиологик эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган тиббий истеъмол меъёрлари асосида илмий асосланган ва ишлаб чиқилган минимал озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами.

Минимал харажатларни ҳисоблаш тартиби

Уй хўжаликлари томонидан озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларга сарфланган истеъмол харажатлари қиймати реал истеъмол нархларидан келиб чиқиб, республика ўртача нархларига ўтказилади.

$$M_n = m_n * H_n, \quad (1)$$

бунда:

M_n — уй хўжалиги томонидан n турдаги маҳсулот истеъмолига сарфланган харажатларнинг таргет гуруҳи учун ўртача республика нархларидаги қиймати;

m_n — уй хўжалиги томонидан n турдаги маҳсулот истеъмоли миқдори (кг, литр, дона ва бошқалар);

H_n — n турдаги маҳсулотнинг реал истеъмол нархларининг ўртача республика нархи.

Мисол учун, уй хўжалиги бир ойда 5 кг картошка истеъмол қилса, бунда ушбу маҳсулотнинг республикадаги ўртача йиллик нархи 4500 сўмни ташкил этса, бу ҳолда:

$$5 \text{ кг} * 4500 \text{ сўм/кг} = 22\,500 \text{ сўм.}$$

Уй хўжалиги томонидан истеъмол қилинган озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг йиғиндиси орқали уй хўжалиги жами ўртача ойлик истеъмол харажатлари қиймати аниқланади.

$$ЖИ_m = ОX_m + НОX_m + ХХ_m, \quad (2)$$

бунда:

$ЖИ_m$ — m уй хўжалигининг жами истеъмол харажатлари қиймати;

$ОX_m$ — m уй хўжалигининг озиқ-овқат маҳсулотларига сарфлаган жами харажатлари қиймати;

$НОX_m$ — m уй хўжалигининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига сарфлаган жами харажатлари қиймати;

$ХХ_m$ — m уй хўжалигининг хизматларга сарфлаган жами харажатлари қиймати.

Ҳар бир уй хўжалиги жами истеъмол харажатлари қийматини унинг аъзолари сонига бўлиш орқали аҳоли жон бошига жами истеъмол харажатлари қиймати аниқланади.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи жами истеъмол харажатлари қийматига кўра уй хўжаликлари тартибланади ва процентилларга бўлинади.

Уй хўжалиқларининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли миқдоридан (кг, литр, дона ва бошқалар) келиб чиқиб, озиқ-овқат истеъмолининг жами килокалория қиймати аниқланади.

Уй хўжалиқлари озиқ-овқат истеъмолининг бир килокалория қиймати қуйидагича аниқланади:

$$1 \text{ ккал} = \frac{OX_k}{ИК_k}, \quad (3)$$

бунда:

1 ккал — уй хўжалиги истеъмол қилган 1 килокалориянинг қиймати;

OX_k — m уй хўжалигининг истеъмол қилган озиқ-овқат харажатлари;

$ИК_k$ — m уй хўжалиги истеъмол қилган килокалория миқдори;

Масалан, 5 кишидан иборат уй хўжалиги кунлик озиқ-овқат истеъмоли учун кунига 11 750 ккал ва маҳсулот учун 63 920 сўм сарфланган бўлса, у ҳолда 1 ккал нархи қуйидагича ҳисобланади:

$$1 \text{ ккал} = \frac{63920}{11750} = 5,444 \text{ сўм}$$

Таргет гуруҳида бир киши учун ўртача бир килокалория қийматини кунлик минимал килокалорияга кўпайтириш орқали кунлик минимал озиқ-овқат харажатларининг қиймати аниқланади:

$$MOX = 1 \text{ ккал} * N_{\text{ккал}}, \quad (4)$$

бунда:

MOX — кунлик минимал озиқ-овқат харажатлари қиймати;

$N_{\text{ккал}}$ — бир киши учун кунлик минимал килокалория.

Кунлик минимал озиқ-овқат харажатлари қийматини 30,41 га (365/12) кўпайтириш орқали мазкур кўрсаткичнинг ўртача ойлик қиймати аниқланади.

Масалан, агар бир килокалория нархи 5,44 сўм ва бир киши учун кунлик минимал килокалория 2 200 га тенг бўлса, ўртача ойлик минимал озиқ-овқат харажатлари қиймати қуйидагича аниқланади:

$$MOX = 5,444 * 2200 * 30,41 = 364 214 \text{ сўм}$$

Уй хўжалигининг ўртача ойлик жон бошига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланган харажатларининг умумий харажатлардаги улушини аниқлаш орқали ҳар бир уй хўжалигининг Энгель коэффициенти ҳисобланади.

$$Энг_m = \frac{OX_m^{\text{жс}}}{ЖИ_m^{\text{жс}}} * 100, \quad (5)$$

бунда:

$Энг_m$ — Энгель коэффициенти;

$ОХ_m^{жс}$ — m уй хўжалигининг аҳоли жон бошига жами озиқ-овқат харажатлари қиймати;

$ЖИ_m^{жс}$ — m уй хўжалигининг аҳоли жон бошига жами харажатлари қиймати.

Масалан, агар уй хўжалигининг жами истеъмоли таркибида озиқ-овқат харажатлари 363 947 сўм, жами харажатлари 498 557 сўм бўлса, у ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

$$Энг_m = \frac{364\,214}{498\,557} * 100 = 73$$

Минимал озиқ-овқат харажатлари қийматини Энгель коэффициенти^{нинг} ўртача миқдорига бўлиш орқали бир киши учун ўртача ойлик минимал харажатлар қиймати аниқланади.

$$МХ = \frac{МОХ}{Энг} * 100, \quad (6)$$

Масалан, танланган гуруҳ бўйича ўртача Энгель коэффициенти 73 фоиз, минимал озиқ-овқат харажатлари 363 947 сўм бўлса, у ҳолда:

$$МХ = \frac{364\,214}{73} * 100 = 498\,923 \text{ сўм}$$

Минимал харажатлар ҳисобланган йил базавий йил бўлиб, келгуси йил учун минимал харажатлар озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар нархлари даражасидан келиб чиқиб, индексация қилиб борилади.

Бунда истеъмол нархлари индекси таркибидаги озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг нархлари ўзгариши ва уларнинг минимал харажатлардаги улушлари кўпайтмасининг йиғиндиси орқали минимал харажатлардаги нархлар ўзгариши ҳисобланади.

$$МХ_{инф} = МОХ_{инд} * Инф_{оо} + НОХ_{инд} * Инф_{но} + ХХ_{инд} * Инф_{хиз}, \quad (7)$$

$МХ_{инф}$ — минимал харажатлардаги нархлар ўзгариши;

$МОХ_{инд}$ — минимал озиқ-овқат харажатларининг минимал харажатлардаги улуши;

$Инф_{оо}$ — истеъмол нархлари индекси таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўзгариши;

$НОХ_{инд}$ — минимал харажатлар таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улуши;

$Инф_{но}$ — истеъмол нархлари индекси таркибидаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўзгариши;

$ХХ_{инд}$ — минимал харажатлар таркибида хизматларнинг улуши;

$Инф_{хиз}$ — истеъмол нархлари индекси таркибидаги хизматлар нархининг ўзгариши.

$$МХ = 364\,214 * 115,62 + 72\,992,8 * 110,73 + 61\,367,5 * 108,35 = 568\,420 \text{ сўм}$$

Минимал харажатлардаги нархлар ўзгаришини ўтган даврдаги минимал харажатлар қийматига кўпайтириш орқали ҳисобот даврида минимал харажатлар қиймати аниқланади.

1-жадвал

Минимал истеъмол харажатлар ва минимал истеъмол савати кўрсаткичларининг асосий фарқи ва ўхшаш жиҳатлари

	Минимал истеъмол харажатлари	Минимал истеъмол савати
Кўрсаткичнинг таркиби	Озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлар, хизматлар	Озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлар, хизматлар
Маълумотларнинг шаклланиши	Уй хўжалигининг даромад ва харажатлари сўрови натижаларига асосланади (энг кам харажатга эга бўлган 30 фоиз аҳоли истеъмолига асосланади)	Аҳолининг даромад ва харажатлари даражасидан катъий назар ўртача бир киши учун зарур бўлган минимал товар ва хизматлар рўйхати шакллантирилади
Ҳисоблаш усули	Аҳолининг <u>реал</u> истеъмол танлови ва таркибидан келиб чиқилади	Норматив-тавсиявий усулдан фойдаланилади
Киши ҳаёт кечириши учун зарурий энергавий қийматнинг инобатга олинаши	Халқаро ташкилотлар томонидан бир киши учун зарурий энергиявий қиймат инобатга олинади	
Амалиётда фойдаланиш	Миллий камбағаллик чегарасини белгилаш учун асос бўлади. Ижтимоий ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш дастурларида самарали мезон сифатида қўлланилиши мумкин	Норматив-тавсиявий усулдан фойдаланилганлиги сабабли миллий камбағаллик чегараси сифатида белгилашда мамлакатнинг реал ижтимоий-иқтисодий ривожлан-ганлик даражасини тўлиқ инобатга олмайди. Шундан келиб чиқиб, миллий камбағаллик мезони сифатида фойдаланиш имкониятлари чекланган

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Минимал истеъмол харажатлари қийматини таърифини айтиб берин
2. "Минимал килокалория" тушунчасига таърифини айтиб берин
3. Таргет гуруҳ деганда нима тушунилади?
4. Энгел коэффициентини деганда нима тушунилади?
5. Процентил деганда нима тушунилади ?
6. Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш нечта босқичда амалга оширилади?
7. Минимал истеъмол савати деганда нима тушунилади?
8. Яшаш минимум даражаси ва минимал истеъмол савати қандай фарқланади?
9. Минимал озиқ-овқат савати таърифини айтиб берин
10. Минимал истеъмол харажатлар ва минимал истеъмол савати кўрсаткичларининг асосий фарқи ва ўхшаш жиҳатларини айтиб берин.
11. Камбағаллик даражаси деганда нима тушунилади?
12. Камбағаллик чегараси қайси кўрсаткич билан аниқланади?
13. Минимал истеъмол харажатлари таркибини ким томонидан ва ҳар неча йилдан қайта кўриб чиқилади?

9-МАВЗУ: СТАТИСТИКА СОҲАСИГА СИФАТНИ БОШҚАРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

GSIM, GSBPM, GAMSО моделлари ва уларнинг моҳияти

Сифатни бошқариш, уни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизими миллий статистика тизимининг ажралмас қисмидир, бу статистик жараёнлар ҳамда маълумотлар сифатининг миллий ва халқаро сифатни баҳолаш тизимларига мос келишини таъминлайди.

Бинобарин, ҳар қандай соҳада бўлгани каби, миллий статистика тизимининг самарали ташкил этилганлиги ҳам кенг жамоатчиликка тақдим этилаётган статистика маълумотларининг қанчалик даражада аниқ, сифатли ва ишончли эканлиги билан баҳоланади.

Статистика фаолиятига сифатни бошқаришнинг илғор тизимларини жорий этиш нима учун керак?

Сифатни бошқаришнинг халқаро даражада эътироф этилган илғор тизимларини жорий этишдан кўзланган асосий мақсад – мамлакатда миллий статистика тизимини, институционал муҳитни, статистик жараёнлар ва статистик маълумотларни самарали бошқаришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан ишлаб чиқилиб, статистика идоралари фаолиятига қўлланилиши тавсия этилган сифатни бошқаришнинг илғор тизимлари қуйидагиларни ташкил этади:

- Статистик маълумотларнинг намунавий модели;
- Статистик маълумотларни ишлаб чиқиш жараёнларини намунавий модели;
- Статистика идоралари фаолиятини бошқаришнинг намунавий модели.

Мазкур моделлар мамлакатда статистика маълумотларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш жараёнларини халқаро тавсиялар асосида тизимли ташкил этиш, ушбу жараёнларда сифатни таъминлаш ва бошқариш ҳамда статистика маълумотларини ишлаб чиқувчи идоралар фаолиятини ягона ёндашувлар асосида бошқариш имкониятини таъминлайди.

а) “Статистик маълумотларнинг намунавий модели” (GSIM – Generic Statistical Information Model) 1999 йилда БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан Дания, Норвегия, Швеция ва Швейцария давлатлари мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Моделнинг сўнгги 2-версияси 2016 йил 14 декабрдан кучга кирган.

GSIM модели – расмий статистика маълумотларини тайёрлаш ва тарқатиш жараёнида қўлланиладиган ахборот объектларининг қисмларини тавсифловчи асосий тушунча ва белгиларнинг ягона маълумотнома тизимини ташкил этади.

Маълумки, расмий статистика маълумотларини тайёрлаш ва тарқатиш жараёнлари:

- статистика дастурлари орқали тартибга солинади;
- статистика кузатуви шакллари ва бошқа манбалардан фойдаланган

ҳолда бирламчи маълумотлар йиғиш орқали ташкил этилади;

таснифлар тизими ва методологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилади;

маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра алоҳида статистик кўрсаткичлар шакллантириш ва уларни тарқатиш билан яқунланади;

маълумотларнинг манбалари, усуллари, таърифлари ва сифатини тавсифловчи метамаълумотлар билан фойдаланувчиларга етказилади.

GSIM модели эса, статистика маълумотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун қўлланиладиган дастурлар, кузатув шакллари, кўрсаткичлар, таснифлар, методологиялар ва метамаълумотларни шакллантириш ва уларни бошқариш жараёнларини бир хил, яъни ягона ёндашувлар асосида амалга оширишнинг базавий асосларини яратиб беради.

Натижада, расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганишдан бошлаб то статистик маълумотларни тарқатишгача бўлган умумий жараён давомида, унинг бевосита иштирокчилари ҳисобланган ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларнинг бир-бирларини тез ва осон тушунишлари, яъни ўзаро умумий тилда гаплашишларига эришилади.

б) “Статистик маълумотларни ишлаб чиқиш жараёнларини намунавий модели” (GSBPM – The Generic Statistical Business Process Model) БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси, Евростат ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг бирлашган гуруҳи томонидан 2008 йилда ишлаб чиқилган. Моделнинг сўнгги 5-версияси 2019 йил 1 январдан кучга кирган.

GSBPM модели – расмий статистика маълумотларини ишлаб чиқариш учун амалга оширилиши зарур бўлган барча босқичлар ва жараёнлар тўпламини тавсифлайди ва белгилаб беради.

GSBPM модели 8 та босқич ва ушбу босқичларни амалга оширувчи таркибий 44 та жараёндан иборат бўлиб, расмий статистикани ишлаб чиқариш ва тарқатиш мақсадида фойдаланувчиларнинг статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини аниқлашдан бошлаб то ишлаб чиқариш циклини баҳолашгача бўлган қуйидаги босқичларни ўз ичига олган:

1. Статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш;
2. Ишлаб чиқиш жараёнларини режалаштириш;
3. Ишлаб чиқиш жараёнларини шакллантириш;
4. Бирламчи маълумотларни йиғиш;
5. Маълумотларни қайта ишлаш;
6. Маълумотларни таҳлил қилиш;
7. Расмий статистика маълумотларини эълон қилиш;
8. Ишлаб чиқиш циклини баҳолаш.

1-босқич. Статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш барча фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганишдан бошлаб то статистика ишларини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқишгача бўлган 6 та жараённи ўз ичига олади.

2-босқич. Ишлаб чиқиш жараёнларини режалаштириш расмий

статистика маълумотларини ишлаб чиқиш жараёнларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган режавий ва ташкилий-услубий ҳужжатлар ва тизимларни режалаштириш билан боғлиқ 6 та жараёндан иборат.

3-босқич. Ишлаб чиқиш жараёнларини шакллантириш расмий статистика маълумотларини ишлаб чиқиш тизимининг бирламчи маълумотларни йиғишга, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, расмий статистика маълумотларини тарқатишга тайёрлигини таъминлаш билан боғлиқ 7 та жараённи ўз ичига олади.

4-босқич. Бирламчи маълумотларни йиғиш бир йиллик статистика ишлари дастурига мувофиқ бирламчи ва маъмурий маълумотларни йиғишни таъминлаш имконини берувчи 4 та жараёндан иборат.

5-босқич. Маълумотларни қайта ишлаш келгусида таҳлил қилиш ишларини амалга ошириш мақсадида статистик кўрсаткичлар бўйича жамланма маълумотларни шакллантириш ишларини ташкил этиш бўйича 8 та жараённи ўз ичига олади.

6-босқич. Маълумотларни таҳлил қилиш босқичи расмий статистика маълумотларини тақдим этиш ва тарқатишга тайёрлаш учун статистик таҳлил усуллари ва қоидаларини амалда қўллаш ишларини ўз ичига олган 5 та жараёндан иборат.

7-босқич. Расмий статистика маълумотларини эълон қилиш барча тоифадаги фойдаланувчиларни сифатли расмий статистика маълумотлари билан таъминлаш ишларини ташкил этиш бўйича 5 та жараённи ўз ичига олади.

8-босқич. Ишлаб чиқиш циклини баҳолаш статистика маълумотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш жараёнларининг натижаларини, шу жумладан статистика маълумотлари сифатини баҳолаш ишларини кўзда тутувчи 3 та жараёндан иборат.

Бир сўз билан айтганда, ушбу модель статистика маълумотларини ишлаб чиқишнинг бошланишидан то якунигача бўлган барча босқич ҳамда жараёнларни ўз ичига олади, шу билан биргаликда ушбу босқич ва жараёнлар доимий равишда такрорланиб туради.

GSBPM модели ҳар бир амалга ошириладиган босқич ва жараёнларни:

- аввалдан аниқ белгилаб қўйилган ҳамда ўзаро мувофиқлашган тартиб-қоидалар ва механизмлар асосида режалаштириш ва тизимли ташкил этиш;

- барча фойдаланилган манбалар, усуллар, тизимлар ва бошқа воситаларни аниқ ҳужжатлаштириб бориш;

- бутун ишлаб чиқиш циклини доимий баҳолаш имконини таъминлайди.

Хўш, моделнинг афзаллиги нимада? У турли статистик босқич ва жараёнлар интеграциясини амалга ошириш ва уларнинг сифатини баҳолаб бориш, юзага келган бўшлиқлар ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда тезкор баргараф этиш орқали статистика маълумотларининг халқаро тавсияларга мувофиқлигини таъминлаш каби муҳим масалани ҳал этади.

Шу билан бирга, ушбу модель миллий статистика тизими доирасида давлат статистика органлари, расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар томонидан статистика маълумотларини тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнларини ягона қоидалар ва интеграция асосида ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнларни мувофиқлаштириб бориш имкониятини яратади.

в) Статистика идоралари фаолиятини бошқаришнинг намунавий модели (GAMSO – Generic Activity Model for Statistical Organisations) БМТ ЕИК томонидан Австралия, Канада, Италия, Янги Зеландия, Норвегия, Швеция ва Буюк Британия давлатлари билан ҳамкорликда 2015 йилда ишлаб чиқилган.

Унинг сўнгги 1.2-версияси 2019 йил 1 январдан кучга кирган.

GAMSO модели – статистика идораси томонидан амалга ошириладиган умумий фаолиятни белгилайди ва тизимлаштиради.

Содда қилиб айтганда, GAMSO модели умумий фаолиятни, яъни статистика идорасида нима ишлар қилинишини тавсифлайди, унинг таркибий бўлаги ҳисобланган GSBPM модели эса маълум бир босқич ва жараёнларни, яъни статистика идораси статистика маълумотларини ишлаб чиқариш бўйича ўз фаолиятини қандай амалга ошираётганини акс эттиради.

GAMSO модели қуйидаги 4 та йўналишдан иборат:

- Стратегия ва лидерлик;
- Салоҳиятни ривожлантириш;
- Корпоратив бошқарув;
- Ишлаб чиқариш (GSBPM).

Моделнинг биринчи ва асосий етакчи йўналиши ҳисобланган **Стратегия ва лидерлик** йўналиши, статистика идорасида моделнинг бошқа барча йўналишларини амалга ошириш учун зарур бўлган устувор вазифаларни ҳал этиш, яъни мақсадни белгилаш, бошқарув, стратегик ҳамкорлик ҳамда алоқаларни бошқариш каби фаолиятларни ўз ичига олади.

Ушбу йўналиш статистика идораси томонидан миллий ва халқаро даражада зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш имконини берувчи, юқори даражада ҳал этиладиган стратегик вазифаларни ҳал этади.

Салоҳиятни ривожлантириш йўналиши эса статистика идорасида амалга ошириладиган барча тадқиқотлар, ишланмалар ва инновацияларни, яъни ташкилотда янги фаолиятни амалга ошириш ёки мавжудларининг самарадорлигини ошириш имкониятларини ривожлантиришни ўз ичига олиб:

- салоҳиятни оширишни режалаштириш;
- салоҳиятни оширишни ташкил қилиш;
- салоҳиятни оширишни мониторинг қилиш;
- салоҳиятни оширишни қўллаб-қувватлаш босқичларидан иборатдир.

Моделнинг учинчи **Корпоратив бошқарув** йўналишидаги тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлиб, статистика идорасида фаолиятни стандартлаштириш, яъни тизимлаштиришни қўллаб-қувватлайди. Улар ташкилот ўз иш дастури ёки режасини самарали ва натижали бажариши учун

зарур бўлган ўзаро боғлиқ фаолият турларини қамраб олади.

Корпоратив бошқарув қуйидаги 10 та фаолият туридан иборат:

- соҳа самарадорлигини ва қонунчиликни бошқариш;
- статистик методологияни бошқариш;
- сифатни бошқариш;
- ахборот ва билимларни бошқариш;
- истеъмолчиларни бошқариш;
- маълумот тақдим этувчиларни бошқариш;
- молиявий ресурсларни бошқариш;
- инсон ресурсларини бошқариш;
- АКТни бошқариш;
- биноларни бошқариш.

GAMSO моделининг тўртинчи йўналиши ҳисобланган **Ишлаб чиқариш** соҳаси расмий статистикани ишлаб чиқариш, амалга ошириш ва бошқариш учун зарур бўлган барча босқичларни, шу жумладан статистик кузатувлар ўтказиш, маъмурий ёки бошқа манбалардан маълумотларни йиғиш ва статистик ҳисоб-китобларни амалга оширишларни ўз ичига олади.

Ушбу босқичлар, натижада, салоҳиятни ривожлантириш доирасида ишлаб чиқилган имкониятлардан, ҳамда корпоратив бошқарув доирасида бошқариладиган ресурслардан фойдаланган ҳолда, стратегия ва лидерлик йўналиши доирасида маъқулланган натижаларга эришилишини таъминлайди.

GAMSO моделидаги ишлаб чиқариш фаолияти GSBPM моделига киритилган бўлиб, бу GAMSO модели ўз тузилмасига кўра GSBPM моделига тўлиқ мос келишини англатади.

Илғор моделлар ҳақида юқорида баён этилган фикр–мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, қисқача хулоса қилиб айтганда:

GSIM модели – фойдаланувчиларга тарқатиладиган статистика маълумотларини шакллантириш қоида ва талабларини белгилаб беради;

GSBPM модели – статистика маълумотларини ишлаб чиқиш босқичи ва жараёнларини тартибга солади;

GAMSO модели – статистика идораси томонидан амалга ошириладиган умумий фаолиятни белгилаб беради ва тизимлаштиради.

Ушбу сифатни бошқаришнинг илғор халқаро моделлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, доимо бир-бирини тўлдириб туради.

Хусусан, йиғилган бирламчи маълумотлар GSBPM босқичларидан ўтса, чиқувчи маълумотлар GSIM талаблари асосида шакллантирилади. GAMSO намунавий модели эса статистика идорасининг умумий, шу жумладан

GSIM ва GSBPM моделлари асосида статистика маълумотларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш бўйича фаолиятини тартибга солади.

Халқаро сифат моделларини миллий статистика тизимига жорий этиш йўллари

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда статистика соҳасини халқаро меъёрлар ва талабларга мос бўлишини таъминлаш борасида мамлакатимизда

жадал ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, мамлакатимизда “Расмий статистика тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини қабул қилиниши соҳада ислоҳотларни янада самарали амалга ошириш имконини яратди.

Ушбу ислоҳотлар ўз навбатида, соҳага халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш учун муҳим пойдевор бўлди.

Хусусан, 2021 йилдан бошлаб мамлакатимизда биринчи марта миллий статистика тизимига сифатни бошқаришнинг халқаро даражада эътироф этилган илғор тизимларини кенг жорий этиш ишлари бошланди.

Қайд этиш лозимки, юртимизда шу давргача ҳам статистика маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида тегишли сиёсат амалга ошириб келинган. Шу билан бирга, жадал ислоҳотлар даврида ушбу жараёнларни халқаро даражада тавсия этилган янги моделлар асосида тизимли бошқариш, демак ягона комплекс ёндашув асосида сиёсат юритиш зарурати юзага келган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га (4-банди) мувофиқ, миллий статистика тизимига сифатни бошқаришнинг илғор тизимлари ҳисобланган GSIM, GSBPM ва GAMSО моделларини жорий этиш вазифаси белгиланган.

а) GSIM моделини жорий этиш, статистика маълумотларини ишлаб чиқишни GSIM модели асосида йўлга қўйиш мақсадида, Давлат статистика кўмитаси томонидан ишлаб чиқариш жараёнларининг базавий асослари таҳлил этилиб, хатловдан ўтказилди ва амалга ошириладиган устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 23 июндаги 21-сон қарори билан қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланиб амалиётга жорий этилган:

Статистика дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

Ушбу Тартиб билан расмий статистика соҳасида статистик маълумотларни ишлаб чиқиш жараёнларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи кўп йиллик ва бир йиллик статистика дастурларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш босқичлари ҳамда механизмлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ушбу ҳужжат билан статистика ишларининг бирламчи манбаи ҳисобланган статистика кузатувлари шаклларини тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш механизмлари ҳамда босқичлари аниқ белгилаб қўйилган. Мазкур тартиб билан Статистика дастурлари ва статистика кузатуви шаклларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган намуна жадваллар тасдиқланган.

Статистика соҳасида таснифлар, методологиялар ва кузатув шаклларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича намунавий услубий қўлланма

Услубий қўлланмага мувофиқ, статистика фаолиятини ташкил этишда

қўлланиладиган таснифлар, методологиялар ва статистика кузатуви шакллари тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш бўйича умумий қоидалар тасдиқланган.

Бунда, ушбу ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти, шакллантириш ҳамда расмийлаштириш босқичлари, уларнинг намуналарни тайёрлашга бўлган талаблар аниқ белгилаб қўйилган.

Метамаълумотларни ишлаб чиқиш бўйича намунавий услубий қўлланма.

Қўлланма статистика маълумотларининг ишлаб чиқиш манбалари, усуллари, таърифлари ҳамда сифатини тавсифловчи метамаълумотларни шакллантириш, юритиш, янгилаш ва фойдаланувчиларга тақдим этиш қоидаларини ўз ичига олган.

Бунда метамаълумотлар мазмуни, уларнинг таркибий тузилмаси, намуналарини тайёрлашга бўлган талаблар, тасдиқлаш, юритиш ва назорат қилиш босқичлари ва механизмлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида, ушбу услубий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида янада такомиллаштирилиб, қўмитанинг 2022 йил 27 декабрдаги 41-сон қарори билан қайта тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Ҳозирги кунда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Статистика дастурлари, расмий статистика соҳасида қўлланиладиган статистика кузатуви шакллари, таснифлар, методологиялар ҳамда метамаълумотларнинг барчасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш бўйича ишлар айнан юқорида қайд этилган услубий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

б) GSBPM моделини миллий статистика тизимига жорий этиш ишларини амалга оширишда ягона концептуал ёндашувларга эришиш мақсадида:

биринчи босқичда – Статистика агентлигининг 2021 йил 30 сентябрдаги 99-сон буйруғи билан Статистика маълумотларини ишлаб чиқишнинг миллий модели тасдиқланди ва расмий статистикани ишлаб чиқишнинг барча босқичлари ҳамда унинг таркибий жараёнлари белгилаб олинган;

иккинчи босқичда – Статистика агентлигининг 2021 йил 17 декабрдаги 58-сон қарори билан Статистика маълумотларини ишлаб чиқишнинг миллий модели умумий тузилмасидаги босқич ва жараёнларни тавсифловчи услубий қўлланма тасдиқланган.

Статистика маълумотларини ишлаб чиқишнинг миллий модели расмий статистикани ишлаб чиқишнинг 8 та босқичи ва уларни амалга ошириш бўйича 44 та жараёнларни ўз ичига олган.

Ҳозирги кунда, фойдаланувчиларнинг статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш жараёнлари GSBPM миллий моделининг 1-босқичи талаблари асосида йўлга қўйилган.

в) GAMSО моделини жорий этиш бўйича Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 27 майдаги 38-сон буйруғи билан Давлат статистика

қўмитаси фаолиятининг миллий модели умумий тузилмаси ва чоратадбирлар режаси тасдиқланиб, унинг доирасида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида, Статистика агентлигининг 2023 йил 27 мартдаги 13-сон буйруғи билан Статистика агентлигининг сифат соҳасидаги сиёсати қабул қилинган.

Халқаро сифат моделларининг (GSIM, GSBPM ва GAMSО) моҳияти ва уларни жорий этиш йўналишлари бўйича тизим ходимлари малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этилмоқда.

Саноат статистикаси бошқармаси томонидан алоҳида кўрсаткичлар бўйича маълумотларни ишлаб чиқариш жараёнларини GSBPM модели талабларига мувофиқлиги юзасидан хатлов ишлари ўтказилмоқда. Ушбу хатлов бошқа тармоқ статистикаси йўналишлари бўйича ҳам ташкил этилиб, натижаларига кўра келгусида ишлаб чиқариш жараёнларини GSBPM модели талабларига мувофиқ ташкил этиш учун лозим бўлган устувор йўналишлар амалга оширилади.

Агентлик бошқармалари томонидан 2024 йил учун статистика кузатуви шакллари лойиҳаларини тайёрлаш жараёнлари GSIM ва GSBPM моделлари асосида ишлаб чиқилган услубий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, фойдаланувчилар эҳтиёжларини ўрганиш асосида амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, мазкур илғор тизимлар жорий этилгандан сўнг эришиладиган кейинги натижа, Агентлик тизимида сифат мезонларини таъминланганлигини ифодаловчи халқаро ISO сертификатини қўлга киритишдан иборат бўлади. Бу эса, ихтисослашган баҳоловчи компаниялар ҳамда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда фаолиятни баҳолаш ишларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Хўш, юқорида қайд этилган илғор халқаро моделларнинг жорий этилиши Ўзбекистон статистикасига нима беради?

Биринчидан, маълумотлар очиқ, яъни фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари қондирилиб, метамаълумотлар тушунарли ва тўлиқлиги таъминланади.

Иккинчидан, маълумотлар ишончли, яъни уларнинг манбалари, ишлаб чиқиш усуллари очиқ бўлади.

Учинчидан, маълумотлар шаффоф ва уларни эълон қилиш муддати аниқ кўрсатилади.

Тўртинчидан, маълумотларни олиш қулай, ундан ихтиёрий кўринишда фойдаланиш, улар базасига кириш имконияти мавжуд бўлади.

Бешинчидан, маълумотлар сифатли, фаолият назорат қилинади ва ўрганилади ҳамда ISO стандарти асосида иш юритилади.

Пировардида, ушбу эришилган омиллар мамлакат статистикасининг сифати талаб даражасида, яъни халқаро меъёрлар ва стандартларга мос эканлигини англатади, шунингдек, амалга оширилаётган барча тадбирларнинг шаффофлиги туфайли халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон статистикасига бўлган ишончини янада оширади.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. GSIM модели қайси йўналишда тартиб-қоидаларни белгилаб беради?
2. GSIM моделини жорий этиш юзасидан Агентлик томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларни санаб беринг.
3. GSBPM моделига таъриф беринг.
4. GSBPM модели қандай босқичларни ўз ичига олади?
5. GAMSО модели қандай фаолиятни белгилаб беради?
6. GSIM моделининг GSBPM моделидан фарқи нимада?
7. GSBPM моделининг афзалликлари нимада?
8. Фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш босқичи қайси моделда ўз аксини топган?
9. Статистика дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнлари қайси модель талабларига мувофиқ амалга оширилади?
10. GAMSО миллий модели қачон тасдиқланган?
11. Статистика маълумотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш ишлари қайси модель билан тартибга солинади?
12. GAMSО модели йўналишларини айтиб беринг.
13. Услубий ҳужжатлар ва метамаълумотларни ишлаб чиқишда қайси модель талаблари қўлланилади?
14. GAMSО моделига таъриф беринг.
15. Ўзбекистонда GSBPM миллий модели қачон тасдиқланган?

10-МАВЗУ: ТАҢЛАНМА КУЗАТУВ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИ. ТАҢЛАНМА КУЗАТУВЛАРНИ ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИ

ТаҢланма кузатув, унинг моҳияти ва аҳамияти

Статистика фани ва амалиётида таҢланма кузатув усули кенг қўлланилади. Улар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қисқа вақт ичида ўрганиб, молиявий маблағларни ва қоғоз сарфларини иқтисод қилишга хизмат қилади. Шунингдек, ёппасига кузатув маълумотларини ҳам текшириш имкониятига эга бўлади. Шу боис халқаро статистикада ҳам асосий усул таҢланма кузатув усули ҳисобланади.

ТаҢланма кузатувга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

ТаҢланма кузатув - бу статистикада ўрганилиши лозим бўлган тўпладан зарурий миқдордаги бирликларни махсус усуллар билан танлаб олиниши ва уларнинг бутун (бош) тўпламга тарқатилиши тушунилади.

ТаҢланма - бу бош тўпладан танлаб олинган маълум бирликлар сони бўлиб, унинг ҳар бири мазкур тўпламнинг унсуридир.

Ўрганиладиган тўпладан етарли миқдорда бирликлар билан танланиб, улар устида ўтказилган кузатиш маълумотлари асосида бош тўплам ҳақида ахборот олиш имконини берадиган усул таҢланма текшириш деб аталади.

ТаҢланма кузатув ёрдамида у ёки бу ижтимоий-иқтисодий ҳодиса тўплам бирлигининг ўртача ҳажми ўрганилади. Масалан, бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори, экин турлари бўйича 1 га ердан олинган ўртача ҳосилдорлик, бир ишловчи ходимнинг ўртача иш ҳақи даражаси ва ҳоказо. Шу билан бирга ўрганилган ушбу ҳодисанинг тўплам бирликларидаги элементларининг салмоғи ҳам аниқланади. Бунга жами ишловчи ходимларнинг умумий сонида хотин-қизларнинг салмоғи, жами пода таркибида зотли чорва молларининг салмоғи ва шу кабилар мисол бўла олади.

Ўрганилиши лозим бўлган бош тўплам N ва текшириш учун ундан танлаб олинган қисми таҢланма тўплам n деб аталади. Масалан, хўжалиқдаги жами майдон – 1000 гектарни N ҳарфи билан белгилаб олсак, кузатилаётган майдон – 150 гектарни n ҳарфи билан белгилаб олинади.

Бош тўплам учун ҳисобланган бирон бир белгининг ўртачаси Хўрт ва таҢланма тўплам учун ҳисобланган бирон бир белгининг ўртачаси Хўрт ҳисобланади.

Ўртача даража: Бош тўплам учун:

$$\bar{X} = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{N}, \quad (1)$$

ва таҢланма тўплам учун:

$$\bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n}, \quad (2)$$

кўринишидаги формула орқали аниқланади.

Бош тўпلام учун ҳисобланган бирон бир белгининг салмоғи (p) ва Танланма тўпلام учун ҳисобланган бирон бир белгининг салмоғи (w) ҳисобланади.

Салмоқ даражаси: бош тўпلام учун

$$p = \frac{N_1}{N}, \quad (3)$$

ва танланма тўпلام учун

$$\omega = \frac{m}{n}, \quad (4)$$

кўринишидаги формула орқали аниқланади.

Бу ерда: N_1 – бош тўпلامдаги ўрганилган бирликлар;

m - танланма тўпلامдан ўрганиш учун олинган бирликлар.

Агарда танланмада бош тўпلامнинг муҳим хусусиятлари намоён бўлса, у ҳолда у **репрезентатив (ваколатли)** дейилади.

Танланманинг ваколатли (репрезентативлик) хатолари

Танланма қанчалик ваколатли бўлишидан қатъий назар, бош ва танланма кўрсаткичлар ўртасида доимо тафовутлар бўлади. Чунки бош тўпلامда танланмага киритилмаган бошқа бирликлар ҳам бор. Ана шу тафовутлар танланманинг ваколатли (репрезентативлик) хатолари дейилади. Бу хатолар: ҳам ўртача учун:

$$\Delta_x = \bar{x} - \bar{X} \quad (5)$$

ва салмоқ учун:

$$\Delta\omega = \omega - p \quad (6)$$

аниқланиши мумкин. Масалан, фермер хўжалигида йил давомида 200 та ишчи ишлаган, уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи даражаси эса 13600 сўмни ташкил этган бўлсин. Танланма кузатиш учун тасодифий ҳолда 40 та ишчи олинди ва уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи даражаси 13800 сўмни ташкил этган бўлса, у ҳолда:

$$\Delta_x = \bar{x} - \bar{X} = 13800 - 13600 = 200 \text{ сўмни ташкил этади}$$

Агарда, 200 та ишчининг 128 тасини (X_1), шу жумладан, танланма тўпلامда 26 тасини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, у ҳолда:

$$p = \frac{N_1}{N} = \frac{128}{200} = 0,64$$

ёки 64,0% ни хотин-қизлар ташкил этади.

$$\omega = \frac{m}{n} = \frac{26}{40} = 0,65$$

ёки 65,0 % ни хотин-қизлар ташкил этади.

$$\Delta_p = \omega - p = 65,0 - 64,0 = 1,0\% \text{ни ташкил этади.}$$

Ваколатли танланма хатолиги – танланма ва бош тўпلام кўрсаткичлари ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, бу хатолар тасодифий хатоларга ва мунтазам хатоларга бўлинади.

Танланма кузатувларни ўтказиш усуллари

Бош тўпلام- бу ўрганиладиган кўп ҳажмли бирликлар мажмуасидир. Танланма тўпلام эса бош тўпلامдан кузатиш учун танлаб олинган бирликлар йиғиндиси ҳисобланади. Танланма кузатиш маълумотларига таяниб, бош тўпلامни характерлаш уларнинг умумийлаштирувчи кўрсаткичлар орқали амалга оширилади. Бунинг учун танланма бош тўпلامнинг барча муҳим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак. Агар танланмада бош тўпلامнинг муҳим хусусиятлари намоён бўлса, у репрезентатив дейилади. Танланма қанчалик репрезентатив бўлишидан қатъи назар бош ва танланма кўрсаткичлар ўртасида доимо тафовутлар бўлади. Чунки бош тўпلامда танланмага киритилмаган бошқа бирликлар ҳам бор. Ана шу тафовутлар танланманинг репрезентативлик хатолари дейилади. Репрезентативлик хатолари икки турга бўлинади:

1. Тасодифий хатолар;
2. Мунтазам хатолар.

Кузатиш субъектларининг хоҳиши ва ғаразли хатти-ҳаракатлари ҳамда танлаш тартиби ва асбобларининг камчиликлари билан боғлиқ бўлмаган хатолар тасодифий хато деб аталади. Мунтазам хатолар эса бевосита танлаш тартибини бузиш билан боғлиқдир. Улар ҳар доим бир ёқлама йўналишга эга: ё текшириш натижасини катталаштириб ёки кичиклаштириб ифодалайди. Ўлчаш асбобларининг ноаниқлигидан, танлаш ва кузатиш усуллариининг камчиликларидан кўзланмаган мунтазам хатолар келиб чиқади. Кузатиш натижаларини ғайри табиий йўл билан ўзгартириб кўрсатиш натижасида юзага чиқадиган хатолар кўзланган мунтазам хато ҳисобланади.

Статистикада танланманинг репрезентативлигини таъминлайдиган турли танлаш усуллари мавжуд бўлиб, улар аввало индивидуал (якка) ва сериялаб (ёки гуруҳлаб) танлашга бўлинади. Якка танлашда бош тўпلامдан бирликлар алоҳида-алоҳида, сериялаб танлашда эса улар серияси (гуруҳи) билан олинади.

Бош тўпلامдан бирликлар тасодифий равишда олиниб, танланма тузилса, у тасодифий танлаш дейилади. Тасодифий танлаш чек ёки қура ташлаш йўли билан амалга оширилади.

Тасодифий танлаш такрорланувчи ёки такрорланмайдиган схемаларда ўтказилиши мумкин. Агар танлаб олинган бирлик (ёки серия) танланмага киритилганидан (яъни зарурий маълумотлар ёзиб олинганидан) кейин яна бош тўплага қайтарилса ва бундан кейинги танлаш жараёнларида тенг ҳуқуқда қатнашса, танлаш тартиби такрорланувчи деб аталади, аксинча, қайтарилмаса, такрорланмайдиган схема деб юритилади. Бош тўпلامдан

бирликлар (ёки сериялар) маълум ораликларда танлаб олинса ва танланмага киритилса бундай усул механик танлаш деб аталади.

Механик танлашда бош тўпلامнинг бирликлари бирор белги бўйича (масалан, алифбо, ўсиши, камайиши ва ҳоказо) тартиб билан жойлаштирилса ва рақамланиб, сўнг тенг оралик катталиги аниқланади. Тенг оралик катталиги (i) қилиб бош тўпلام миқдори (N) нинг танланма миқдори (n)га нисбатан олинади, яъни

$$i = \frac{N}{n} \quad (7)$$

Масалан, факультетдаги 650 та студент (N) ни танланма миқдори бўлган 65 та (n) га нисбатан олсак, у ҳолда:

$$i = \frac{N}{n} = \frac{650}{65} = 10$$

Яъни, ҳар 10-та студентдан бири олиб ўрганилади. Демак, механик танлаш моҳиятига кўра фақат такрорланмайдиган усулда қўлланилади, чунки ҳар сафар танланиши зарур бўлган бирликнинг рақами ўсиб боради.

Танланма ўртача миқдорининг (\bar{x}) ўртача хатоси (μ_x) танлаш усуллари ва схемаларига қараб қуйидагича ҳисобланади:

1-жадвал

Г/р.	Танлама схемаси	Такрорланувчи	Такрорланмайдиган
	Танлаш усули		
1.	Ўртача учун	$\mu_x = \sqrt{\sigma^2/n}$	$\mu_x = \sqrt{\sigma^2/n (1-n/N)}$
2.	Салмоқ учун	$\mu_p = \sqrt{W (1-W)/n}$	$\mu_p = \sqrt{W (1-W)/n (1-n/N)}$

бу ерда: μ - репрезентивликнинг ўртача хатоси;

σ - танланмадаги дисперсия;

n - танланманинг ҳажми;

N - бош тўпلامнинг ҳажми;

W - ушбу белгининг танланмадаги салмоғи.

Ихтиёрий танланма кўрсаткич (a) хатосининг юқори чегараси (Δ_a) унинг ўртача хатоси (μ_a) билан ишонч коэффициентининг (t) кўпайтмасига тенг:

$$\Delta_a = t * \mu_a, \quad (8)$$

Агарда, бош тўпلام икки қисмга ажратилиб, улардан бирликлар мутаносиб тарзда турли (тасодифий ва механик) усуллар билан танлаб олинса, бундай танлаш комбинацияли танлаш дейилади.

Шунингдек типик (районлаштирилган), серияли (уяли), кўп босқичли, кўп фазали, пайтли танланма кузатиш ва кичик танланма усуллари ҳам мавжуд.

Танланма кузатувнинг зарурий миқдорини аниқлаш

Танланма кузатувни ташкил этишдан олдин танланма кузатувнинг зарурий миқдорини белгилаб олинишимиз керак. Чунки танланма кузатув зарурий миқдорини кўп олинса, у ҳолда бу танланманинг амалга ошириш учун катта ҳажмдаги ишлар олиб борилишини тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида вақт ва молиявий маблағларни кўпроқ сарфланишига олиб келади.

Танланма кузатувдаги зарурий миқдорини белгилаш учун олдиндан қуйидаги масалалар ҳал этилиши лозим бўлади: биринчидан, бизга маълумки чегаравий хато формулалари таркибига N , δ^2 ёки $\omega(1 - \omega)$, n $\Delta_{\bar{x}}$ ёки $\Delta_{\bar{\omega}}$ ва t лар киради. Бунда бош тўплам (N) ҳамма вақт берилган бўлади; δ^2 ёки $\omega(1 - \omega)$ - ҳақиқатда намоён бўладиган даража бўлиб ҳисобланади; n , $\Delta_{\bar{x}}$ ёки $\Delta_{\bar{\omega}}$ ва t лар эса аниқ шароитдан келиб чиққан ҳолда ўзгарувчи даражалар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олганда дастлаб ишонч коэффициенти (t) аниқлаб олинади. Буни ҳисоблашда кўп ҳолларда 2 билан 3 оралиғидаги ишонч коэффицентлари қўлланилади (0,954 дан то 0,997).

Ишонч коэффицентини аниқлаш. Амалий ёки ўқув масалалари ечилганда ишонч коэффицентининг асосан қуйидаги қийматлари кенг қўлланилади:

2-жадвал

t	1.00	1.96	2.00	2.58	3.00
$P(t)$	0.683	0.950	0.954	0.990	0.997

Иккинчидан, δ^2 ёки $\omega(1 - \omega)$ бош тўпламда ҳам танланма тўпламда ҳам номаълумлигича қолаверади. Бу кўрсаткични ҳисоблаш мураккаб масаладир. Бу масалани ҳал қилиш учун чегаравий хато формулаларида - δ^2 ёки $W(1 - W)$ га яқин қандайдир бўлган бир даражадан фойдаланиш керак бўлади, яъни - δ дан.

Демак, t , δ^2 ва $\Delta_{\bar{x}}$ ёки $\Delta_{\bar{\omega}}$ лар аниқлангандан сўнг танланма кузатувнинг зарурий миқдори (n) ни аниқлаш мумкин.

Биз бу ерда танланма тўпламнинг зарурий миқдорини ўртача учун – такрорланувчи усулда аниқладик. Шу тартибда танланма тўпламнинг бошқа зарурий миқдорларини ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин (1-жадвал):

4-жадвал

Танланма тўпламнинг зарурий миқдорини аниқлаш тартиби

Танлаш усули	Танланма тўпламнинг зарурий миқдори	
	ўртача	салмоқ учун
Такрорланувчи	$n = \frac{t^2 \delta^2}{\Delta_{\bar{x}}^2}$	$n = \frac{t^2 \omega(1 - \omega)}{\Delta_{\bar{x}}^2}$
Такрорланмайдиган	$n = \frac{t^2 \delta^2 N}{\Delta_{\bar{x}}^2 N + t^2 \delta^2}$	$n = \frac{t^2 \omega(1 - \omega) N}{\Delta_{\bar{x}}^2 N + \omega(1 - \omega)}$

Энди танланманинг зарурий миқдорини ўртача ва салмоқ учун такрорланувчи усулда ҳисоблаш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

1-мисол: Фермер хўжалигида 140 та сигир мавжуд. Эҳтимоллик даражаси 0,954 ва ўртача квадратик тафовут 24,5 кг бўлганда ўртача йиллик сут соғиб олиниши аниқланганда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато 20 кг дан ошмаслиги учун нечта сигир танланма кузатув учун танлаб олиниши керак?

Ечиш:

$N = 140; P(t) = 0,954$, бундан $t = 2$; $\Delta_x = 20$ кг; $\delta = 50$ кг; $n = ?$

$$n = \frac{t^2 \delta^2}{\Delta_x^2} = \frac{2^2 \cdot 50^2}{20^2} = \frac{10000}{400} = 25 \text{ бош сигир олиниши керак бўлади.}$$

2-мисол. Фараз қилайлик, тумандаги яшаётган уй хўжаликларидаги 2800 та сигирнинг 80 фоизи зотли сигирлар бўлсин. Ушбу салмоқни аниқлашдаги йўл қўйилиши мойиллик даражаси билан 3 фоиздан, яъни $\Delta_{\bar{\omega}} = 0,03$ дан ошмасин. Бунинг учун 2800 та сигирдан нечта зотли сигир танаб олиниши керак?

Ечиш:

$N = 2800; P(t) = 0,954$, бундан $t = 2$; $\omega = 0,80$; $\Delta_{\bar{\omega}} = 0,03$; $n = ?$

$$n = \frac{t^2 \omega(1-\omega)}{\Delta_{\bar{\omega}}^2} = \frac{2^2 \cdot 0,80(1-0,80)}{0,03^2} = \frac{0,64}{0,0009} = 711 \text{ бош сигир олиниши керак бўлади.}$$

3-мисол. Фараз қилайлик, факультетда 1200 та талаба ўқиётган бўлса, танланма кузатув натижасида спорт билан шуғулланаётган талабаларнинг салмоғини аниқлаш керак. Бунинг учун $P(t) = 0,9514$ эҳтимоллик билан танланма кузатув хатоси 5% (0,05) дан ошмасин.

Ечиш:

$N = 1200; P(t) = 0,954$, бундан $t = 2$; $\omega = 0,80$; $\Delta_{\bar{\omega}} = 0,05$; $\omega(1 - \omega)_{max} = 25$; $n = ?$

$$n = \frac{t^2 \omega(1-\omega)}{\Delta_{\bar{\omega}}^2} = \frac{2^2 \cdot 0,25}{0,05^2} = 600 \text{ та талаба олиниши керак бўлади.}$$

Танланма кузатув маълумотларини бош тўпламга тарқатиш усуллари

Танланма кузатув умуман қуйидаги мақсадларни қўзлайди:

1. **Вақт ва маблағни тежаш.** Агар танланма кузатувда бош тўпламнинг, масалан, фақат 2 фоиз бирликлари қатнашса, у ҳолда кузатув ишларининг ҳажми 50 марта (100:2) камаяди, сарфланадиган вақт ва маблағ ҳам деярли шунча марта тежалади;

2. **Текшириш жараёнида сифати бузиладиган ёки фойдаланиш учун бутунлай яроқсиз шаклга келадиган предметлар (тўплам бирликлари) сонини қисқартириш.** Жумладан, танланма кузатув учун бош

тўпламнинг 0.5% бирликлари олиниб, уларнинг истеъмол қиймати йўқолса ёки бузилса ҳам қолган 99.5% и сақланиб қолинади;

3. Кузатув объектини кенгроқ ва тўлароқ ўрганиш.

Бунда бевосита текшириладиган тўплам ҳажми қисқариши ҳисобига кузатув дастурини объектларнинг янги муҳим белгилари билан бойитиш ва ҳар бир бирлик ҳақида тўла ва батафсилроқ маълумотлар тўплаш имконияти туғилади. Масалан, юз мингта ишчиларни битта белги (айтайлик касби) бўйича ёппасига кузатсак, 100000 маълумотга эга бўламиз. Аммо бундай кузатув ўрнига 2 фоизли танланма кузатувни амалга оширсак, кузатув тўплами ҳажми 50 марта қисқариши ҳисобига унинг дастурида қўшимча яна бир неча, жумладан 4-5 та белгилар (касбдан ташқари, миллати, ёши, маълумоти, жинси ва ҳоказо) ҳақида маълумотлар тўплаш имконияти пайда бўлади. Пировард натижада кузатув ишлари ҳажми 10 марта камаяди. Шу билан бирга ишчилар тўпланими тўлароқ ўрганиш учун зарур маълумотларга эга бўламиз;

4. Ёппасига кузатув натижаларини назорат қилиш.

Танлама текшириш одатда сифатли ахборотлар билан таъминлайди. Чунки бу ҳолда малакали мутахассисларни жалб қилиш, уларни кузатув ижрочиси сифатида пухта тайёрлаш ва синаш учун имконият ошади. Пировард оқибатда хатолар камаяди ва ёппасига кузатувга нисбатан аниқроқ ахборот олинади. Баъзан ёппасига кузатув (масалан аҳоли рўйхати, қишлоқ хўжалигини рўйхати ва ҳоказо) натижалари танланма йўл билан текшириб кўрилади. Махсус коэффициентлар тузиб чиқиб, улар ёрдамида дастлаб олинган маълумотларга тузатишлар киритилади.

Танланма кузатув маълумотлари бош тўпламга қуйидаги икки усул орқали тарқатилади:

5.Қайта ҳисоблаш усули. Танланма кузатув ўтказилиб бирор белгининг ўртача миқдори ва салмоғи учун ишонч ораликлари аниқланади.

Масалан, ҳудуд бўйича деҳқон хўжаликларининг умумий сони 8544 бирликни ташкил қилади, шундан кузатувлар сони сифатида 1,1 % ёки 94 та хўжалик танлаб олинган. Кузатув ўтказилган 94 та хўжалик бўйича умумий 60 центнер дон экинлари ҳосили олинган. Дон экинлари ялпи ҳосили бўйича танланма тўплам маълумотларини бош тўпламга тарқатиш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$Q = \frac{q}{w} \cdot 100\% \quad (9)$$

бу ерда: Q – бош тўпламдаги дон экинлари ялпи ҳосили, центнер;
 q – танланма тўпламдаги дон экинлари ҳосили, центнер; w – танланма тўплам камрови (бош тўпламдаги улуши), фоиз.

$$Q = \frac{60}{1,1} \cdot 100\% = 5454,5 \text{ центнер}$$

Демак, кузатув натижаларига кўра, ҳудуд бўйича бош тўпلامдаги дон экинларининг ялпи ҳосили 5454,5 центнерни ташкил этади.

6. Коэффициентлар усули. Баъзи ҳолларда ёппасига кузатув маълумотлари танланма кузатув усули билан текшириб кўрилади ва унга тегишли ўзгартиришлар коэффициентлар ёрдамида киритилади:

$$N^1 = R \cdot N = \frac{n^1}{n} \cdot N \quad (10)$$

Бу ерда: N- коэффициенти ёрдамида аниқлик киритиб ҳисобланган бош тўпلام миқдори; n-назорат текшириш ёрдамида аниқланган танланма тўпلام; n¹-ҳақиқатдаги танланма тўпلام; k – кузатув коэффициенти.

1-мисол: Кузатув учун ўтказилаётган тумандаги аҳоли хўжаликлардаги сигирларнинг сони хўжалик дафтарлари бўйича 4000 та эканлиги аниқланди. Назорат текширишлари натижасида n = 200 ва n¹ = 202 та эканлиги маълум бўлди. Бунда тузатиш коэффициенти:

$$k = \frac{202}{200} = 1,01 \quad \text{га тенг бўлади.}$$

Демак, сигирларнинг сони: N¹ = k · N = 1.001 ± · 4000 = 4004 та бўлади.

Шундай қилиб, тумандаги аҳоли хўжаликларидagi сигирларнинг сони хўжалик дафтарларидаги сонига нисбатан ҳақиқатда 4 тага кўп экан.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Танланма деганда нимани тушунаси?
2. Танланма тўпلامнинг моҳиятини тушинтириб беринг.
3. Репрезентативликни изоҳлаб беринг.
4. Танланма хатони изоҳлаб беринг.
5. Бош тўпلام нима?
6. Салмоқ нима?
7. Танланма текширишни изоҳлаб беринг.
8. Танланма кузатишни аҳамиятини тушунтиринг.
9. Мунтазам хато деганда нимани тушунаси ?
10. Тасодифий хато деганда нимани тушунаси ?
11. Ваколатли танланма хатони изоҳлаб беринг.
12. Тасодифий ҳолда танлаб олишни тушунтириб берсангиз.
13. Тафовутларни тушунтириб беринг.
14. Бош тўпلام билан танланма тўпلامни нима фарқи бор?
15. Танланмадаги хатоларни тушунтириб беринг.

11-МАВЗУ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШДА РАСМИЙ СТАТИСТИКАНИНГ ЎРНИ

Дунё ҳамжамияти томонидан барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича қарор қабул қилиниши

Барқарор ривожланиш атамаси биринчи мартаба 1980 йилда Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит дастури, Бутунжаҳон ёввойи табиат жамғармаси, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ва ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Бутунжаҳон табиатни муҳофаза қилиш стратегиясида қўлланилган.

Бутунжаҳон атроф-муҳит ва ривожланиш комиссиясининг 1987 йилда “Бизнинг умумий келажагимиз” номли ҳисоботида “**келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятига таъсир қилмасдан ҳозирги авлод эҳтиёжларини қондирадиган ривожланиш**”ни барқарор ривожланиш сифатида таърифи келтирилган.

1990-йилларда “эҳтиёжларни қондириш”ни турли йўллар билан изоҳлайдиган кучли ва кучсиз барқарорлик тушунчалари шаклланди. Кучли барқарорлик тарафдорлари инсоният келажак авлодлар эҳтиёжларини қондириш учун табиий ресурсларни тежашга эътибор қаратиши керак, деб ҳисоблаган бўлса, кучсиз барқарорлик тарафдорлари, аксинча, табиий ресурсларни ривожланишга фаолроқ сармоя киритишни таклиф қилиб, шунда юқори турмуш даражаси ва илмий-техник тараққиёт авлодларга ресурслар сарфини минимал даражага тушириш имконини беради деб ҳисоблаган.

Иқтисодиёт, жамият ва технологияларнинг ривожланиши, унда инсон ҳаёти сифатининг яхшиланиши, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайиши **Барқарор ривожланиш (sustainable development)** сифатида қаралган.

Барқарор ривожланиш тушунчаси учта асосий жиҳатни ўз ичига олади:

- экологик;
- ижтимоий;
- иқтисодий.

Барқарор ривожланиш мақсадларининг негизида Минг йиллик ривожланиш мақсадлари бўйича эришилган натижалар билан бир қаторда дунё миқёсида қашшоқликнинг барча кўринишларига барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттиришга қаратилган.

Минг йиллик Ривожланиш Мақсадлари - дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларидаги ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яхшилаш орқали ривожланишни жадаллаштиришдан иборат бўлиб, БМТга аъзо 193 та давлатлар томонидан 2000 йилда 23 та халқаро ташкилот иштирокида 2015 йилга келиб эришишга келишиб олинган **саккизта халқаро ривожланиш мақсади** ҳисобланади.

Мингйиллик ривожланишнинг саккизта мақсади:

I) Қашшоқлик ва очарчиликка барҳам бериш;

- II) Умумий бошланғич таълимни таъминлаш;
- III) Гендер тенглигини тарғиб қилиш ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш;
- IV) Болалар ўлимини камайтириш;
- V) Оналар саломатлигини яхшилаш;
- VI) ОИВ/ОИТС, безгак ва бошқа касалликларга қарши кураш;
- VII) Экологик барқарорликни таъминлаш;
- VIII) Ривожланиш учун глобал ҳамкорликни шакллантириш.

Ушбу мақсадлар 2000 йилда Мингйиллик саммитида расман белгиланган бўлиб, унда иштирок этган барча давлатлар раҳбарлари БМТнинг Минг йиллик Декларациясини қабул қилишди ва ижросини таъминлаш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан ЭКОСОСнинг 2015 йилда бўлиб ўтган юқори даражадаги мажлисида дунёнинг барча минтақалари ва мамлакатларида саккизта мақсадни амалга оширишнинг якуний натижалари жамланган ҳисоботи тақдим этилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 193 давлат раҳбарлари томонидан 2015 йил август ойида “Дунёмизни ўзгартириш: 2030-йилгача барқарор ривожланиш кун тартиби” номли янги кун тартибининг якуний ҳужжати бўйича келишувга эришилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил 25 сентябрдаги 70-сессиясида қабул қилинган “Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳадаги кун тартиби” деб номланувчи резолюцияси билан Барқарор ривожланишнинг глобал миқёсда амалга оширилиши режалаштирилган 17 та мақсад ва мазкур мақсадларга эришиш учун амалга оширилиши зарур бўлган 169 та вазифалар белгиланди (1-расм).



1-расм. Барқарор ривожланишнинг глобал миқёсда эришилиши режалаштирилган 17 та мақсад

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар тузилиб, ҳар бир глобал мақсад ва вазифаларни миллий устуворликлардан келиб чиққан ҳолда мослаштириш бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди.

Мазкур ишчи гуруҳлар ўрганиши натижасида, жами 17 та Глобал Барқарор ривожланиш мақсадларидан 16 таси бўйича Ўзбекистонда тегишли ишлар амалга оширилиши имконияти мавжудлиги аниқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳудуди океан ва денгиз билан туташмаганлигини инобатга олиб “Барқарор ривожланиш учун океанлар, денгизлар ва денгиз ресурсларини сақлаш ва барқарор фойдаланиш” деб номланувчи 14-мақсад ва унинг таркибига кирувчи 10 та вазифа Ўзбекистонда эришилиши имконияти мавжуд эмас деб топилди.

Шундан сўнг, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “**2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**” 841-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси учун долзарб ҳисобланган 16 та мақсад ва 125 та вазифа тасдиқланди.

Кейинчалик, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “**2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги 83-сон қарори билан 16 та мақсадларга эришиш учун 126 та вазифалар белгиланиб, ушбу вазифалар ижросини мониторингини юритиш учун Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан 190 та миллий БРМ индикаторлари тасдиқланди.

Маълумот учун: Глобал миқёсда 17 та мақсад 169 та вазифа ва 232 та индикатор тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланиш мақсадларига эриш натижаларини мониторинг қилишда Статистика агентлигига юклатилган вазифалар

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни кузатиш ҳамда ушбу соҳада бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аниқ ва ўз вақтида тайёрланган, характеристикалари бўйича тақсимланган, долзарб ва фойдаланиш учун қулай бўлган статистик маълумотлар керак бўлади.

Бу борада статистика ҳамжамиятига, 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кўрсаткичларини шакллантириш вазифаси юклатилган.

Дунёнинг бошқа давлатлари каби Ўзбекистон Республикаси ҳам Барқарор ривожланиш мақсадларини миллий миқёсда амалга ошириш

бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олгач, ҳукумат томонидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 83-сон қарори билан, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилиб, **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Мувофиқлаштирувчи кенгашининг ишчи органи функцияси юкланди.**

Шунингдек, Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда тармоқлараро мувофиқлаштириш ва интеграциялашган ёндашувни таъминлаш мақсадида қуйидаги эксперт гуруҳлари ташкил этилди.

- Иқтисодий фаровонлик;
- Ижтимоий ҳимоя;
- Соғлиқни сақлаш;
- Таълим;
- Атроф-муҳит;
- Самарали бошқарув.

Статистика агентлиги раҳбари бошчилигида Миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг кўрсаткичлари бўйича идоралараро ишчи гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди.

Статистика агентлиги раҳбарлигида Миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг кўрсаткичлари бўйича идоралараро ишчи гуруҳи фаолияти йўлга қўйилиб, Барқарор ривожланиш мақсадларининг глобал кўрсаткичлари асосида МБРМ кўрсаткичлари тизимини доимий янгилаб бориш ва унинг методологиясини шакллантириш, кўрсаткичларни доимий асосда тўплаш ва МБРМ веб-порталида эълон қилиб бориш каби вазифалар юклатилган.

Ўтган давр мобайнида Статистика агентлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни мониторингини олиб бориш учун, глобал БРМ индикаторлар рўйхати асосида шакллантирилган, Ўзбекистон учун муҳим ҳисобланган 190 та миллий барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари рўйхати ишлаб чиқилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бўлимининг веб саҳифасида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича илғор тажрибаларга эга давлатларнинг ушбу соҳада амалга ошираётган ишлари ёритиб борилади ва Ўзбекистон Республикаси 2022 йил якунига кўра 87 та энг илғор тажрибага эга давлатлар қаторидан жой олди.


Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича эришилган натижаларни кузатиб бориш ва ушбу соҳада мамлакатдаги мавжуд вазият тўғрисида долзарб маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш мақсадида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг техник кўмаги билан 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида Миллий барқарор

ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари бўйича веб-сайт (<https://nsdg.stat.uz/>) ишлаб чиқилди.

Ушбу веб-сайт концепцияси соҳадаги энг илғор технологиялар ва услубий ишланмалар, шунингдек, сўнгги янгиликларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари веб-сайти Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ютуқларни таҳлил қилиш ва кузатишда миллий ва халқаро фойдаланувчилар учун ягона ва ишончли маълумотлар манбаси ҳисобланади.

Веб-сайт замонавий визуализация усуллари амалга оширади, бу фойдаланувчига аналитик жадвалларни яратиш ва график тасвирларнинг энг мос турларини танлаш имконини беради ва ўзбек, рус ва инглиз тилларида юритилади. Бундан ташқари, Статистика агентлиги томонидан хар йили “Ўзбекистон Республикасида Миллий БРМларга эришиш бўйича статистик кўрсаткичлар тўпламлари” уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) тайёрлаб нашр этилмоқда.

Бундан ташқари, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги миллий тараққиётни ўлчаш учун мўлжалланган ЭСКАТО томонидан ишлаб чиқилган “SDG Tracker” бошқарув панелига ҳозирда мавжуд БРМ маълумотларини киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда (2-расм).



2-расм. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни мониторингини юритиш учун ЭСКАТО томонидан ишлаб чиқилган “SDG Tracker” платформаси.

Бугунги кунда Статистика агентлиги томонидан юритиладиган миллий БРМ веб сайтида учта тилда (рус, ўзбек ва инглиз тилларида) 130 та миллий БРМ кўрсаткичлари динамик қаторлар кўринишида жойлаштирилган, “SDG Tracker” бошқарув панелида 60 кўрсаткич акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 август “Ўзбекистон Республикасининг Миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланган.

Ушбу мақсадли кўрсаткичлар қаторида Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари веб-сайтида жойлаштириш учун индикаторлар сонини умумий тасдиқланган индикаторларга нисбати бўйича ҳам режалар белгиланган (1-жадвал).

1-жадвал

Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари веб-сайтида жойлаштирилиши режалаштирилган индикаторлар сонини умумий тасдиқланган индикаторларга нисбатан сони

	2019 йил ҳисобот йили	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Режа, % да	32,5	41,2	45,6	51,5	55,8	60,2	65,0
Амалда, % да	-	59,8	64,3	65,8	66,3	-	-

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни кузатиб боришда халқаро миқёсда амалга оширилаётган тадбирлар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 2020 йил 14 декабрь куни “Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

Ушбу резолюцияни қабул қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йилда БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган эди.

Бирлашган миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 70/1-сон резолюциянинг 79-бандида айнан ушбу соҳада миллий даражада амалга ошириладиган ишлар тўғрисида тавсиялар келтирилган.

Ушбу тавсиялар қуйидагича баён этилган:

Шунингдек, биз аъзо давлатларни миллий ва субмиллий даражадаги тараққиётнинг мунтазам ва кенг қамровли таҳлилинини ўтказишга ундаймиз, бунда мамлакатларнинг ўзлари бу ҳисоботларни бошқариб борадилар. Бундай ҳисоботлар миллий шароит, стратегия ва устуворликларга мувофиқ маҳаллий халқлар, фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва бошқа манфаатдор томонларнинг фикрларини ҳисобга олиши керак. Бу жараёнларни бошқа институтлар қатори миллий парламентлар ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

Ушбу миллий ҳисоботлар ЭКОСОС ҳомийлигида йиғиладиган Олий даражадаги сиёсий форум томонидан мунтазам кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг 84-бандида кўрсатилганидек, Олий даражадаги сиёсий форумнинг мунтазам ҳисоботлари ихтиёрий бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар томонидан ўтказилади ва кўплаб манфаатдор томонларни жалб қилинади.

Ихтиёрий миллий ҳисобот 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибини амалга оширишни жадаллаштириш, шу жумладан муваффақиятлар, қийинчиликлар ва олинган сабоқлар бўйича тажриба алмашишга қаратилган. 2023 йил бўлиб ўтадиган ушбу юқори даражадаги сиёсий форумда 2 та маърузачи (давлат) биринчи марта, 39 таси иккинчи марта ва 1 таси учинчи марта Ихтиёрий миллий ҳисоботини тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси илк бор барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги Ихтиёрий миллий ҳисоботини 2020 йил тақдим этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 83-сон қарори ижроси доирасида 2022-2026 йилларда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга самарали эришиш бўйича чора-тадбирлар режасига мувофиқ, иккинчи ихтиёрий миллий ҳисоботга тайёргарлик бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар томонидан ихтиёрий миллий ҳисобот тайёрланди.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи (SDSN) ва халқаро экспертлар томонидан, мамлакатларни асосий индекслари бўйича ривожланиш тенденцияларини ўрганиб чиқади ва шунга асосан ҳар йили **SDG index** деб номланувчи рейтинг натижаларини эълон қилади.

Барқарор ривожланиш мақсадлари индексини ҳисоблаб чиқиш жараёнида 17 та мақсад бўйича 120 дан ортиқ халқаро индекс ва индикаторларни ўз ичига олувчи маълумотлар манбаларини таҳлил асосида умумий йиғинди индекс шакллантирилади. **SDG index** ҳисоботида кўра, Ўзбекистон 166 та мамлакат орасида 71,1 индекс билан рейтингидаги мавқеи 8 поғонага кўтарилиб 69-ўринни эгаллади.

Маълумот учун: 2022 йилда Ўзбекистон 69,9 индекс билан 77-ўринда қайд этилган.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Барқарор ривожланиш мақсадлари ўзи нимани англатади?
2. Барқарор ривожланишнинг глобал миқёсда нечта мақсади бор?
3. Глобал миқёсда барқарор ривожланишнинг нечта вазифаси белгиланган?
4. Глобал миқёсда барқарор ривожланишнинг нечта индикатори тасдиқланган?
5. Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Ўзбекистон Республикасида нечта мақсад тасдиқланган?
6. Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Ўзбекистон Республикасида нечта вазифа тасдиқланган?
7. Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Ўзбекистон Республикасида нечта индикатор тасдиқланган?
8. Барқарор ривожланишнинг нечанчи мақсади Ўзбекистон Республикасида қабул қилинмаган?
9. Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда тармоқлараро мувофиқлаштириш ва интеграциялашган ёндашувни таъминлаш мақсадида тузилган эксперт гуруҳларини санаб ўтинг?
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ, миллий барқарор ривожланиш мақсадлари веб-сайтида жойлаштириш учун индикаторлар сонини умумий тасдиқланган индикаторларга нисбати 2025 йилга неча фоиз этиб белгиланган?
11. Қайси норматив ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича ишлар тартибга солинган?
12. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи функцияси қайси давлат органига юклатилган?
13. Барқарор ривожланиш мақсадларининг Миллий индикаторлари бўйича идоралараро ишчи гуруҳи фаолияти қайси давлат органи раҳбари бошчилигида амалга оширилади?
14. Барқарор ривожланишнинг биринчи мақсади нимани пасайтиришга қаратилган?
15. Барқарор ривожланишнинг бешинчи мақсади нимани кенгайтиришга қаратилган?

12-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИНИ ЮРИТИШ ҲОЛАТИ

“Гендер” статистикасининг мазмун ва моҳияти

Сўнгги йилларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид **25 дан ортиқ** қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш мақсадида, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди.

«Гендер» (инглизча “gender”, латинча genus – жинс) – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади.

Гендер тенглиги - эркаклар ва аёллар ижтимоий жиҳатдан тенг бўлиб, тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга, шунингдек, улардан фойдаланиш учун тенг имкониятларга (ресурслар ва имкониятларга нисбатан тенг ҳуқуқли) эга бўлган ҳолда ўз ўрнига эга бўлади.

Гендер статистикаси – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми.

Гендер статистикасини шакллантириш - Статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади.

Гендер стратегиясининг асосий мақсади — ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг

Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишлар ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсади вазифаларига (яъни гендер тенглик) мувофиқ, мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган даврда хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишда аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштироки учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур.

Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, Ўзбекистонда гендер тенглиги ҳолатини таҳлил қилиш, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилашда сифатли статистик маълумотлар муҳим ўрин тутади.

Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда, жумладан:

- аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;
- аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш.

Шу билан бирга, Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсади вазифаларига (яъни Гендер тенглик) мувофиқ, мамлакатимизда 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштироки ҳамда етакчилик қилиши учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур.

Гендер стратегиясининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- хотин-қизларнинг ер ва мулкка нисбатан эгалик қилиш имкониятларини кенгайтириш;

- жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан ҳамда спорт муносабатларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш, қарор қабул қилишда уларнинг етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни яратиш;

- хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ салбий қарашларни ўзгартириш;

- аҳоли бандлиги соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни, шунингдек, муносиб иш ўринларини яратиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг тижорат банкларидан кредит олишга бўлган имкониятларини кенгайтириш;

- хотин-қизлар ва эркакларни бутун умри давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, уларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш;

- одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш, уларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

- оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ ҳамда оилавий ажралишларнинг олдини олиш;

- гендер тенглик тамойилларини илгари суришда, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини тенг амалга оширишда бюджетни режалаштириш, гендер масалаларини бюджет жараёнларига интеграциялаш, гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш;

- гендер тенглик, аёллар тадбиркорлиги, хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш миллий мақсадларига эришишда парламент, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш;

- гендер тенглик соҳасидаги халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига мос бўлган халқаро шартномаларни ратификация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Айнан шу сабабли, гендер тенгликни таъминлаш соҳасида Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинди ва бу норматив-меъёрий ҳужжатлар ҳамда амалий чора-тадбирлар БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича идоралари тавсияларига асосланган.

Гендер тенгликни таъминлашнинг асосий тамойиллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Қонунийлик;
2. Демократия;
3. Очиқлик;
4. Ошкоралик.

“ГЕНДЕР” статистикаси бўйича статистика органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган асосий вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини

янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қарори билан БМТнинг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларнинг «**gender.stat.uz**» веб-сайтига жойлаштирилишини ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминлаш бўйича масъуллар белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-561-сон “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг **16-моддаси. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг статистик ҳисоби ва ҳисоботи** ҳамда ЎРҚ-562-сон “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг **8-моддаси “Гендер статистикасини шакллантириш”** деб номланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил август ойидаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “**2020-2025 йилларда статистикани ривожлантиришининг миллий стратегияси**” қабул қилиниб, унда гендер статистикасини такомиллаштириш бўйича ҳам алоҳида вазифалар белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил май ойидаги “**2030-йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида**”ги қарори билан “2030-йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси”, уни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ҳамда “2030-йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари” тасдиқланди.

Таъкидлаш жоиз, қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатларда гендер статистикасига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, мазкур соҳада статистика органлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланган “2020 – 2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси” доирасида:

сайтнинг барча бўлимларида бугунги кунда жами **180 дан зиёд** гендер статистикасига оид кўрсаткичлар 3 та тилда, 5 хил форматда жойлаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарори билан тасдиқланган “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” бўйича:

Статистика агентлигида гендер статистикасини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилди;

Агентликнинг **gender.stat.uz** расмий веб-сайтига **61 та** мақсадли кўрсаткичлар бўйича маълумотлар жойлаштирилиб, ҳар йили янгилаб борилмоқда;

ҳар йили статистик ҳисоботлар шаклларида қўшимча кўрсаткичлар киритилиб, расмий веб-сайтдаги кўрсаткичлар сони ошириб борилмоқда.

Масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда БМТнинг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган **52 та минимал гендер кўрсаткичлари** тўлиқ шакллантирилиб, “gender.stat.uz” расмий веб-сайтига жойлаштирилди ва мунтазам янгилаб борилмоқда.

Веб – сайтда 5 та йўналиш бўйича 52 та кўрсаткичлардан иборат БМТ Статистика комиссиясининг тавсиясига мувофиқ соҳалар бўйича гендер кўрсаткичларининг минимал тўплами билан бир қаторда **8 та йўналиш** бўйича **130 дан зиёд** бошқа кўрсаткичлар шакллантирилиб, эълон қилиб борилмоқда.

Ўзбекистонда гендер статистикасини ривожлантириш бўйича дастлабки қадамлар 1990 йилларнинг охирида амалга оширилган. Ўша вақтдан бери республикада гендер кўрсаткичлари билан рисолалар мунтазам равишда нашр этилиб келинмоқда. "**Ўзбекистонда аёллар ва эркеклар**" рисоласи 9 та стратегик йўналиш бўйича кўрсаткичларни бирлаштирган.

Ўзбекистонда гендер статистикаси бўйича маълумотлар турли хил манбалардан йиғилади. Маъмурий ҳисоботлардан ташқари, жинси ва статистик кузатувлар бўйича ажратилган, кўп индикаторли кластер тадқиқотлари маълумотлари, шунингдек бошқа вазирлик ва идоралар томонидан шакллантирилган маълумотлар ҳам йиғилади.

Бугунги кунда гендер статистикасини янада ривожлантириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг статистика идоралари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Жумладан, ходимлар малакасини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўлинмалари, МДҲ Давлатлараро статистика қўмитаси, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки ҳамда қўшни давлатлар, Россия Федерацияси, Беларусь, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар билан ташкил этилаётган семинар ва конференцияларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Статистика агентлигида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига кўмаклашиш бўйича маслаҳат-кенгаш органи фаолият олиб бормоқда.

Маслаҳат-кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари котиб ва аъзолар киради. Маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

Маслаҳат-кенгаши таркиби Статистика агентлиги ходимлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари билан иборат таркибда (9 нафаргача) шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 28 декабрдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг 2021-2022 йилдаги ижроси ҳамда уни амалга

ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни тасдиқлаш ҳақида СҚ-682-IV-сонли қарорига мувофиқ Статистика агентлиги тизимида гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти такомиллаштирилди.

Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида меҳнат жамоаларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилишини бартараф этишда кўмаклашиш мақсадида Статистика агентлиги раҳбарининг буйруғи билан ташкил этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, сифатли статистик маълумотлар Ўзбекистонда гендер тенглиги ҳолатини таҳлил қилиш ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

16. “Гендер” тушунчаси нимани англатади?
17. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси ким?
18. “Гендер статистикаси” деганда нималар назарда тутилмоқда?
19. Мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш соҳасида статистика органларининг вазифалари нималардан иборат?
20. Гендер тенглиги тушунчасига таъриф беринг, қайси ҳужжатда келтирилган?
21. Минимал гендер кўрсаткичлари деганда нимани тушунаси?
22. Мамлакатимизда гендер статистикаси қачондан бошлаб юритилмоқда?
23. 2030-йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида статистика органларига қандай вазифалр юклатилган?
24. Гендер статистикаси маълумотлари қайси манбаалардан шакллантирилади?
25. “БМТ-аёллар” қандай ташкилот?
26. “Иқтисодий зўравонлик” тушунчасига таъриф беринг?
27. “Ҳимоя ордери” нима?
28. Гендер статистикаси қайси йўналишлар бўйича юритилади?
29. Барқарор ривожланиш мақсадларининг гендер статистикасига боғлиқлик жойи борми?
30. Гендер комиссиясининг ишчи органи қайси ташкилот?

13-МАВЗУ: МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРО СТАТИСТИКА ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон статистика тизимида **халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви** масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори билан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Статистика агентлиги (аввалги Давлат статистика қўмитаси) марказий аппаратида алоҳида бошқарма ташкил этилди. Халқаро ахборот алмашинуви ва ҳамкорлик географиясини кенгайтириб бориш масалалари йиллик “Статистика дастурлари”га киритилди.

Умуман олганда, халқаро ташкилотлар **уч тоифага** ажралиб, хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибига кирувчи ихтисослашган (БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ва б.) халқаро ташкилотлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибига кирмаган халқаро ташкилотлар (Халқаро савдо ташкилоти, МАГАТЭ, Халқаро миграция ташкилоти ва х.к.) ва алоҳида ихтисослашган халқаро ташкилотлардан (Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНЕСКО, ФАО ва б.) иборат бўлади.

Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари ҳам фаолият юритади. Шунингдек, халқаро ташкилотлар глобал (БМТ Статистика комиссияси ва б.) ва минтақавий (МДХ Статистика қўмитаси, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, Евростат, Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича ижтимоий-иқтисодий комиссия ва б.) кўринишда бўлиши ҳам мумкин. Ҳар бир халқаро ташкилотнинг асосий функцияларидан келиб чиқиб, тегишли статистика маълумотларини юритиш бўйича статистика бўлимлари фаолият юритади.

Умумий ҳисобда, Статистика агентлиги томонидан, бугунги кунда **17 та** халқаро ташкилот билан яқиндан алоқалар ўрнатилиб, уларнинг **49 турдаги** саволномалари асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини тарқатиш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари хорижий давлатларнинг миллий статистика органлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган, жумладан Корея, Ҳиндистон, Сербия, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Украина, Беларус ва Россия Федерацияси билан статистика соҳасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Ҳозирда Малайзия, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари ва Тайланд миллий статистика идоралари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, меморандумлар имзолаш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, “**Корея статистикс**”нинг институтлари билан Агентликнинг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ўртасида “**twinning**” асосида **интеграцияни** йўлга қўйиш борасида илк қадамлар ташланди, 2023 йилнинг май ойида уч томонлама меморандум имзоланди, ҳозирда тажриба алмашиш ва ҳамкорликдаги тадбирларни келишиш жараёни амалга оширилмоқда.

Статистика агентлигида халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви масалалари:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бўлими (UNSD). UNSD Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий ишлар департаменти (DESA) доирасида БМТ котибиятининг статистик эҳтиёжларини қондириш ва глобал статистика тизими фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Марказий механизм сифатида фаолият юритади. Бўлим 1947 йилда ташкил этилган, глобал статистика тизимининг энг юқори бўғини ҳисобланади ва халқаро статистика фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича қарор қабул қилувчи энг юқори ташкилот БМТ Статистика комиссияси томонидан назорат қилинади. БМТ Статистика комиссиясининг йиғилишлари ҳар йили феврал-март ойларида бўлиб ўтади.

Статистика агентлиги Статистика комиссияси томонидан ташкил этилган халқаро йиғилиш ва тадбирларда доимий иштирок этиб келади. БМТнинг Статистика бўлими билан ўзаро маълумот алмашинуви йўлга қўйилган бўлиб, **MBSQ (Monthly Bulletin Statistics Questionnaire)** махсус саволномаси ойлик кесимда тўлдириб тақдим этиб борилади. Статистика агентлиги, Ўзбекистоннинг нарх, меҳнат ва ишлаб чиқаришга оид статистик кўрсаткичлари БМТнинг асосий маълумотлар базасига, шунингдек, товарлар савдоси бўйича маълумотларни “Comtrade” (Дунёдаги энг йирик глобал савдо маълумотлар платформаси) платформасига доимий тарзда киритиб боради.

Статистика агентлиги директори 2023 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бўлими ҳузуридаги **“Барқарор ривожланиш соҳасида статистик ҳамкорлик, мувофиқлаштириш ва салоҳиятни ошириш бўйича олий даражадаги гуруҳ”** аъзоси ҳисобланади.

Статистика агентлигининг истиқболдаги асосий режаларидан бири сифатида Статистика агентлигининг Марказий Осиё статистика идоралари тарихида илк мартаба **БМТ Статистика Комиссияси Бюроси таркибига киришни** режалаштираётганлигини келтириш мумкин.

МДХ Давлатлараро Статистика қўмитаси. 1911 йил 30 декабрда МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари учрашувида МДХ ҳудудида статистикани ривожлантиришни рағбатлантириш, ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, кадрлар салоҳиятини ошириб бориш, турли халқаро тадбирлар (рўйхатга олишлар, статистик кузатувлар, глобал таққослашлар дастурлари ва ҳ.к.)ни ташкил этиш ва ўтказишда техник-экспертизавий кўмак бериб бориш мақсадида халқаро даражада фаолият юритувчи орган - МДХ Давлатлараро Статистика қўмитасини ташкил этишга қарор қилинган.

Статистика агентлиги томонидан МДХ Давлатлараро Статистика қўмитаси билан яқиндан ҳамкорлик ва ўзаро маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган бўлиб, **24 йўналишда 153 турдаги** махсус саволномалар асосида статистик маълумотлар МДХ Давлатлараро Статистика қўмитасига етказиб берилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичлари МДХ Статистика қўмитасининг статистик нашрлари ва электрон ахборот ресурсларида акс эттириб келинмоқда. Бундан ташқари, Статистика агентлиги ходимлари МДХ

Статистика қўмитаси томонидан ташкил этиладиган семинар ва ўқув курсларида иштирок этиб келади.

МДХ Статистика қўмитаси кўмаги билан Статистика агентлиги илк бор миллий валютанинг харид қобилиятини аниқлаш мақсадида **глобал таққослашлар дастури 2021 йил раундида** иштирок этди. Ҳозирда натижаларни таҳлил қилиш ва ҳисоб-китоблар жараёни амалга оширилмоқда.

Статистика агентлиги директори 2022 йилда МДХга аъзо давлатлар статистика идоралари раҳбарлари кенгаши раиси бўлиб, ҳозирда мазкур кенгашнинг раис ўринбосари ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий - ижтимоий Кенгаши (БМТ ИИК)нинг бешта минтақавий комиссияларидан бири бўлиб ҳисобланади. БМТ ЕИК нинг асосий вазифаларидан бири минтақада статистикани ривожлантиришни мувофиқлаштиришдан иборат. Ушбу мақсад учун БМТ ЕИКнинг очик статистик маълумотлар базаси яратилган бўлиб, унда Европа, Шимолий Америка ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича батафсил статистик маълумотлар мавжуд. Маълумотлар базаси макроиқтисодий, гендер ва ижтимоий статистикага асосланган.

Статистика агентлиги ушбу ташкилот томонидан ташкил этилган халқаро тадбирларда доимий иштирок этиб келади. 2018 йилда БМТ ЕИК томонидан Eurostat ва ЕҒТА билан ҳамкорликда Миллий статистика тизимининг халқаро стандартларга мослиги бўйича **илк баҳолаш** ўтказилган. Навбатдаги **глобал баҳолаш (Global assessment)** 2024 йилга режалаштирилган.

Исломий давлатларининг статистик, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ва таълим маркази (SESRIC). Мазкур ташкилот Ислом ҳамкорлик ташкилотининг статистика масалаларида ёрдамчи органи сифатида Исломий давлатларнинг 1977 йилда конференциясида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилотга 1992 йилда аъзо бўлган ва статистика масалалари бўйича яқиндан фаол ҳамкорлик 2017 йилдан йўлга қўйилган. Натижада, 2020 йилнинг 5 март куни Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар манфаатлари доирасида турли хил статистик фаолиятлар бўйича томонларнинг ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун асос яратиш мақсадида SESRIC ва Статистика агентлиги ўртасида **ўзаро Англашув Меморандуми** имзоланган.

Мазкур Меморандумга асосан SESRIC билан икки томонлама маълумот алмашинуви (SESRIC саволномалари асосида) йўлга қўйилган ва Статистика агентлиги вакиллари мазкур ташкилот томонидан ташкил этилган тадбирларда иштирок этиб келмоқда.

Статистика агентлиги директори 2020-2021 йилларда мазкур ташкилот Бюроси раисининг ўринбосари бўлган.

Халқаро валюта жамғармаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги Ф-5054 Фармойишига биноан Ўзбекистоннинг Халқаро валюта жамғармасининг **“кенгайтирилган Маълумотларни тарқатиш умумий тизими”**га интеграцияси амалга оширилган ва 2018 йил 1 майдан автоматлаштирилган **"Йиғма маълумотлар**

миллий саҳифаси" ишга туширилган. Ушбу саҳифада Статистика агентлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги ва "Тошкент" РФБ томонидан **24 та** асосий йўналишда республиканинг **422 тадан зиёд** молиявий, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлари ўз муддатларида эълон қилиб борилмоқда. Бундан ташқари, Халқаро валюта жағармаси Ўзбекистонда Миллий ҳисобларни такомиллаштириш юзасидан техник миссияни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, Халқаро валюта жағармасининг **Ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси** кўрсаткич-ларини шакллантириш бўйича ва **Миллий ҳисоблар статистикаси** бўйича техник кўмаклари ҳам жалб қилинган. Хусусан, Миллий ҳисоблар тизими-2008 талабларини амалиётга тўлиқ жорий этиш ва макроиқтисодий индикаторлар сифатини янада оширишда Халқаро валюта жағармаси-нинг техник-экспертизавий ёрдамни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бугунги кунда Статистика агентлиги Халқаро валюта жағармаси билан биргаликда "Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти" (Special Data Dissemination Standard – SDDS)га ўтиш бўйича ишларни ҳамкорликда ташкил этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик Фонди (ЮНФПА)нинг роли мамлакатларнинг аҳоли ва оилани режалаштиришдаги устувор эҳтиёжларини баҳолаш, демографик омилларнинг (аҳолининг ўсиши, туғилиш, ўлим, ҳудудий тақсимот ва миграция ва ҳ.к.) ролини тушунишга кўмаклашиш, ҳукуматларга аҳоли мақсадлари ва дастурларини ишлаб чиқишда ёрдам бериш ва уларни амалга ошириш учун молиявий ёрдам кўрсатишдан иборат. ЮНФПAnинг асосий статистика манбаи "Аҳоли ва репродуктив саломатлик бўйича мамлакатлар маълумотлари" бўлиб, у, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, соғлиқни сақлаш, ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги, гендер тенглиги соҳаларини қамраб олган.

ЮНФПА ва Статистика агентлиги ўртасида Ўзбекистон Республикасида **аҳолини рўйхатга олиш** тадбирини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик мавжуд бўлиб, ЮНФПА Статистика агентлиги салоҳиятини ошириш ва моддий техника базасини янгилашга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жумладан, ЮНФПА томонидан аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш жараёнида илғор тажрибаларни ўрганиш, турли мавзуга доир халқаро тадбирларда иштирок этиш, зарур ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқишда эксперт ва техник ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) БМТнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат статистикасини, шунингдек, сув ресурслари, ердан фойдаланиш, балиқчилик ва ўрмон хўжалиги комплекслари статистикасини ривожлантириш бўйича асосий маркази ҳисобланади. ФАО нинг асосий ахборот ресурси FAOSTAT маълумотлар базаси бўлиб, уни шакллантириш учун ФАО Статистика бўлими ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотлари, ушбу маҳсулотлар нархлари, шунингдек, мамлакатларда ердан фойдаланиш, суғориш ва ўғитлар бўйича кенг қамровли сўровномаларни тарқатади.

FAOSTAT озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ 3 миллиондан ортиқ динамик қаторлар ва тармоқлараро маълумотларга

киришни таъминлайди. Унда 200 мамлакат ва 200 дан ортик маҳсулот турлари бўйича статистик маълумотлар мавжуд. FAOSTATдан ташқари, бир қатор йирик ФАО маълумотлар базалари, хусусан AQUASTAT (сув ресурслари бўйича), FISHSTAT (балиқчилик саноати бўйича), FORIS (ўрмон хўжалиги бўйича), TERRASTAT (ердан фойдаланиш бўйича) ҳам мавжуд. ФАОнинг асосий статистик нашрлари сифатида статистик Йилнома, статистика Бюллетени, шунингдек, қишлоқ хўжалиги статистикасининг айрим соҳаларидаги тематик мавзудаги нашраларни мосол келтириш мумкин. ФАО ва Статистика агентлиги ўртасида маълумот алмашинуви йўлга қўйилганлиги билан бир қаторда, Статистика агентлиги ушбу ташкилот томонидан ташкил этилган халқаро тадбирларда доимий иштирок этиб келади. Бундан ташқари, ФАО ва Статистика агентлиги ўртасида Ўзбекистон Республикасида **қишлоқ хўжалигини рўйхатдан ўтказиш** тадбирини ташкил этиш бўйича ҳам ҳамкорлик мавжуд.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)да минтақавий бўлинмалар овқатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, болалар ва аёлларни химоя қилиш бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва тарқатиш учун жавобгардир. ЮНИСЕФнинг расмий веб-сайтида мамлакатлар бўйича тегишли маълумотлар базаси мавжуд. ЮНИСЕФ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишни мониторинг қилиш билан шуғулланадиган асосий ташкилотлардан бири. Хусусан, Фонд “Девинфо” дастурини ишлаб чиқувчиси бўлиб, бу мақсадларнинг бажарилишини назорат қилиш ва фойдаланувчиларни зудлик билан хабардор қилиш учун мамлакатларда марказлаштирилган маълумотлар базасини яратишга имкон беради.

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 2021-2022 йилларда мамлакат бўйича оналар ва болалар турмуш тарзини ўрганишга доир **мультииндикатор кластер кузатувлари** ўтказилиб, натижалари эълон қилинди. Бундан ташқари, ЮНИСЕФнинг **ТрансМонее** ахборот ресурсларига интеграция амалга оширилди. Ҳозирда мультииндикатор кластер кузатувларининг навбатдаги **7-раундида** (2024-2025 йилларда) Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш борасида музокаралар олиб борилмоқда.

БМТнинг таълим, илм фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Статистика институти таълим, фан, маданият ва алоқа бўйича халқаро миқёсда таққосланадиган маълумотларнинг расмий ва ишончли манбаи ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг расмий статистика агентлиги сифатида ЮНЕСКО Статистика институти ҳаётни ўзгартириш ва дунёни Барқарор ривожланиш мақсадларига йўналтириш учун зарур бўлган сиёсат ва инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун замонавий маълумотлар базасининг кенг доирасини яратган. ЮНЕСКО Статистика институти ЮНЕСКОга аъзо барча мамлакатлар ва минтақавий гуруҳлар учун маълумотлардан бепул фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

1964 йилда ташкил этилган **БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (UNCTAD)** ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради. UNCTAD статистика

дастури ривожланаётган мамлакатларга ўз иқтисодиёт-ларининг ҳолатини баҳолаш ва глобаллашувнинг афзалликларини англашга ёрдам берадиган маълумотларни тўплаш ва тарқатишга қаратилган. UNCTAD тўғридан-тўғри мамлакатларнинг тарифлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари тўғрисидаги маълумотларни тўплайди, шунингдек, товар экспорти концентрацияси индексини ва товар нархлари индексини ҳисоблаб чиқади. UNCTAD товар нархлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, ахборот-коммуникация технологиялари статистикасини ўз ичига олган онлайн маълумотлар базасини юритади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳоли Пунктлари Дастури (UN Habitat) - БМТнинг ижтимоий ва экологик барқарор шаҳарлар ва мегаполисларни ривожлантириш учун масъул агентлиги. UN Habitat статистика дастурининг асосий мақсади - аҳоли пунктлари тўғрисидаги статистик маълумотларни самарали ва мунтазам равишда тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишни ташкил этиш орқали аҳоли пунктларини ривожлантириш шароитлари ва тенденцияларини баҳолаш ва назорат қилишдир. Дастурда асосий эътибор демография масалаларига қаратилган, шунингдек, дастур иқтисодий фаол аҳоли, уй хўжаликлари, ердан фойдаланиш, инфратузилма ва бошқа кўрсаткичларни қамраб олган.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)да статистика бюроси мавжуд бўлиб, унинг асосий вазифаси фойдаланувчиларга ўз вақтида ва ишончли статистик маълумотларни тақдим этиш, халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва мамлакатларга меҳнат статистикасини такомиллаштиришда ёрдам беришдир. Халқаро меҳнат Ташкилотининг статистика бюроси БМТнинг меҳнат статистикаси тизимининг ягона координатори ҳисобланади. Статистика бюроси бир нечта статистик маълумотлар базаларини юритади, улар орасида ХМТнинг меҳнат статистикаси бўйича асосий маълумотлар базаси LABORSTA алоҳида ўрин тутаяди. Унда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатлари, иқтисодий фаол аҳоли, бандлик ва ишсизлик, иш вақти, иш ҳақи, меҳнат харажатлари, истеъмол нархлари, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, иш ташлашларни ифодаловчи кўрсаткичлар акс этган.

Статистика агентлиги ушбу ташкилот томонидан ташкил этилган халқаро тадбирларда доимий иштирок этиб келади. ХМТнинг расмий статистика кўрсаткичлари базаси (ILOSTAT)да Ўзбекистон кўрсаткич-ларини тўлиқ акс эттириш борасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилган.

Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича ижтимоий-иқтисодий комиссия (ЭСКАТО) билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, Статистика агентлиги директори 2022 йилдан буён мазкур ташкилот Комиссияси бюроси раисининг ўринбосари лавозимида фаолият юритади. Шунингдек, Статистика агентлиги ЭСКАТОнинг савол-номалари асосида **Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича** статистик тўплами учун зарур статистика маълумотларини тақдим этиб боради.

Жаҳон банки. 2019 йил 10 апрелда Жаҳон банки гуруҳи билан Статистика агентлиги ўртасида статистика соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланган. Натижада, Жаҳон Банки билан биргаликда **“2020-2025 йилларда**

Ўзбекистон Республикасида статистикани ривожлан-тиришнинг миллий стратегияси” ишлаб чиқилган. Шунингдек, бутун жаҳон ривожланиш кўрсаткичлари (WDI) платформасида Ўзбекистон кўрсаткичларини тўлиқ акс эттириш, **“Статистика салоҳияти индекси”**да мамлакат позицияларини яхшилаш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан ташқари, 2000 йилдан бери Жаҳон Банки билан ҳамкорликда Ўзбекистонда **уй хўжаликлари кузатувларини такомиллаштириш** бўйича алоҳида лойиҳа амалга оширилиб келинмоқда.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ). ОТБ ва Статистика агентлиги ўртасида Ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари (Key Development Indicators) бўйича маълумот алмашинуви йўлга қўйилганлиги билан бир қаторда, ўзаро ҳамкорликда Статистика агентлигининг расмий веб-сайти ва статистик регистрларни юритиш дастурларини такомиллаштириш бўйича лойиҳалар ҳам ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда.

Халқаро статистика институти. Халқаро статистика институти томонидан ташкил этиладиган йиғилишларда статистикани ривожлантиришга доир муҳим масалалар, уларнинг ечими бўйича илмий изланишлар ва тадқиқотлар натижалари муҳокама қилиб борилади. Статистика агентлиги директори Халқаро статистика институти **Статистика конгресси аъзоси** ҳисобланади ва Конгресснинг ҳар йили ташкил этиладиган йиғилишида иштирок этиб келади.

Статистика агентлиги халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви доирасида, **юқоридагилардан ташқари** БМТнинг табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича минтақавий офиси, ЕВРОСТАТ, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти, Халқаро Энергетика Агентлиги, Халқаро Электроалоқа Иттифоқи, Халқаро автомобил йўллари федерацияси ва Британия Геология Хизмати каби халқаро ташкилотлар билан доимий алоқалар ва уларнинг саволномалари асосида ахборот алмашинувини йўлга қўйган.

НАЗОРAT VA MUHOКАMA UЧUN САВОЛЛАР:

1. Халқаро ташкилотлар тоифаларини санаб ўтинг.
2. БМТ статистика комиссияси ва БМТ статистика бўлимининг мақсадли функцияларини тавсифланг.
3. Халқаро статистикада халқаро ташкилотларнинг функциялари ва вазифалари нималардан иборат (маълум бир ташкилот мисолида тавсифланг)?
4. “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси”да келтирилган вазифаларни бажарилиш мақсадида амалга ошириладиган асосий режаларни изоҳланг.
5. UNICEF нинг мақсадли функцияларини тавсифланг.
6. UNFPA нинг функциялари ва вазифалари нималардан иборат?
7. SDDS га изоҳ беринг. Унинг миллий статистика тизимида аҳамияти нимадан иборат?
8. МДХ Давлатлараро Статистика қўмитасининг функциялари ва вазифалари нималардан иборат?

9. ЭСКАТОнинг минтақа статистикасини ривожлантиришдаги ролини таърифланг.

10. “Йиғма маълумотлар миллий саҳифаси”га изоҳ беринг.

11. Статистика агентлигининг халқаро ахборот алмашинувини таърифланг.

12. SESRIC ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликнинг аҳамиятига изоҳ беринг.

13. Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик ва истиқболдаги режаларни таърифланг.

14. Бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик географиясини ёритиб беринг.